

АСАД ДИЛМУРОДОВ

СИРЛИ ЗИНА

Хужжатли қисса

Газбетор. ЛГСМ. Марказий Кохитети

«ЭНГ ГВАРДИЯ» измариёти

Ташкент—1981 йил

*Азиз онам Норбиби Зор қизи-
нинг табарруқ хотирасига ба-
ғишилайман.*

M y a l l i f

Қисса замондошимиз, чин инсон, малакали мута-
хассис, ёш врачнинг фаолиятига бағишлиланган.

Д $\frac{70303--28}{356(04) — 81}$ 25--81 47 02570000

©Издательство «Ёш гвардия» — 1981 г.

мунгайиб ётади.

Шоҳизинда зиналари... Улар бир пайтлар руҳий покланиш истагида ёнган соддадил кишиларни муқаддас тирик шоҳ ҳузурига етаклаб борарди. Энди эса улар жаҳоний санъат висолига ошиқувчилар учун хизмат қиласди. Бу жойлар кўпчиликка жуда сирли туюлади. Аслида, бунда ҳеч қандай сир йўқ! Бунда фататина оддий, жафокаш, айни чорда тоғқадар мусаффо қалб эгаси—ўзбек халқи қадоқ қўлларининг сеҳрини кўриш мумкин, холос.

Шерали фикрларини йигиб, марказий пештоқ остонасига қадам босди. Пештоқ йўлаги анча салқин эди. Улар тош ётқизилган торсгина майдончадан ўтиб, Шоҳизинда қабристонини тўғсан узундан-узоқ девор олдида тўхташиди.

—Бирпас дам олайлик!—деди Шерали ҳансираф ва нураган деворга тираб қўйилган тахта курсига ўтириди. «Сиҳатинг яхши бўлса —бахтлисан!»—У қаршисида ястанган зинага қўз юргутириб, илмий раҳбари, ажойиб паразитолог Камол Нурбоевнинг шу сўзларини эслади. Камол Нурбоев Ленинградда яшайди, фалакнинг гардиши билан ўша ерда қолиб кетган, медицина институтида ўқиб, катта олим бўлиб етишган эди.

Ҳаётда ажойиб одамлар жуда кўп, бироқ Шерали Нурбоевдек қалби кенг, узоқни кўра оладиган, қаттиқўл одамни бошига учратолмади. Устозининг самимияти юрагида чуқур из қолдирди. У доим: «Ҳаёт мазмунини самимиятдан қидир. Бу нарса тиббиёт учун айники-

Улар Шоҳизиндага етиб келишди. Кўхна иморатларнинг мовий бўёқлари Самарқанд атрофини қуршаган дараҳтзорлар ортидан кўтарилиган қуёш нурларида төвланади.

Шерали кўкка бош урган баланд қуббаларга ҳолсизгина қараб қўйди. Ҳаво унча иссиқ бўлмаса ҳам унинг бўйиндан тер қўйиларди, юзлари бўғриқиб кетганди.

Дилбар билан Галя олдинга ўтиб олишди. Улар қадимий деворларга нақшланган туллардан қўз узишмасди.

Шоҳизинда — фавқулларда ғаройиб обидалар маскани. Бундаги катта-кичиқ нақшинкор ёдгорликлар на шакли, на безаги билан бир-бируни тақрорлайди. Ўз вақтида Шарқ дунёсида ном қозонгай мўътабар зотлар ана шу сокин силсила аро тупроққа сингиб ётиди. Энди уларнинг кўпчилигини ҳеч ким ёдламайди. Балки ёдлашнинг ҳожати ҳам йўқдир. Улуғвор обидалар ҳеч қандай кучни, ҳатто вақтни ҳам писанд қилмай, марҳумлар руҳига паноҳ каби мардона турибди.

Бунда инсон тасаввuri ўз-ўзидан тиниқлашиб кетади. Шоҳизинда қадимдан одамлар сўйган ва чуқур эътиқод билан сиғинган қадамжолардан бири бўлган. Ҳозир эса бу ерга аждодларни эслаш, уларнинг дилидан бо-

са сув ва ҳазодек зарур, бусиз у қуриган да-
ралтсан ғарқ қилмайди», дерди.

Баъзан улар Ленинграднинг намхуш ва
сокин оқшомларини бирга ўтказишарди. Квар-
тираси шундоққина Нева бўйига жойлаш-
ганди. Қуёш ботаётгандага дарёга қуюқ шульга
қўйилар, сувда худди қип-қизил бўёқ оқиб
бораётгандай туюларди.

Уша ажойиб кунлар орқада қолди. Гоҳида
Камол Нурбоевни соғиниб, кўргиси келади.
Аммо илмий ишини ёқлолмай, устози олдидаги
юзи шувит... Ахир, аспирантурани у билан
баравар битиргандар аллақачонлардир дис-
сертацияларини ёқлашди.

Йўлакка бир гуруҳ ажнабийлар кириб
келишиди. Шералининг хаёли бўлинди. Оҳис-
та ўрнидан туриб, Қозизода Румий мақбара-
сининг нақшлари нураган гумбазига назар
ташлади. «Бу ҳақда ҳеч ким ҳеч нарса бил-
майди,—ўйлади у.—Сирла дунё...»

Шерали Дилбарнинг тирсагидан ушлаб
илгарилади ва зинанинг биринчи поясига оёқ
қўйди.

—Бир...

Зинанинг бешинчи поясига қадам босгандага
ўпкаси оғзига тиқилиб қолганди. Эрталаб
қизларнинг таклиғига кўнгани учун пушай-
мон қила бошлади. Дилбарнинг тирсагидан
қўлини тортиб олиб, оғир хўрсинди. Унинг
тиззалари қалтирар, илгари силжиш қийин-
лашиб борарди.

У квартирасини, юмшоқ каравотини кўз
олдига келтирди. Қани, ҳозир уйида бўлса-ю,
маза қилиб чўзилиб ётса... Эҳ, бу қизлар қа-
ердан пайдо бўлиши? Ердан чиқишидими,
осмондан тушишидими? Танаси бошқа дард

билмас, деб шунга айтишади-да! Йўқса, бурни-
га бурундиқ солгандай қилиб судраб чиқи-
шармиди.

Бугун якшанба бўлгани учун Шерали эр-
талаб туришга эриниб, иссиққина кўрпага
ўраниб ётарди. Эшик қўнғироғи қаттиқ жи-
ринглади. Беҳол туриб кийинди, аста-секин
юриб келиб эшикни очди. Эшик ортида почаси
кеңг ва узун, ола-була шим кийган рус
қизи ва атлас кўйлак, қизил кофтада гулдай
очилиб Дилбар жилмайиб турарди.

—Вой-вуй, энди турдингизми?—Дилбар
юпқа лабларини чўччайтирди.—Меҳмонга ҳу-
шингиз борми?

—Келинглар,—деди Шерали.

Қизлар ичкарига киришди. Ўтириши.
Дилбар рус қизига юзланди:

—Менинг дугонам. Галя, Галинка... Кеча
кечқурун келди. Москвада аспирант. Отаси
профессор. Онам билан жуда қалин.

—Ошириб юбордингиз!—Галя Дилбарга но-
рози оҳангда қараб қўйди.

—Сизни Галяга орқаворотдан таништири-
дик,—Дилбар дугонасининг эътирозига парво-
қилмай, гапида давом этди.—У ҳам парази-
толог. Шунинг учун сиз бошлаган тажриба
қизиқтириб қолди.

—Жуда яхши!—деди Шерали.—Ҳозир...
Чой қўйворай.

—Чой керакмас,—деди Галя.—Айтинг-чи,
сиз аскарида тухумларини ичганмишсиз.
Ростми?

—Эҳтимол ростдир,—ҳазиллашди Шера-
ли,—эҳтимол ёлгон.

—Демак, рост бўлса, сиз аскаридоз ка-

саллиги билан оғригансиз. Шундайми? Раингрўйингиз айтиб турибди.

Шерали жавоб қайтармади. Қорнини ушлаб, сал букилиб ошхона сари юрди.

—Қайтинг, Шерали ака! Мәҳмөннинг вақти зикроқ,—Дилбар стол четидаги «Здоровье» журналига кўз югуртирди.—Биз уйдан бошқа режа билан чиқдик, Галя индин уйига учади. Бугун шаҳарни айланиш нияти бор. Сизам бирга юрсангиз, қолган гапларни йўл-йўлакай гаплашиб оламиз. Ишларингиз билан институтда танишар. Айтмоқчи, ахволингиз қалай?

—Бир нави.

—Ундей бўлса, кетдик.

—Тамадди қилиб олайлик.

—Кўчага чиқайлик, бир гап бўлар.

Орадан ярим соатча вақт ўтди. Шерали қизлар билан Регистон майдонига етиб келди. Куз қадимий майдон қиёфасига яна ҳам нуронийлик бағишилаганди. Фақат атиргуллар ҳамон яшнаб ётарди, гулзор четларидаги қатор беҳилар тилларанг меваларини сийрак япроқлари орасидан уялибгина кўз-кўз қиласади. Шишадай гардисиз осмон обидалар рангини зумраддай тиниқлаштириб юборганди. Улар гул шакти ўйиб ишланган панжара эшикласидан ўтиб, мармар зина орқали обидалар ҳовлисинга тушдилар. Юксакда—миноралар ва гумбазлар устида капитарлар бир маромда қанот қоқишиади. Галя Шердор пойида тўхтаб, халқ усталари бунёд этган афсонавий гулзорга—жажжи ва беозор оҳуни қувлаётган даҳшатли маҳлуқ тасвирланган пештоққа термулиб қолди. Галянинг кўз ўнгидагўзал, сирли бир дунё гавдаланди.

—Сен аждодларинг билан фахрлансанг

арзийди,—Галя Дилбарнинг қўлини қисди.—Узбекнинг қалби бунчалик гўзал экан!.. Қара-я, бу рангларни!

Шерали қизлар ортидан паришон эргашиб боради. Унинг кўй кўзлари сокин, бепарво боқарди, чуқур қорачиқларидағина сокин қатъиятни кўриш мумкин эди.

—Кўзимизни шамғалат қилиб қочиб қолманг тағин!—Дилбар орқасига ўгирилиб, Шералига ҳазиллашди.

—Қайтсак...—Шерали қизларга етиб олди.

—Чарчадингизми?—Дилбар жилмайди.—Ё зерикдингизми?

Шерали ялт этиб Дилбарга қаради. Ҳа, Дилбар топиб гапирди, тан олмасдан иложи ўйқ: ҳозир кўнглига ҳеч нарса, ҳатто борлингига доим роҳат бағишиладиган қаршисидаги гўзал манзара ҳам сифмайди.

Гўзаллик билан санъетни ҳар ким ҳам юрагига сиддиравермайди. Бу тушунчаларга ўрин берган қалб уларнинг қурбонига айланади. Ҳаёт эса бутунлай бошқа гап. Ҳозир Шерали мана шу ҳаёт қаршисида турибди. Шунинг учун ҳам кўнглидан бошқа нарсаларни сурисиб чиқариб, аллақандай кучга асир бўлди-қолди. Эртаси қандай бўлади, буёғини билмайди...

«Беш...—кўнглидан ўтказди Шерали.—Беш..» Кейин юқорига нигоҳ ташлади. Зина жуда узун, поялари саноқсиздай туюлди.

—Қизиқ,—деди Шерали ёнидан ўтаётган ажнабийларни кузатиб,—бу ерга кимларнинг қадами тегмаган! Мислсиз тарих...

—Тўғри айтасиз,—деди Дилбар секингина.

—Кўпгина тарихий шахслар ҳақида биз

ҳалиям түғри тасаввурга эга эмасмиз. Шу тарихчи деганиям менга унча ёқинқирамайди. Баъзан аравани қуруқ обқочишади-да.

—Уларгаям осонмас... Қўйинг, шунақа...
Ўзингизни чарчатманг.

—Ибн Синони олиб кўрайлик,—Шерали асабийлашди.—У ҳақда студентларимиз деярли ҳеч нарса билишмайди. Ваҳоланки, баъзи чет мамлакатларда унинг асалари қўлланма тарзида ўрганиларкан.

—Бунга ишониш қийин,—деди Дилбар ўйчанлик билан.—Ибн Сино ҳар қанча бўлсаям, сода тибиётдан нарига ўтломаган. Тўғрироғи, аниқ илмий система билан даволамаган.

—Одатдаги гаплар,—Шерали тагин қизишидди.—Ўзингиз айтинг, ўша даврдан аниқ илмий системани даъво қилиш инсофданми?

—Тўғри, инсофдан эмас,—суҳбатга Галя аралашди.—Лекин Ибн Синони Москвадаям тез-тез эслашади.

—У тиб тарихида ташқи аъзоларда операция ўтказган биринчи жарроҳ.—Шерали Галяга қаради.—Тиббиётда юзтаб тармоқ бўлса, у ҳаммасида текшириш ўтказган. Ҳозир эса, масалан, менинг кандилатликка урина-диган бўлсан, пашшага ўхшаб бир мавзуу атрофида айланиб қолавераман.

—Юра қолинг энди, Шерали ака.—Дилбар унга илтижоли боқди.—Галя зерикиб кетди.

—Ҳозир... «олти»,—кўнглида санади Шерали,—«олти...»—Биз микроб ёки вирусни францус Луи Пастер топган деймиз. Сино эса ундан беш аср бурун юқумли касалликларни кўзга куринмайдиган «жониворлар» тарқатишини микроскопсиз башорат қилган!

Унинг томоги қуруқшади. Тарашадай қотган чаккалари, томирлари бўртган бўйнидан яна тер қўйилди. Қадам босишга мажолисиз эди. Аммо ўзини дадил тутишга, қизларга сир бой бермасликка тиришиди.

—Саккиз...

Ҳа, қизлар олдида юзини ерга қаратмайди. Охиригача бўш келмайди, манзилга етмагунча илгари интилаверади. У ҳали жуда кўп юриши керак. Жуда кўп... Кучи етармикан: ярим йўлда, онасидан ажралган қўзичоқдай қолиб кетса-я? «Қизиқ,—кўнглидан ўтказди у,—зиналар зиёратчиларнинг бирорига қирқта чиқармиш, яна бирорига қирқ битта, бошқасига қирқ учта, фақат гуноҳсиз ва пок кишигина аниқ рақамни топармиш... Гуноҳсиз, пок бўлиш—қандай яхши!»

—Тўққиз...

Аниқ рақамни тополмаса-чи? Адашиб кетса-чи? Унда қайтадан бошлайди, топмагунча қўймайди. Фақат қўйнини пуч ёнғоққа тўлғазишмаса бас!

Шерали ҳансирай бошлади. Обидалар ранги, осмон хира тортгандай бўлди. У гўё будунёга бегона эди. Начора? Бу ерга илинж излаб кирган эмас. Энди қайси сўқмоқдан чиқиб кетиш керак? Хиндлар «чиқиши билмасанг, кирма» дейишаркан.

—Ўн...

—Бунча имилламасангиз?—Дилбар кулиб Шералини олдинга унгади.—Зиналарни санајпсизми? Бари бир янгилишиб кетасиз.

—Шошманг. Ўн... Бари бир сизларга етиб юролмайман. Ўн...

Чиндан у ҳозир тез юролмайди, оёқлари толиб, мадори қуриб бораяпти. Лаънати очо-

пат қуртлар нақ сүяк-суюгигача кемираётганга ўхшайди.

Майли, улар вужудини кемираверсин. Ингреган номард! Тишини тишига қўйиб чидайди. Лекин у ўзини ўзи тушуммаяпти. У қәёққа гангиг бормоқда? Нима излаяпти? Йўқ, йўқ, ҳеч нарса! Ахир, кўзлари олдида ранглар хира тортиб қолди-ку! Ҳаммаси бир чақага қимматдай...

Унга ҳақиқий ҳаётнинг ўзи керак! Майли, у минг хил рангда товлансин, алдасин, кўзларини хиралаштирсан—бари бир, волидаси кўксига интилган боладай, унинг орқасидан эргашаверади. Ҳаёт—ҳаёт-да, ахир!

—Ўн бир...

Кўз ўнгига оқ тангачалар жимиirlади. У, шамолда қолган ниҳолдек, чайқалиб кетди. Енгил гавдасини зўрга ўнглаб, шошилмай илгарилади.

—Ўн икки..

Атрофни вазмини сукунат чўлгаганди. Шоҳизинда меҳмонларининг қадам товушлари тинган, жимтикни қайсиdir мақбаранинг ўпиррилган жойига ин қўйған мусичанинг «ку-ку»си бузарди. Шерали бошини кўтарди. Дилбар билан Галя анча узоқлашиб кетишганди. «Уларга ҳозир етиб оламан! Оз қолди...»

Юқорига кўтарилиш унга осон эмасди. Ўпкаси шишиб, аламидан лабларини қаттиқ тишлади. Негадир, шу лаҳзада ўзини беҳуда чиранадиган, лекин ҳеч иш чиқаролмайдиган одамга ўхшатди. Ожизлик дилини худди занжирдек ўраб олаётганини ҳис қилгандан кейин эса вужуди музлаб қолаёзди. Агар мана шу занжирни парчалаб ташласа, буёғи енгил кўчади. Ҳа, шундайлигига ишонади. Ўшанда

бунга ўзини ўзи ишонтирган эди. Нега энди бир пайтлар кўнглида ёнган ишончи ўчириб ташлашга уринаяпти.

Ер остидан не машаққат билан ёруғликка чиққан чашма кўзини кўмиб ташлашдек оғир гуноҳ бўлмаса керак. У аввал кўзларини чирт юмиб, шу гуноҳни босиб ўтмоқчи бўлди. Куттилмаганда қалби акс-садо берди. Лекин ҳадеганда унинг маъносини чақолмай, узоқ вақт икки ўт ўртасида қовурилди. Олдида кўндалаинг бўлган жумбоқ чигилини очса, илмий ишининг аҳамияти кўтарилиши мумкин эди. Паразитология ҳали бунақа янгиликни кўрмаганди. Шунинг учун Шералининг журъати кўп тортишувларга сабаб бўлди.

Аслида Шералининг ҳамкаслари тинчини ўйқотган мана шу муаммо шаҳар чеккасидаги институт филиалида туғилди. Филиалнинг хилват боғи Шералига аввалдан сирли бўлиб кўринар, ишлаб толиққан кезларида бу ерга келиб, чирий бошлаган эски курсиларда ўтириб кўнгил ёзарди. Боғ заҳ ва салқин, тангадай ерга ҳам офтоб тушмайди. Боғдаги олма, шафтоли, ўрик ва беҳи дараҳтларини бир вақтлар бу осойишта жойда кеча-кундуз уйқубилмай тажриба ўтказган олим Леонид Михайлович Исаев экканди...

Шерали филиал боғига қадам қўйиши билан инсон саломатлиги учун ўз роҳатидан кечиб, уззуқун жөнини жабборга бериб ишлажган ўша меҳнаткаш тадқиқотчи хотирасини албатта эсларди. Ўзбек тупроғида ягона бўлган бу тиб даргоҳи кўпгина юқумли касалликларининг пайини қирқди. Институт вабо, тиф, ўлат, безгак каби «қора ўлим» касалликларига барҳам берди. Турли-туман вируслар,

фақат одам танасида кун кўриб ривожланувчи текинхўр қуртлар, зааркунанда ҳашаротлар, касаллик ташийдиган қон сўрувчи пашшалар ва канасимонларни йўқотиш учун институт ходимлари ҳамон тадқиқот олиб боришаарди.

Бир куни Шерали филиалнинг ўқувчилар кам қатнайдиган, саноқлигина китоби бўлган кутубхонасидан муқоваси сарғайиб кетган қалин дафтар топиб олди. Жимжит кутубхонанинг кўримсизгина тахмонларидан бирида чанг босиб ётган бу дафтар Леонид Михайловичнинг унтилган кундалиги экан. Шералининг кўнгли ўртаниб кетди. Олим унда—умрининг охирги йилларида паразитологияга оид олиб борган баъзи кузатишларини: тоғлиқ Ургут зонасидан бир йиллик аскарида тухумларини келтириб, институт филиалига қарашли боққа кўмганлиги, уларнинг яшовчанлигини текшириш ниятида эканлигини батафсил ёзганди. Қизиқ, олим бу ғалати тажрибасини охирлатдимикан? Шерали институт кутубхонасини, аввало олим асарларини, бошдан охиригача титкилаб чиқди. Тажриба якунлари ѡчек қаерда қайд эттимаганди.

«Нима қилиш керак?»

Леонид Михайлович мухим ишга қўл ўрган-у, афтидан, қайта кўришга қўли тегмаган ёки унтиб юборган. Агар энди ўша иш адомига етказилса, паразитологлар отахонининг руҳи шод бўларди.

Шералининг қадами кутубхонадан узилмай қолди. Энди у боққа кўнглини ёзиш, асабини юмшатиш учун эмас, яrim йўлда барҳам еган ишни ниҳоясига етказиш чорасини излаб келарди. Боғча билан филиал лабораторияси

ўртасида бўзчининг мокисидек айланар, нам тупроқни микроскоп окуляри остига тўкиб, соатлаб текширади. Кўпчилик ҳамкаслари уни мазах қилишар, ўзини фойдали ишга уришарди.

Лаборатория мудири Вали ака айниқса уни бу ишдан чалғитиши ўйлани изларди. Кунлар ўтган сайин Шерали беҳуда ишга вақт сарфлаётганига чиндан ҳам ишона бошлади. Бир неча ой қилинган меҳнат сувга оқиб кетди, бир дона ҳам тирик тухум топилмади. Тарвузи қўлтиридан тушгач, ишни батамом йиғишириб қўйиб, роса кулгига қолди.

Шерали бу ҳолга чираб туролмади. Боққа қайтиб, икки ой тупроқ титкилаш билан вақт ўтказди. Боғдан целлофан халтачаларда тупроқ келтирас, микроскоп остида қўздан кечирап, охири ҳафсаласи пир бўлиб, чиқариб тўкиб ташларди.

Ҳаловатсиз, иш, худа-беҳуда изтироб, уйқусизлик Шералини чўпдай оздириб юборганди. Киртайган кўзларига умидсизлик соя солган, ҳеч кимнинг кўзига кўринмас, дўстларига қўшилмасди. Дўстлари уни деярли унтиб юборишиди, Шерали эса чириган хазонлар ҳиди анқиб ётган жимжит боғни тарк этишни хаёлига ҳам келтирмасди. Умидлари яна мутлақо узилаётганда бир куни шўр босган девор бурчагида нам тортган кўкиш қозиқни кўриб қолди. Қозиққа энли, тўрт бурчак тунука тахтacha михланганди.

Шерали қозиқни суғуриб олди-да, уёқ-буёини айлантириб қаради. Тунука тахтачага кўк бўёқ билан қинғир-қийшиқ қилиб ёзилган қўйидаги лавҳани ўқиди: «Бу ерга тирик ас-

карида тухумлари кўмилган. Л. М. Исаев. 1958 йил».

У латта билан тахтачани шошилмай артди, кўк ҳарфлар тағин ҳам аниқроқ кўринди. Ҳамон кўзларига ишонмай турар, олдидан беҳисоб хазиға чиқиб қолгандек ўзини йўқотиб қўйганди.

Қозиқни бир четга қўйиб ўша жойни қазиди, тўрт-бешта целофан халтани намчил тупроққа тўлғазди.

Кўнглига уриб кетган жимжит хонага хомуш қадам босиб халтачалар билан қозиқни полга қўяркан, ҳамон бирор иш чиқишига гумонсиради. Окуляр остига тупроқ тўкиб, бирор соатча уймалангач, тўсатдан хонани бошига кўтариб бақириб юборди:

— Топилди! Топилди!

Унинг шодликларга тўла овозини фақат соувқ деворгина эшилди, холос. Ҳовлиқиб қолган Шерали маст одамдай хона айланар, қўлларини бир-бирига ишқалаб: «Топилди! Топилди!» дейа хитоб қиласади.

Шом қоронгисида лабораториядан қаттиқ толиқиб чиқди. Кечки мусаффо ҳаводан тўйиб симириди. Ёз осмони осуда уйқуга толаётган шаҳарни аллалаётгандай туюларди, неон чироқлари ёритиб турган даҳрахтлар бағрида бесаранжом майналар, чумчуқлар тинимсиз вижирлашарди. Ана шу он Шерали бирдан ҳувиллаган жимжит квартирасини кўз олдига кетирди-ю, юраги безиллади. «Ўмримининг чоракдан зиёдини яшаяпман-у, ҳамон сўққа-қабошман, — ўйлади у. — Нима ҳам қиласадим? Ёлғизликдан қочиб қутулиш қийин. Ўзим пиширган ошни кимга ҳам ичира олардим.

Агар тайиним бўлганда, эҳтимол, уйда кимдир кутиб ўтирган бўларди».

Тошохур чорраҳасига етгунча деярли ҳеч кимни учратмади. Чорраҳанинг кунботар томонидаги буфетли ошхона эса пивохўрлар билан тўлганди. Шерали ишдан қайтишда кўпинча шу ерда овқатланарди. Йичарига кириши билан димоғига сигарет тутуни, шўр балиқ ва ачиған пиво ҳиди урилди. Очлиги, чарчагани учун кўнгли айниди-ю, шартта орқасига ўгирилди. Остонага етганда таниш овоз эшилди. Шерали тўхтаб ортига назар ташлади. Қўйироқдаги столда башанг кийинган уч-тўрт улфати билан пивохўрлик қилаётган Зиёхонни кўрди. Чиқиб кетишини ҳам, қайтишини ҳам билмай қолди.

— Келинг, Шерали, — деди Зиёхон жилмайиб. — Нега ўйланиб қолдингиз?

— Тутун! — Шерали дўстининг таклифини қайтаролмай, бўш стуллардан бирига бориб ўтириди.

— Чарчаган кўринасиз?! Ҳозир...

Зиёхон иргиб турди. Кўз очиб-юмгунча бир стакан арақ, икки кружка пиво ва тарелкада овқат келтириб, Шералининг олдига қўйди.

— Ўзингизни жа аямаяпсиз-да. Қани, қарасинлар.

Шерали буғланиб турган бифштексга кўзи тушгач, ҳаддан ташқари очиққанини сезди. Арақни бир сипқаришда ичди. Бифштексни шошилмай тушира бошлади. Сал ўтмай ёноқларига қон югурди.

— Филиалдан келаяпсизми? — сўради Зиёхон пиво ҳўплаб.

— Ҳа.

— Бунча кеч?

У «топилдиқ» ҳақида дўстига гапириб беришга қарор қилди.

— Пича тутилдим. Ҳалиги... тирик тухум топилди.

— Шунақа денг? Охири қўймабсиз-да!» Фалати... Бахтингиз чопибди, ошна.

— Унчалиқмас.

— Ўзингизни гўлликка солманг, ошна. Агар рост бўлса... Илмий ишингиз битди деяверинг.

— Қўйсангиз-чи! Агар рози бўлсангиз, дўстим, ишни биргаликда давом эттирамиз.

— Тайёр ошга баковул бўлиб нима қилдим...

— Менимча, ҳали қилинадиган иш кўп.

Улар кружкадаги пивони охиригача ичиб, туришди. Ошхона олдидаги нимқоронғи ва жимжит бекатда хайрлашишди. Шерали Регистон томон яёв жўнади.

Эрталаб ишга кечикиб келди. Вали ака билан саломлашиб, ишининг ипидан игнаси гача гапириб берди. Мудир унинг сўзларини киприк қоқмай эшилди. Лекин ажабланмади. Шерали эса унинг ҳаяжонланиши, ҳайратлашиши, қизишиб саволларга кўмиб ташлашини кутганди. Йўқ, ундай бўлмади. Вали ака салқиган иягини кафтларига тираб, Шералига термулди. Чамаси бир пиёла чой ичгунчалик вақт ўтгандан кейингина у ўрнидан туриб дебразага яқинлашиди.

— Қизиқ! — деди бир пайт чўзиб, — буни исботлаш қийин-ку!

— Леонид Михайлович тухумларни қайга кўмганини белгилаб қўйган экан, — тушунтира бошлади у.—Бу ўша тухумлар, ҳа, ҳа...

— Ҳмм!. Ишонгинг келмайди! — Вали ака

орқасига ўгирилиб, Шералига савол назари билан қаради... — Сиз Қарима опанинг иши билан таниш бўлсангиз керак.

— Танишман. У киши москвалик ва эстониялик паразитологлар билан биргаликда аскаридалар очиқда беш-олти йилдан ошиқ яшамайди, деган фикрга келган.

— ГФР дан ҳам шундай хulosага асосланган қўлланма олувдик. Бунга нима дейсиз?

— Бир нарса дейишим қийин ҳозирча, Вали Тиллаевич, баъзан шунақа сакрашлар ҳам бўлиб тураркан-да. Пайти келиб...

— «Пайти келиб» уни кимдир тузатади! Шундайми? Тутантириғи йўқ гап...

Шерали устози қизишганини пайқади, унинг бунчалик лоқайдлигини кўриб, тарвузи қўлтиғидан тушди. Энди унга гап уқтириш фойдасиз эди. Бари бир жим туролмади, кўнглидаги гапни айтишга қарор қилди:

— Вали Тиллаевич, борди-ю, тухумларни синаб кўрсак-чи?

— Қандай қилиб? Тушунмадим. Ҳа-а, ҳайвонларда демоқчимисиз?

— Ҳайвонларда ҳам синаш мумкин. Лекин бу кутилган натижани бермайди. Хулосалар аниқ чиқмаслиги мумкин. Шунинг учун...

— Хўш?

— Мен тухумларни ўзимда синаб кўрмоқчиман.

Вали ака бенхтиёр ихраб юборди, кўзларининг паҳтаси чиқиб кетди. Аста-секин Шералининг ёнига яқинлашди-да, биринчи марта кўраётгандай унга тикилди.

— Ўйлаб гапираяпсизми?

— Ҳа, Вали Тиллаевич...

— Фалати одам экансиз! — Вали аканинг

овозида афсус оҳанги бор эди.—Худо ҳақи... Э, э, ҳа-а, дарвоҷе, гапингизга ҳайратланмасам бўлади. Агар ростдан ҳам тухумлар ўн йиллик бўлса, касаллик чақирмаслиги мумкин.

— Худди шуни аниқлаш керак, Вали Тиллаевич. Бу жуда муҳим, биласизми? Жуда муҳим!

— Ҳовлиқманг. Биламан, сизнинг ёшингиздагилар ҳовлиқма бўлишади. Қаёққа қадам ташлашаётганини ўйлаб ҳам ўтиришмайди. Ўзларини бир кўрсатиб олса бас! Кейин, дўппилари тор келганда... Нима деётганимни тушунаётган бўлсангиз керак.

— Тушунаяпман.

— Тушунмайсиз...

— Карима Музаффаровна бизни тушунар деб ўйлайман.

— Гап тушунишда эмас. Тушунса-тушунмаса бироннинг юзига оёқ қўйиш осон эмас. Яна кимнинг қадри денг? Вали Тиллаевичники! Оланинг олдида нима деган одам бўламан?..

— Вали Тиллаевич, мен...

— Қўйинг, бўлди! Нафасни ичга ютиш кепак, тинҳ бўлай десангиз.

— Тушунмаяпман! — деди Шерали елкаси ни қисиб.

— Бўлди!

— Вали Тиллаевич! Агар унақа бўладиган бўлса, майли, илмий кенгашга рапорт ёзаман. Кўпчилик ҳал қилин.

— Шунақа денг?

— Ҳа.

Вали ака жойига ўтиреди, ранги оқариб кетди. Шералига қараб туриб:

— Билганингизни қилинг, биродар, — деди.

Шерали хомуш тортиб чиқиб кетди. Боши ари инидек ғувилларди. Беихтиёр Карима опани эслади. Институтда кўпчилик «опа» деб мурожаат қиласидиган бу аёлни у яхши билмасди. Вали ака ундан нега бунчалик қўрқади?

Уша кундан бошлаб Шералининг пайтавасига қурт тушди. У опа билан юзма-юз бўлишни ўйлар, ўйлагани сайн аллақандай куч юрагини аёвсиз кемираради.

* * *

Кузнинг эринчоқ қуёши Шоҳизинда мақбараси гумбазига майин нур сепади. Шерали хаёлни йиғиб олиб, атрофга аланглади. Қабристон девори, обидалар юракни сирқиратувчи сирли сокинликка чўмган, гўё жимжит хонақоҳ ва совуқ ҳужралар асрлар уйқусига толганди.

Дилбар билан Галя баланд қуббани бирбирига кўрсатиб, нима ҳақдадир тортишарди. Шерали чуқур тин олиб олдинга силжиди.

— Ўн уч... ўн уч...

— Шерали ака, уялмайсизми? — қулоқлари остида Дилбарнинг қўнғироқдай овози янгради.— Орқада қолиб қизларга масхара бўлиб ўтирибсиз-а!

— Ўн тўрт... ўн тўрт...

— Чолга ўхшайсиз! — Дилбар қиқирлаб кулди.

— Чол? Ўн беш... Ким чол. Ўн беш...

Оёқлари сезилар-сезилмас қалтиарди, қўлларини тиззасига қўйиб жилмайди. «Сизга осон! — ўйлади Шерали. — Бирорга тўн бичиши осон...»

У бошини орқага ташлаб чуқур нафас олди. Ошқозони ва кўкрагининг чап томони санчиб, афти буришди. Дилбар ростини айтди! Тез қариди, ҳар куни бир йилдан яшаётганга ўхшайди.

Майли, бунинг аҳамияти йўқ. Ҳаётда шунақа дақиқалар ҳам бўладики, киши ўзини фақат ё ожиз, ёки кучли сезади. Ўшандада Шерали Вали ака билан ит-мушукдай рижиллашиб унинг олдидан дунё кўзига қоронги бўлиб чиққанда ўзини жуда ожиз ҳис қилганди. Юрагини кимга ёришни билмас, ўз ёғига ўзи қовуриларди. Тўнини тескари кийиб олган Вали акадан нажот кутиш беҳуда эди.

Вали ака узоқ вақт «тўқимини қорнида олиб юрди». Шерали билан тузукроқ сухбатлашмасдан қўйди. Унинг қовоғига қарайвериб, Шералининг юрак-бағри қон бўлиб кетарди. Охири у Вали акадан қўлини ювига қўлтиғига урди-да, дардини Зиёхонга ёрди. Зиёхоннинг мулоҳим бокӯвчи қисиқ кўзлари катта очилди-да:

— Беъманилик! — деди кескин оҳангда.
— Менга ёрдамингиз керак, Зиёхон...

— Ўша тухумлар тирикми? Тирик! Сизга яна нима керак?

Шерали ҳорғин кулди.

— Менга ҳеч нарса керакмас. Фанга, одамларга...

— Хомхаёл бу, ошна...

— Ўн йиллик тирик тухум топдим, деб ҳар қанча жар согнаним билан бунга ким ишонади. Айниқса Қарима опани айтинг... У кишининг иши... Унга конкрет факт керак.

— А! — Зиёхон кескин қўл силтади. -- Сизга материал тайёр, менимча.

— Майдагапларни қўйинг, Зиёхон. Очигини айтинг, ҳалиги гап...

— Беъманилик дедим-ку! Ё ҳазиллашаяпсизми? Диссертациянгизни ёзавермайсизми? Э-э...

«Гўсала-ку буям! — кўнглидан ўтказди Шерали тишини ғижирлатиб. — Одам қуригандай шунга юрагимни очибман-а!»

Хонага оғир сукунат чўкди. Шерали ҳақоратланган кишидек тумтайиб, деразага қараб олди. Зиёхон халатини ечиб кийим илгичга илди-да, чиқиб кетди. Ўн минутлардан сўнг қайтиб кирди. Шерали ҳануз ўша ҳолатда ўтиради.

—Хафа бўлманг, Шерали!—деди Зиёхон костюми тугмасини ўйнаб. — Мен розиман... Фақат бир илтимосим бор. Диссертациям учун керакли хулосаларни аямайсиз.

— Майли, хулосаларнинг ҳаммаси сизники бўла қолсин.

Шерали дўстининг бақувват, кенг елкасига қўлини қўйди. Унинг чеҳраси ёришган, кўзлари кула бошлаганди.

Орадан бир ойча вақт ўтгач, илмий кенгашнинг август мажлисида паразитология лабораториясининг мудири Вали аканинг ҳисоботи қўйилди. У Шерали ўтказмоқчи бўлган тажрибани ҳам шарҳлашга ваъда берди. Лекин амалда бунинг тескарисини қилди. Ҳисоботга тухумлар ва тажриба ҳақида бир оғиз ҳам сўз киритмади. Шерали буни зиддан пайқаб, унга ёлворди, Вали ака эса: «Ҳозир пайтимас назаримда, — деди. — Пайти билан опага ўзим етказаман».

Шерали Қарима опанинг ҳузурига киришга қарор қилди. Фифони фалакка кўтарилиган бир

пайтда тасодиф уни қўллаб юборди. Доимо юрак хасталигидан нолийдиган Вали ака мазаси қочиб касалхонага тушди. Ҳисобот Шералининг бўйнига юкланди.

Ҳисоботни синчилаб ўқиди, тузатишлар киритди. Леонид Михайлович Исаев ниҳоясига етказолмаган тажрибани алоҳида шарҳлаб, унга илова ҳам қилди.

Ўша куни институтнинг турли хил рангли суратлар ёпиштириб ташланган кичик зали олимлар билан лиқ тўлди. Карима опа кечикиб келди. У кириши билан зал сув сепгандай жимиб қолди. Шерали, қирқ беш ёшли, чиройли, бақувват бу аёлни узоқдан кузатаркан, унинг руҳий тетиклиги, ҳаёт қийинчиликлари га ўзичалик дуч келмаганига кўнглида иқорор бўлди.

Карима опа хиёл тўлишган, бежирим юзи жозибасини ҳануз йўқотмаган, мулойим табиатли аёл эди. Қўллари тўла, оппоқ лекин бармоқлари нозик бўлиб, ингичка қошларига билинар-билинмас қалам тортилган, сурмали йирик кўзларida ажаб бир латофат акс этиб турарди.

У президиумдан жой олар экан, турмакланган соchlарини сал-палт тўғрилаган бўлдида, ўнг ёнидаги тепакал кишига юzlаниб, нимадир деб пицирлади.

Шералини минбарга таклиф қилишди. У орқароқда ўтиради. Зич стулларни оралаб ўтиб, бурчакдаги пастқам минбар олдига этиб келгунча қора терга тушиб кетди. Минбарга чиққандан кейин ҳам анча вақт ўзини ўнгломади. Залдагилар «Қани она сути оғзидан аrimаган бу йигитча нима деркин?» дегандай, унга беписанд тикилишарди.

Шерали иложи борича атрофга қарамасликка уриниб сўзлашга тутинди. Лекин залда говур-гувир тўхтамади. У Леонид Михайловичнинг номини тилга олгандан кейингина ўтирганлар беихтиёр бошини кўтарди. Залда пашша учса эшитиладиган жимлик чўки, кейин яна аллақандай мазахли шивир-шивир бошланди.

— Жим бўлинглар! — Карима опа олдида гулдор пиёла гирдига ручкаси билан уриб, Шералига қаради. — Кечирасиз, охирги жумлангизни қайтарсангиз:

Шералининг юраги «шиф» этди.

— Бундан ўн йил бурун... — дея гапини давом эттириди у.

Ўнлаб нигоҳ унинг анордай қизарган изтироб ва ҳаяжондан бамисоли оловдай ловиллаётган юзига михланди. У ҳеч кимнинг тушига кирмаган, хаёлига келмаган янгилик ҳақида гапирап, аскаридалар муаммосига дахлдор шу пайтгача тўпланган жуда кўп илмий хуласалар устидан сездирмасдан қора чизиқ тортаётганди. У дадил тортинмай юрагидан чиқариб сўзларди. Зал яна жонланди. Ҳайратдан тошдай қотган нигоҳлардан фақат бир маънони уқиш мумкин эди: «Бу йигитча Карима Музаффаровнани инкор этајпти-ку!»

— Афсона! — деб бақирди кимдир.

— Буни қандай исботлайсиз?

Турли томондан саволлар ёғилди. Шерали довдираб қолди. Карима опа яна жонига оро кирди. У шошмай ўрнидан туриб, босиқлик билан:

— Бу қандай гап? — деди. — Илмий кенгашдамисизлар, ё чойхонада? Навбат билан савол беринглар.

—Бўлмаса, аввал мен..—олдинги қаторда ўтирган паст бўйли қориндор киши сапчиб ўрнидан турди.—Карима Музаффаровна, менимча, Шерали аллақачонлар асосланган масалага асоссиз қайтиб, бошимизни қотираяпти. Ахир, сиз ўзингиз, опа... Аскаридалар ҳәтини аллақачонлар ўрганиб бўлгансиз-ку!

Карима опа елкасини қисди. Унинг юзидан бирор инфодани англаш мушкул эди. Пакана киши Шерали томон юзланди:

—Холмуҳаммедов! Сиз ҳам бундан хабардор бўлсангиз керак-а?

—Ҳа, хабардорман,—деди Шерали хотиржамлик билан.—Лекин олимлар яқиняқинларгача аскаридалар умри бир-икки йилдан ошмайди, деган фикрда эдилар. Ҳурматли опамиз бу фикрни рад этиби...

—Бўлмаса вақт ўтиши билан паразитнинг яшовчаниги ортиб бораркан-да?

—Ундей эмас! Гап шундаки...

Шерали фикрини инфода қилилмай чайнади. Президиумда ўтирган тепакат киши гапга аралашди:

—Баҳсингиз асоссиз, ука. Қизишсак, ранжимайсиз. Ўша тухумларингиз ўн йиллик дейлик,—у «тухумларингиз» сўзига ургу берди.

—Тирик бўлса, касаллик чақираверади-да. Уларни синаш ортиқча дахмаза эмасми?

—Саттор Мукимович, улар, эҳтимол, касаллик чақириш қувватини йўқотгандир!—деди Шерали ўзини ўнглаб.—Иккинчидан, агар касаллик чақирса, қон таркиби, қон айланишига, юрак, ўпка, жигар, ошқозон, ичаклар ва бошқа аъзоларга қандай таъсир кўрсатади? Энг муҳими, мана шуни билиш! Ҳозиргача ҳеч ким бунга қизиқмаган.

Залдагилар бутун вужудларини қулоққа айлантириб Шералини тингларди. Лабларидан бирор дақиқа табассум аrimайдиган Карима опанинг юзига нозик бир маъюслик соя солди. У залдан кўз узмас, Шералининг лўндалўнда фикрларини хаёлан ечар, ичини нимадир кемирарди. Бундан қарийб беш-олти йил бурун унинг ўзи худди шу минбардан аскаридаларнинг хусусиятлари ҳақида қизишиб доклад қилган, кўпчиликни оғзига қаратган, ўзигача ҳукм сурган мўрт хулосаларни ер билан яксон қилганди. Олимлар уни кўкларга кўтариб мақтаганди. Карима опа ўшанда вакти келиб жуда кўп олимларни қойил қолдирган хулосаси эскириб қолишини хаёлига келтирмаганди. Демак, янгишган экан-да!

—Масала кўпчиликка чигал кўринаяпти,—Шерали ҳамон қизишиб сўзларди.—Аслида ундаймас. Биз қўрқмасдан текширишлар олиб боришимиз керак. Ахир, медицина фани тараққиёти учун кўп олимлар юқумли касалликлар микроблари билан ўзларини заҳарлашга бориб етганлар. Мечников вабо, Завъялов ўлат микроблари билан заҳарланишиб...

—У бошқа гап. У—жасорат.

—Шераливой ҳам жасорат кўрсатмоқчи чоғи!?

—Хе, бузоқнинг югургани сомонхонагача!..

Шерали олдинги қаторда ўтирган пакана одамнинг хириллоқ овозини таниди. Унинг оқиши юзига совуқонлик билан тикиларкан, юрагида газаб ва нафратга ўхшаш бир туйгу қўзғалди.

—Жасорат қоплондаям бўлади,—деди Шерали ҳалиги одамдан кўз узмай.—Мечников

ҳам, Завъялов ҳам жасорат ҳақида ҳатто ўйлаб кўришмаган. Бунга вақтлариям бўлмаган. Ахир ёввойилик билан фанга янгилик олиб кириш ўртасида ер билан осмонча фарқ борда!

Карима опа ҳамон зални бепарво кузатар, ичида эса турли чалкаш туйгулар ғалаён қиларди. Унинг безовталигини кўзларидан залдагилар аллақачон пайқаб олишган, кўпчилик Шералига еб қўйгудек тикиларди. Шерали эса ҳеч нарсани сезмасдан кўнглига туғиб юрган гапларини ўртага ташларди. У ўзи билмаган ҳолда Карима опанинг илмий тадқиқотлари заминига сув қуиди. Бу ҳол опанинг тасаввурини бутунлай ўзгартириб юборди; Шерали қиёфасида талабчан ва кучли олимни кўриб турарди.

Карима опа ҳал қилувчи—сўнгги сўзни айтib, Шералига зарба беришини залдагилар сабренизлик билан кутишди. Шералининг кўнгли буни пайқаб безовталана бошлади. Бироқ опа унинг фикрларига ҳеч қандай муносабат билдирамади. Савол-жавоб тугаб, Шерали жойнга бориб ўтиргач, опа мажлисни ёпиқ деб эълон қилди.

Эрталаб соат тўққизда Шерали лабораторияда ишни нимадан бошлишни билмай мияси ғовлаб ўтиради. Эшик қия очилиб, котиба қизнинг думалоқ юзи кўринди. Қиз сурмали кўзларини пирпиратиб, опа чақираётганини айтди. «Энди бошланади,—ўйлади Шерали кўнгли ғашланиб, —нима деркин? Жазолармикин?»

Карима опанинг қовоғидан қор ёғарди. У қизил баҳмал ёпилган креслода мунгайиб ўтиради. Шералини кўриши билан жилмайди.

—Келинг, ука. Яхшимисиз?

Шерали опа билан сўрашди. Кейин қаршидаги курсига ўтиради.

— Уша дафтарни бир кўрсам майлими?

— Майли. Обкелай бўлмаса.

У лабораторияга гўё қанот боғлаб учеб борди, портфелидан дафтарни олиб, изига қайтди. Карима опа ҳамон ўша ҳолатини бузмай ўтиради. Гирди сарғайган дафтарни шошилмай варақлади. Унинг чеҳраси гоҳ ёришар, гоҳ маъюсланарди. Нихоят, дафтарни охиригача синчиклаб ўқиб чиққач:

— Қимматли дафтар,—деди.—Аскаридоз ҳақида қимматли гаплар ёзилган. Бошим қотиб қолди.

Опа беихтиёр ўрнидан туриб кетди. Кўнгли ғаш, фикрларини жамолмай қийналарди. Ҳаёт қизиқ экан, она сути оғзидан кетмаган бир гўдак унинг йўлига ғов ташляпти. Обрўсини ерга урмоқчи бўляяпти. Нима, мум тишилаб ўтиравериш керакми? У ҳам курашиш ўйлини билади. Лекин беҳуда чиранмайди. Бақириб-чақирмай ҳақлигини исботлаб беради.

Ҳа, ҳақлигини яна бир марта исботлаб бериши зарур! Йўқса, олимлиги қаёқда қолади?

— Сиз ҳаммасини ўйлаб кўрдингизми?—опанинг овози ҳазин эшитилди.—Ўйлайсизки, биз янглишганмиз! Шундайми? Бутун дунё паразитологлари янглишган! Қанчалик кулгили ҳол!

— Опа, мен бундай фикрда эмасман.

— Майли. Ҳар бир олимнинг ўз дунёқараши бўлиши керак.

Мен розиман. Сизам ишингизни давом эттираверинг. Лекин менам тинч туролмайман. Москва ва Эстония билан яна алоқа боғлаш

га тўғри келади. Фанда муаллақ нарса қанча кам бўлса, шунча яхши!

Шерали дафтарни олди ва аста эшик томон юрди.

—Халиям жиддий ўйлаб кўринг,—деди опа ўрнидан қўзғалиб.—Баъзан. Билмай босилган тиканинг заҳри ёмон бўлади.

Бирдан Шералининг юзига қон тепди. Нимадир дейиш учун оғиз жуфтлади-ю, ўзини босиб чиқиб кетди. «Билмай босилган тикан... Товба, опа нимани кўзда тутаяпти? Нима бўлсаям бўш келмайман!—ўйларди Шерали лаборатория сари одимларкан.—Бўш келмайман! Опаям пайти етиб тушунар... Тушунмаса ҳақиқатни тан олар...»

Опанинг илмоқли гапларидан кейин дастлаб таваккал қилишга қўрқиб юрди. Қандайдир куч эса тинчлик бермас, борлигини гулгулага соларди. У ҳовлиқиши, жizzакилик бефойдалигини, олди-қочди саёз гаплар билан одамларни ийдириш, иззат-нафсини қондириш озми-кўпми тушунар, аммо ўзи билан ўзи учакишигандек, елкасидаги шайтон измидан чиқмасди. Аниқроғи, бошқалар назарига тик боришка, ўз нуқтан назарини ўртага ташлаётганда эҳтиёткорлик билан иш тутиш кераклигини тан олмасди. Эҳтиёткорлик, қўрқиб-писиб юрак ҳовучлаб юришини ёқтирмауди, негаки, бошқаларга ишонарди, ишонч бор жойда эса эҳтиёткор бўлишга, шубҳага ҳожат қолмайди.

Илмий кенгашдаги ҳисоботдан кейин кўпчилик унга бегонадек ётсираб қарайдиган бўлди. Шерали бунинг сабабини биларди. У кўпларни қанотига олган, кўплардан меҳр-муҳаббатини, ўз йўлини топиб кетишлари учун ёрдамини дариф тутмаган Карима опанинг об-

рўсига чанг солган эди. Она сути оғзидан кетмаган йигитчанинг кутилмаган ҳамласи опа тарафдорларини анча довдиратиб қўйди. Бальзилар унга ичдан тан беришса-да, кўрарга кўзлари, отарга ўқлари йўқ эди. Институт ҳаётининг катта оқимига басавлат гавдаларини қўзғалмас қоядек ташлаб олган кекса олимлар эса уни назар-писанд қилишмас, оёқларининг учи билан кўрсатишарди. Шерали иши ўнгидан келиши учун бунақаларнинг соясига кўрпача солиши атрофларида ўлиб-тирилиши, кўнгилларини овлаш учун минг бир тусда товланиши кераклигини фаҳмларди. Аммо бу ҳақда ўлашиб билан нафаси бўғилиб, жони халқумига тикиларди. Енг ичидаги олди-бердига тоқати йўқ эди, бирор нарса илинжидатошни орқасидан чопишини истамасди, агар ўзига бирор ялтоқлана бошласа, ҳатто гапини охиригача эшитмай, жимгина бурилиб кетарди.

Шерали тўрга тушган пашшадек, ўзини нари-берига қанчалик урмасин, тажрибани бошлаш учун институт илмий кенгаши ижозатини ололмади. Унга қатъий қилиб доим битта зардани жавобни беришарди: «Одамда тажриба ўтказиш мумкин эмас!»

Тарвузи қўлтиғидан тушган Шерали бир неча кун гарансираф юрди. Бу аҳволда бирор натижа чиқишига кўзи етмас, қандай бўлмасин, ишни илгарига силжитиш иложини топиш керак эди. Институтда бирор најжот тополмагач, охири, ўйлай-ўйлай, соғлиқни сақлаш министрлигига жўнади. Министр қабулида бўлиб ўтган гапларни ипидан-игнасигача тушунтирди, гап орасида асл муддаосини ҳам қистириб ўтди.

Министр ёши элликдан ошган, қадди-қомати келишган, пешонасидан тўкила бошлиган сочларига қирор қўнган, оқ юзли, қўнғир кўзлари йирик, хушфеъл киши эди. У бир вақтлар одамлар қонини сўриб, дармонини қуритган паразитлар, юқумли касалликларга қарши Леонид Михайлович билан биргаликда курашган экан. Шералининг оғзидан унинг номини эшитиши билан йирик кўзлари чўфдек ёниб, рангпар чеҳрасига қизиллик юргури.

— Э-э, шунақа денг? Исаев шундай қилган эканми?

—Ха, Исаев.

—Сиз у олимни танийсизми?—министр ҳаяжонланётганини яширолмасди.—Фанга хизмати кўп синган. У даврлар... Даҳшатли эди. Ўлат билан вабо ўнлаб одамнинг ёстигини қуритганига ҳозир ким ишонади? Исаев шунақа касалликлар билан тиккама-тикка олишган, Аломат одам эди-да.

Министр оппоқ кафтини чўзинчоқ, сийрак ажин билинار-билинмас дагаллаштирган иягига тираб, бир лаҳза хаёлга толди. Кейин бирдан алланарса ёдига тушгандай, Шералига юзланди:

—Мен Леонид Михайловични устозим деб биламан. Кўп нарса ўргатувди. У одамларга суюниш кераклигини кўп айтарди. Унинг бу гапларини ҳали-ҳали унутмайман. Агар сиз...

Шерали қаршисида очилиб ўтирган оқкўнгил, завқи баланд сал қизиқон одамнинг нозик жойини дарров билиб олди. Шунинг учун фурсатни бой бермай, ногаҳон чақнаган учқунни ўт олдиришга уринди.

—Мен Леонид Михайловичнинг чала иши-

ни давом эттироқчийдим,—деди у хотиржамлик билан.

— Яхши ўйлабсиз!—министр унга синовчан назар ташлади.—Фақат тажрибани ўзингизда ўтказишингиз... бир оз...

— Сиз мени тушунасиз деган умиддаман. Ахир, фанда...

—Қўйинг, қўйинг баландпарвоз гапларни... Исаев хотираси деган гап... Эҳ-хе, бу одам арвоҳи учун ўзим ҳам... Аттанг ёш ўтавергач, одам бошқача бўлиб қоларкан. Сизга хавасим келаяти.

Жуда катта гуноҳга қўл уриб, шу гуноҳни ювган одамдек, Шералининг руҳи ёришиб кетди. Аммо иш ҳали тўла битмаганди. Министр мутахассислар билан маслаҳатлашишга мажбурлигини, ўзича ижозат беролмаслигини эътироф қилди, ўзи Шерали тарафида қолажагини таъкидлади. Эртаси куни тортишув бўлди. Дастлаб Шералининг илмий мулоҳазаларини эшитиши, аммо у гапираётганданда баъзилар нописандлик билан мийигида қулиб ўтирди. Исаевнинг кундалиги эса вазиятга бошқача оҳанг берди. Бу ерда ўтирган кекса олимларнинг кўпчилиги Исаевни яхши билишарди, улар қачонлардир у билан бирга ишлаб дўстлашган, хотирасини ҳурматлашарди. Кундаликни синчиклиб кўздан кечириб чиқишгач, ундаги фикрлар жуда катта илмий муаммо етилганидан огоҳ этаётганини тан олиши. Фақат тажрибани давом эттириш ҳақида ҳеч ким лом-мим демади. Шерали министрдан бошқа ҳаммадан умидини чирт узib, товоронига зирапча киргандек, безовталана бошлади.

Министр муштини чаккасига қўйиб, хомуш

ўтирад, тасаввурига муҳрланиб қолган ўтмиш хотираларига ғарқ бўлган эди. У Исаевнинг қат-қат ажин босган, териси салқиган юзини, ўсиқ қошлари остида беғубор жовдидарб турадиган кўзлари, кенг пешонасини кўз олдига келтиришга уринарди, сўнгги видолашув кунининг аччиқ лаҳзаларини кўнглидан кечираркан, умр бунчалик қисқалиги, бунинг устига яшиндай тез ўтиб кетишига ҳайрон бўлар, ачинарди. Ахир, ўзи ҳам кечагина ёш йигитча эди, кекса Исаев билан тўқайзор, ботқоқликларга, тоғлар ва саҳроларда паразитлар томирини қутиш учун изғиб юрарди. У кунлар кўз очиб-юмгунча ўтмишга айланди, энди у кунларни эслашнинг қизиги ҳам қолмади. Одамзод бугунги ва эртанги кун ташвишлари ҳақида кўпроқ қайфуради. Агар шундай бўлмаганда, эҳтимол, ҳаёт жуда зерикарли, маъносиз кечарди.

Ниҳоят министр етакчи мутахассислар фикрини бирма-бир эшитгач, Исаев хотираси учунгина эмас (у дастлаб бунчалик тор ўйлагани учун ўзини ичиди койиди), паразитологияда муҳим янгилик туғилиши нуқтаи назаридан, Шерали ишлаб чиқсан операцияни ўтказиш мумкин, деган фикрин айтди.

—Фан учун бундай чекинишларни кечирса бўлади,—деди у ўйчанлик билан.—Вазиятни ям назардан қочирмаслик керак... Уч йил аввал матбуотда кўп гап бўлган Никитин воқеасини эслайлик. У оқшозон раки билан оғриганини пайқайди. Агар шу заҳоти даволанса, балки тузаларди. Бунинг ўрнига у танасида касалликнинг кечишини кузата бошлайди ва кўп янгилик очади. Ҳозиргача рак ҳақида бунчалик қимматли маълумотларни ҳеч бир

олим беролган эмас... Кейин... Шогирдлари нима гаплигини билиб қолишган. Ағсуски, вақт ўтган бўлади.

Министрнинг ҳикояси Шералининг кўнглида оғир ғашлик қўзғади, алғов-далғов бағрига яна бир ғалати дард тошдай ўрнашди. Ажаб, министрликнинг орзиқиб кутган рухсатномасини қўлга олганда ҳам, негадир, унчалик севинмади, юраги бир ҳаприқди-ю, борлифи сокин бўлди-қолди.

Самолётда Самарқандга қайтаркан, мияси бир дақиқа ҳам тумандай хира, бош-адоғи кўринмайдиган фикрлардан бўшамади. «Нимани мунча ўйлајпман?» деди ўзига ўзи ва тасаввури равшанлашди. Шунда хәёлида оғир лардга чалиниб, чўпдек озиб кетган Никитин қайта-қайта гавзаланаётганини пайқади. Ҳа, у ҳеч ким, ҳеч нарса қутқазиб қололмайдиган мислсиз азоб қаърига ўзини ташлаган Никитинни, ракни даволашда дунёга танилган ўша машҳур Никитиннинг мудҳиши тақдирини ўйларди. Ана у, ранги мурдадек оқариб ётибди, нафас ололмай, сўйилган бузоқдек хириллайди, атрофида чорасиз шогирдлари гирдикапалак бўлишади, ҳаммасининг башараси изтиробдан бўғриқсан, кўзларида ёш ҳалқаланади. Аммо ҳеч ким профессорни ҳаётга қайтариш иложини билмайди. У шогирдларига ғамгин боқади, киприклари тўкилган, кўзлари қариб чуриган бургутникидек илтижоли жовдирайди, қуруқшаган лаблари эштилар-эштилар мас пичирлайди:

— Чорасини тополмадим, аммо топиш керак.

Қизариб-бўзарган, жиққа терга тушган шогирдлар бошларини гуноҳкорона эгиб, жим-

гина туришади. Шу лаҳзада уларнинг қайғусини ўлчаб бўлмайди. Дунёда энг оғир нарса чорасизликда сукут сақлашдир.

Самолёт қанотини қоқиб олгандек, қаттиқ силкиниб, Самарқанд аэропортига қўнди. Шерали чўчиб кўзини очди ва тушишга ҳозирла-наётган безовта йўловчиларни кўрди.

Вақт шомга яқинлашган, қуёшнинг охирги нурлари кўкка тирадлан баҳайбат терак учлари, паст-баланд томларда ҳароратсиз қизариб туради. Шерали соатига қаради, олтидан ошиб қолибди. Ҳозир бирор кишини топишга кўзи етмаса ҳам тўппа тўғри институтга борди. Афтидан, Карима опа қандайдир зарур юмушга ўралашиб қолган бўлса керак, ҳали уйига кетишга улгурмабди. Ўни совуққина қабул қилди, панжаларини бир-бирига ўтказиб, «бу пайтда нимага тентираб юрибсиз?» дегандай, бўялган лабларини кинояли бурди. Шерали гапни чўзмай, столга министрлик рухсатномасини қўйди. Опа ҳамон совуққон эди, сурмали кўзларидан эса димоғ-фироқ инфодаси учқунларди. Бу кўзлар сузгун, тийрак эди, ташвиш ёки ғам нималигини ҳеч қачон билмаган-кўрмаганга ўхшарди.

Карима опа рухсатномани шошилмай ўқиркан, кўзларига бир умр ўрнашиб қолгандек туюладиган бояги ифода талвасали, маъносиз ғазаб билан алмашинди. Шерали опанинг тоқатсизланәётгани, тифдор бирор гап топиб айтишга ҳозирланәётганини сезиб ижирганди. Унинг рангида қон қолмаган, юзининг териси кўкимтир тус олганди. Рухсатномани икки буклаб стол устига иргитди, латтадай бўшашиб қадрдон креслосига бутун оғирлигини ташлади.

36

—Яна ўзбошимчалик!—деди юпқа лабларини қимтиб. — Бир оғиз айтмай кетибсиз. Министрликдагиларгаям ҳайронман. Бу қандай гап-а? Одамда тажриба!. Яна рухсатнома! Баландпарвоз гаплар! Ҳаёт бошқа, укам!

Шерали ҳеч нарсага ақли етмагандек, жўрттага елкасини қисди. Бу ҳаракати шунчалик қўпол ва одобсизлик бўлиб туюлдики, опанинг тутаб турган ғазаби бирдан алангалиниб, бўғизга урилди.

—Билганингиздан қолманг!—деди бақиришдан ўзини зўрға тийиб.—Мен сизга бир нарсани тушунтиrolмадим. Ожизлик қилдим. Тушунган пайтингизда кеч бўлади.

Бошқа вақтда опанинг бу гапларига ранжирди, аммо ҳозир аксинча, енгил тортиб, индамай чиқиб кетди. Ҳа, у жуда енгил тортиди. кўп вақтлардан бери тақдир биринчи марта унинг фойдасига тош кўйган эди. Энди шунинг шарофати билан бундан буёнги ишлари қўр олиб кетса, ажаб эмас, Ахир, ойнинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғ келади!

Шундай қилиб, узоқ елиб-югуришлардан сўнг тажрибани бошлишга дастлабки имкон туғилди. «Энди охири баҳайр бўлсин,—кўнглидан ўтказди Шерали.—Бирор ишқали чиқса-я? Товба, фақат мен шунаقا омадсиэми ёки бошқаларнинг ҳам бурни қонаидими?» Унинг фикрлари тутқич бермас, узлуксиз ҳаяжонланаверганидан юраги санчиб оғрирди. Айниқса ўша куни оқшом кўпроқ ҳаяжонланиб, кўпроқ тоқатсизланди, тун бўйи деярли кўзи илинмади. Азонда ўйғониб, кўчага чиқди. Тоглар ортидан бўзарган тонг ширин ўйқудан ҳануз ўйғонолмаётган шаҳарни оқ ёғдуга чая бошлаган, кўчалар одатдагидек тўхтовсиз гу-

37

вилларди. Институт филиалининг жимжит ҳовлиси уни бепарво қаршилади. Сийрак хазон тўкилган асфалт йўлкадан ўтиб, кўпдан бўён қаровсиз қолган, оқибатда деворларининг сувови нураган лабораторияга бетламайгина кирди. Хона димиқиб кетганди. Фортожкани очиб қўйиб, деразадан ямоққа ўхшаш булутлар сузиб юрган кулранг осмонга термулди.

Эшик нимадандир зорлангандай «ғийқ-ққ» этиб очилди. Остонада Зиёхон кўринди. У Шералига ҳадиқли кўзлари билан боқар, бўзарган юзида изтироб кезарди. Оғир гавдасини ичкарига аранг олиб, эшикниң михланган табақасига ҳолсиз одамдай секин суюнди.

Иккаласининг ҳам юраги қафасдаги қушдай безовталанар, аммо кўнгилларидан кечажётган гапларни бир-бирларига сездиришмасди. Шерали дўстининг бетоқат жовдираётган кўзларидан «Энди нима бўлади?» деган мужмал маънони уқди. Нима бўлишини у қайдан билсин, ҳаммасини эртанги кун кўрсатади. Шерали нима қилишини билмай столда қақрайиб турган микроскоп окуларини латта билан тозалаб артди. Кейин ўёқ-буёққа юрди, дераза олдида тўхтаб, дарахтлари яланғоч бўлиб қолган кимсасиз боғчани узоқ кузатди. Гўё хона унга торлик қилаётганга ўхшарди.

Орадан ярим соатча вақт ўтди. Шерали бурчакдаги тахлоғлиқ цељлофан халтачалардан уч-тўрттасини олиб келиб, стол устига қўйди. Микроскоп хартуми тагига халтачадан эҳтиёткорлик билан тупроқ тўкди. Шу пайт эшик очилиб, Карима, Дилбар, директор ўринбосари Саттор Муқимович кириб келди. Шерали бошини кўтариб, уларга ташвишли назар ташлади, салом бериб, яна микроскопга эгилди.

Саъ нарироқда каллак урилган толдай қотиб тўрган Зиёхоннинг туси ўзгариб кетди, устидан қайноқ сув қўйилгандек, питирлиб қолди. Шишадай ҳароратсиз, оқинқираган юзидан иккиланиш, пушаймон белгиларини уқиб олиш қийин эмасди. У илгарига икки қадам босди, нафас ололмаётгандек оғзини катта очди, бироқ ҳеч нарса демасдан совуқ илжайди.

Карима опа Зиёхонга ҳатто кўз қирини ташламади, уни кўрмагандек, ёнидан тезгина одимлаб ўтиб, Шералининг қаршисида тўхтади. Зиёхоннинг борлиғи музга айланаётди, аламини ёролмай, юзини тескари ўгирди.

Шерали саратонда тўхтовсиз юрган йўловчидаи тертаб-пишиб кетганди. Карима опанинг орқасида турган Дилбарга кўзи тушгач, батамом ўзини йўқотди, юзи лола рангига кирди. Опа қовоғини солиб, унинг ҳаракатларини бирнис индамай кузатди. Кейин ундан нарироқ сурилишни сўраб, окулярга энгашди.

Аскарида тухумларини чангдан ажратиш мушкул эди. Опа диссертация ёқлагунча микроскопда аскаридаларни кўп кузатган, уларнинг кун кечириш тарзини эринмай ўрганганди. Амалга мингач, лабораториянинг қайноқ ташвишларидан четлашиб қолди, аста-секин илмий ҳаётдан бутунлай узилди. Энди илмий кенгашларда савлат тўкиб ўтирас, қўпинча ҳал қилувчи фикри билан бошқаларни ерга қаратар, ҳар хил докладлар қиласар, ёшларнинг ишига оппонент бўлар, бир изга тушиб бораётган осойишта тўрмушкидан мамнун эди. Ҳар замонда аччиқ ичакдек чўзилаётган докторлигини ўйлаганда хомуш тортиб, кўзига дунё

қоронғи бўлиб кетарди. У қачондир бир кун фанда ҳеч ким ёчолмаган мураккаб жумбоқни ҳал қилиб, кўпчиликни ҳайратга солиши, шов-шув қўзғатишига ишонарди. Аммо ўсмирлик йилларида орзу қила бошлаган шу кун қачон келишини ўзи ҳам билмасди. Қандидатлик иши эса унинг ниятларини уччалик ушатолмади, уни минглаб диссертациялар қатрида кўп ўтмай эсдан чиқаришди. Бу ҳол опани ташвишга солмасди. Аммо ҳозир тупроқдан аскарида тухумларини ажратолмай қийналаркан, олимлик шахди бунчалик ўтмаслашиб қолганига қаттиқ ўкинди. Бир чойнак чой ичилгунча бўлмай беланги одамдай, бели зирқиради, оёқларида мадор қолмади. Буни сездирмаслик учун тирсаклари билан стол четига суняди. Шундоққина ёнгинасида турган ўринбосари унинг тажанг бўлаётганини сезиб, қаттиқ безовталанар, беҳисоб ташвиш келтирган лаънати тухумларни Шералига қўшиб ичида сўкарди. Ниҳоят, опанинг қиёфасидаги қўланка сал-пал кўтарилди, у инқиллаб, белини ушлаб қаддини ростларкан, Саттор Муқимович елкасидан тоғ ағдарилгандай енгил нафас олди.

—Ҳа, тирик тухумлар! — опа атрофдагиларга қараб чиқди.—Тирик...

Хонага юракларни оғир тошдай эзадиган зил-замбил жимлик чўқди. Бу жимликни бузишга ҳеч ким узоқ вақт журъят топмади. Ҳамма мум тишлагандек сукут сақларди, но маълум нуқтага қадалган нигоҳларда қатъиятдан кўра иккиланиш чуқурроқ акс этганди. Дилбар билан ёнма-ён турган Зиёхон бошқаларга қараганда ташвишли кўринар, қўзлари безовта чақнарди. У Дилбарнинг елкасини

қоплаган қора калта соchlарига, оққушникидек оппоқ бўйнига сукланиб боқар, нозик панжалари билан халати тугмаларини асабий бир ҳолда қадар, яна зум ўтмай ўша ҳолатда ҳаммасини ечиб ташларди. Ҳадикли нигоҳи Шералининг қўзлари билан тўқнашди. Шерали ўнғайсизланди, унинг қовоғидан қор ёғарди, афт-ангори қандайдир нохушлик орқасида жаҳлга минган, бақириб юборишдан ўзини зўрга тийиб турган одамникдек ташвишли эди, қорачиқларига сингган самимият эса мулойим порларди.

—Агар тажрибани итларда ўтказсангизам ютқазмайсиз,—деди опа овозига кўнгилчанлик оҳангини бериб.—Энг синалган усул.

Шералининг бесаранжом қиёфаси жиддийлашди, аммо индамади. Қимматбаҳо нарса топгандек, Зиёхон ҳовлиқиб опани қувватлади.

—Тўғри айтасиз, опа!—унинг ранги ўчган жонсиз лаблари қизилланди.

—Ҳа, жонни қийнамаслик керак!—деди Саттор Муқимович тепакалини яширмоқчи бўлгандек кафтини бошига қўйиб.—Соғлиқни сотиб олиб бўлмайди.

—Гап фақат тажриба ўтказиш устида эмас!—Овозидаги қатъиятдан Шералининг ўзи ҳам таъсиrlанди.—Гап фандаги абсолют аниқлик устида бораялти.

—Абсолют аниқлик?—Саттор Муқимович нинг пешонаси тиришди.—Э-э, ука...

— Абсолют аниқлик, ҳеч қачон бўлмайди!— деди Карима опа ҳам бепарволик билан.

—Лекин медицина учун бу керак-да!—

деди шу пайтгача жим ўтирган Дилбар.—
Вақт ўтиши билан...

— Вақтни нима қиласан тиқишириб?— Ка-
рима опа қизининг гапини кесди.— Биз бари
бир вақтни қолдириб кетганмиз.

— Қолдирған бўлсак қолдирғандирмиз.
Лекин ҳали диагнозларни юқори нуқтадаги
аниқлик билан қўёлмаймиз-ку!

— Диагнозни келажакда машиналар қў-
яди.

— Уларни бари бир одам бошқаради,— қи-
зишди Дилбар.— Шундай бўлгандан кейин...
оғирлик янა...

— Йўқ!— опа қизининг кўзларига қизиқ-
сениб термулди.— У вақтда кўп нарса одамга
боғлиқ бўлмай қолади. Врач фақат кузатув-
чига айланади. У электрон машиналарнинг
буйруғига бўйсунади. Бунақа бош оғирқ таж-
рибаларгаям ҳожат қолмайди. Ҳаммасини
машиналар хулосаси ҳал қилаверади.

— Ахир, машина одам танасидаги ҳужай-
раларни, дардни ҳис этолмайди-ку!..

— Ҳис этишми? Машинанинг роли ҳис этиш
эмас, аниқлаш!

— Ҳай, бўлар майди,— деди Шерали ғаш-
ланаб.— Келгусида балки шундай бўлар.
Аммо ҳозирча бизнинг ташвишларимиз бош-
қачароқ... Ҳозирча бошқачароқ яшашга маж-
бурмиз. Мени тушумаяпсизлар.

— Шерали!— опа унинг кўзларига тик бок-
ди.— Сизнинг ўзингиз учун... шахсингизга га-
пирайпмиз. Сиз бўлсангиз...

— Раҳмат! Менинг шахсимнинг нима қизи-
ғи бор?

— Ёш нарсасиз... Бирон гап бўлиб қолса...—

опа ҳамон ундан кўз узмай гапиради.— Биз
жавоб берамиз.

— Мен ўзимга-ўзим жавоб бераман!— деди
Шерали совуққонлик билан.

— Бунчалик эмас-да!— Саттор Муқимович
пичинг қилди.— Жавоб берсангиз берарсиз,
аммо умрингизни хазон қилиб нима қила-
сиз?..

У омбир билан қисгандек лўқиллаб оғриёт-
ган бошини қуий эгди, лаблари, ёноқлари
оташ бўлиб ёнарди.

— Опа, фанда муаллақ нарса қанча кам
бўлса, шунча яхши бўлишини ўзингиз айтув-
дингиз,— деди у ҳолатини ўзгартирмай.— Нега
энди мен... йўқ, мен ҳақлигимни исботлашим
керак.

— Исботланг. Қўрамиз...

— Ҳа, опа... Диссертациямнинг аввалги ва-
риантини чиппакка чиқардиларингиз. Янгилик
йўқ, майда гап... далиллар етарли эмас!.. Бу
гапларингизда жон бор эди чоғи. Бошқалар
меникиданам суюқ нарсаларини ёқлашаётга-
нини сезиб-билиб турсам-да, индамай, тишим-
ни-тишимга қўйдим. Мен аслида ўшанақалар-
да нусха кўчирувдим, масъулият деган нар-
сани ўшаларга қўшилиб оёқ ости қилиб таш-
ловдим. Оқибатда эса таёқ фақат менинг
бошимда синди. Энди унақаси кетмайди. Энди
бошқача бўлади. Лекин гап диссертацияда
эмас, мен...

— Сиз ўшанда бизга фириб бермоқчийдин-
гиз,— деди Саттор Муқимович тўсатдан.

— Ҳа, баъзан фириб ҳам бериш керак!— Зиё-
хон директор ўзинбосарига кўз қисди.— Қан-
ча кўп фириб берсанг, ишинг шунча кўп
юришади.

Шералининг тирноқлағиғача зирқираб кетди, юзи бўзариб, лабларининг қони қочди. Дилбарнинг олдида қаттиқ мулзам бўлди, ер ёрилмадио ерга кириб кетмади. Суяқ-сугига ўткир ханжардек қадалган қочиримдан шунчалик эсанкирадики, оғиз очишга лаблари қовувшмай, Зиёхоннинг мумдай ифодасиз юзларига термулиб тураверди. Унинг ўрнида бехосдан Дилбар гап қотди:

—Омадли бўлиш учун фирибгарлик керак экан-да?

Шерали унинг гап оҳангидаги шиддатли бир титроқ борлигини пайқади. Чиндан ҳам Дилбарнинг овози жиндай титраб чиқди, буни ўзи ҳам сезиб, икки юзи ловиллаб кетди. Ҳамма унга ҳайратланиб қаради, фақат Зиёхон хотини бузмай без бўлиб туради.

—Бўлмаса кун беришмайди,—у чаккасини қашиди.—Фирибгар бўлмасангиз нон айриб еёлмайсиз.

—Кизиқ экансиз-ку!

—Нима фарқи бор?—Зиёхон опа билан Шералига тезгина қараб олди.—Ҳозирги вақтда эпчил бўлиш керак. Фидокорлик кетмайди...

—Расво экансиз!—деди ниҳоят Шерали ўзига келиб.

—Бас қилинглар сафсатани!—опа қўл сийлади.—Сизларга шунақа гап бўлса...

Опа мулоимлик билан Шералининг кўнглини топмоқчи эди, аммо журъати етмади. Умрида биринчи марта кўнглидаги хоҳиш олдидаги ўзини ожиз сезди, бағрини алам ўртаб юборди. «Тирмизак-эй!—у бўғиларди.—Намунча чиранмаса? Кўрпасига қараб оёқ узатса бўларди. Ўзи-ку пешонаси деворга урилавербиб...» Опа ич-ичидан кўпириб томоғига ти-

қилаётган жаҳлини ютиб бирпас тургач, ҳеч кимга ҳеч нарса демасдан жимгина чиқиб кетди. Вали ака, унинг ортидан Саттор Муқимович ҳам эшикка йўналди.

Эшик секин ёпилиши билан Зиёхон тўлиб кетганини яширолмай, алам билан ғудранди.

—Худо ҳақи, бас қилайлик!—Унинг қорачиқларига қўйилган қаҳр тубсиздай туюларди.—Бари бир ҳеч иш чиқаролмаймиз.

Шерали опанинг хайрлашмай, бирор тилак айтмай чиқиб кетганини ҳазм қилолмай, қарахт бўлиб ўтиради. Зиёхоннинг бу гаплари ҳаммасидан ошиб тушди.

—Иш чиқмайди дейсизми?—У тишларини фижирлатди.—Йўйўқ чиқиши керак... Аммо сиз қалтирайвериб жонимдан тўйдирдингиз. Балки қорангизни ўчирарсиз?

—Мени тушунмаяпсиз, Шерали! Ҳалиям бўлса қайтинг.

—Тушунаяпман. Лекин қайтмайман.

—Тушунсангиз... Нега қулоқ солмайсиз. Қарима опаниям хафа қилиб чиқариб юбордигиз.

—Агар қайтадиган бўлсам, ўшандаёқ қайтиб қўя қолардим. Министрликка бўйин эгиб бориб юрмасдим.

—Нақ ҳароб бўламиз, Шерали! Ҳа-ҳа! Бизни ҳеч ким қўлтиқламайди, ҳеч ким! Буни тасаввур қилаяпсизми?

—Ваҳима қилаверманг, э-э!..

—Карима Музаффаровна сизниям, мениям чувалчангдай мажақлаб ташлайди. Диссертациямизни бир пул қиласди.

Дилбар унга нафрат билан тикилди, Зиёхон онаси ҳақида алжираб айтган совуқ гаплар кўнглига қаттиқ ботди.

— Энди менга бари бир!— деди Шерали бафуржা.— Диссертациям нима деган нарса? Бемалол құрбон қивориш мүмкін. Аммо бу орада бошқа гап бор. Мени ана шу қийнапти.

—Мени күзимга диссертациядан бошқаси қылчаям күрінмайды!— Зиёхоннинг лаблари күкариб кетди.— Мени ўзингизга қўшиб хароб қилмоқчи экансиз-да?

—Бу нима деганингиз?

—Нима бўлса шу! Сизни қийнаган гапнинг менга қизиғи йўқ!

— Қизиғи йўқ денг? Сизда лабз борми ўзи?

— Ҳаммаси жонимга тегди! Нима керак? Энди ўзимизни ўзимиз алдаш қолувди. Менга қаранг, шу...— У Шералининг пинжига тиқилиб келди.—Шу... ростини айтинг, ўзингизам ишонмайсиз-ку, шунга!.. Бариси ёлғон! Қўйинг, қўзни бўямайлик.

—Мунча эзилаверманг,— деди Шерали ўзини босишига тиришиб.—Сизни ҳеч ким мажбур қиласётгани йўқ.

—Эзилаверманг дейсизми?

— ...Мен чарчадим, Шерали! Чарчадим...

— Аммамнинг бузоги!— Шерали аччиқ билан Дилбарга ўгирилди.—Мунақа... Билмадим.

Чаккасига шапалоқ тушгандек, Зиёхон тилини тишлиди, гунгга ўхшаб жим бўлиб қолди. Узун қўллари шалвираб, мажолсиз осилиб турар, қорачиқларидаги бояги қаҳр ўрнида сокин, жонсиз нур йилтиарди, Ихтиёри батамом қўлдан кетиб, гавдаси босиб тушгандек, кутилмаганда бирдан чўйкалади ва Шералининг тиззаларини қучоқлаб олди.

—Шерали, қўйинг шу ишни!—Совуқ еган боладай бутун танаси қалт-қалт учарди.—

Керакмас. Бошимизга ғалва сотиб олиб нима қиласмиш. Оч қорним, тинч қулоғим...

—Сизни ҳеч ким мажбур қилолмайди дедим-ку!

— Шундайку-я... Лекин мен сизга...

— Майли, кетаверинг!—Шерали ҳорғин гапиди.— Ваъда ўз йўлига... Сиздан гинам йўқ. Нимагаям гина қиласай? Ҳар кимнинг ихтиёри ўзида.

—Бирга кетамиш, Шерали!

—Мен... кетолмайман, Зиёхон!

Дилбар бу ноҳуш манзарани кузатишдан зериккандай, деразага қараб дилгир турарди.

—У киши кетсалар...—Дилбар ўгирилди.— Балки мен...

Ҳамон ўзини ўнглаб ололмаган Зиёхон афтини буриштирди. «Ўртага суқулганини!—ўйлади у.— Эси паст! Худди бир нарсадан қуруқ қолаётгандай. Сал илинж қўрсам бу ишда ўзим билардим-а... Аттангки иш хом...»

Шерали Дилбарнинг таклифига эътибор қиласми. Шундай ҳам Зиёхоннинг гаплари кўнглида уйғотган нотайин туйғу борлигини алғов-далғов қилиб юборди. Энди бошқа адабади айтишишга тоқати қолмади, вақт эса сездирмай ўтиб борарди. Шерали Зиёхонни ҳам, Дилбарни ҳам унубиб, жимгина ишга киришди. Микроскоп хартуми тагига яна тупроқ тўқди, кейин бели буқчайиб, кўзлари тишиб иккисоатда зўрға уч юзта тирик тухум топди. Уларни микроскоп ёрдамида иккисоати ажратиб, сув тўлдирилган иккита стакана солди.

—Ким ичади?— деди кейин ердан бош кўтармай.

Тарашадай қотиб ўтирган Зиёхон Шерали-

нинг саволини эшитмаган қаби қимирламади. Шерали тарафга қарашга ҳатто ўзида куч то- полмади. Дилбар Зиёхоннинг ҳаракатсиз гав- дасига кўз қирини ташларкан, ундан садо чиқ- магач, аста-секин юриб келиб, столда турган стаканлардан бирини олди.

— Мен ичаман! — деди бафуржка ва шу за- хоти юраги темирчининг босқонидек гурсил- лаб ура бошлади.

Дилбарнинг кўзлари лагча чўйдек чақ- нарди, у бир лаҳза ўзини йўқотиб қўйди, кучли ҳаяжондан кўз олди тиниб кетди. Шундагина соясидан ҳам чўчиб юрадиган Зиёхоннинг аҳ- волини тушунди ва ичиди кулимсиради. Ше- ралининг таҳдидли овози уни ҳушига келтири- ди.

— Кўрқмайсизми?

— Йўқ!

— Ойингиздан-чи?

У иккиланиб қолди. Узун киприклари ел- пуғичдай эгилди, чеҳрасини соя қоплади. Аммо нигоҳидаги қатъият ўчмаган эди. Шу пайт кутилмаган ҳодиса юз берди. Бафуржка ўрнидан турган Зиёхон гап-сўзсиз Дилбарнинг кўлидан стаканни тортиб олди. Стакан чай- қалиб, стол бурчига сув сачради.

— Мени ҳали қўрқоқ деб ўйлајпизларми?

Дилбар унинг қўполлигидан қаттиқ ран- жиди, юзи қордай оқариб кетди. «Бу нима қи- лиқ?» деган маънода Шералига илтижоли боқ- ди. Шерали индамади, фақат мийифида кулиб қўйди. Бу билан гўё «Кўйинг, Дилбар, сизга тўғри келмайди», демоқчига ўхшарди.

Хонада яна оғир сукунат ҳукм суро бош- лади. Энди бу жимлик оддий жимлик эмасди, елкаларидан тегирмон тошидек босиб турарди.

Улар эса ниманидир тоқатсизлик билан кути- шарди, чамаси, ким биринчи бўлиб бошлашга журъят қилишини кутишарди. Шерали учун бунинг аҳамияти йўқ эди, нима учундир дик- қинафаслиги кучаяр, ғазабга ўхшаш бир нар- са мисдай қизиган баданини зирқиратарди. У ҳозир ўзида эмасди, кўнгли алланечук чуч- мал тортиб бораради. Аста-секин хаёлга бе- рилиб, олис хотиралар қаърига шўнгиф кетга- нини сезмади. Негадир, болалигини, қаттиқ- чиллик ва юпунликда ўтган болалигини эслади. Бу хотиралар ҳам ширин, ҳам қўрқинчли эди.

Шерали ўзини шошиб қўлга оларкан, дўст- тининг нигоҳларида ҳаловатсиз иккиланиш, то- қатсизлик акс этганини кўрди. Унинг ранги ўчган, лойқа сув тўла стакан қўлларида би- линар-билинмас титрарди. «Кўрқаяпти! Кўр- қаяпти! — ўйлади Шерали. — Нима керак эди? Одамни тушуниб бўлмайди. Уз раъйига тес- кари бораверади. Аввал хоҳламасангу... Ке- йин бўйнингга олиб дағ-дағ титрасанг... Бун- дан ёмони борми? Ўзим-чи? Ичимдан қиринди ўтаяпти!»

У серпай қўллари билан стаканни маҳкам ушлаб, мижжа қоқмай турарди. Юзи оплок қоғоз тусига кирган, кўзлари хиёл маъюс бо- қар, чаккаси ва пешонасидаги ажинлар қуюқ- лашганга ўхшарди.

— Бошлаймизми? — шивирлади Шерали.

Чўчиб тушган Зиёхон юзини четга бурди, стаканда қилқиллаётган лойқа сувга қўрқув аралаш тикилди. «Наҳотки бу миттивойлар ростданам тирик бўлса?» Кутилмаганда, ба- мисоли портлаш юз бергандай, дераза зирил- лаб кетди: «Тирик! Тирик! Тирик!» Зиёхон- нинг нафаси тиқилиб, юраги ўйнади. Кўзлари

олдига қовоғи осилган хотинининг шишинқириган, аламдан бўзарган қиёфаси келди. У гёё «Ичманг! Заҳар! Заҳар!» деб дағдаға қилгандай бўлди.

— Ҳа, заҳар! — қақраган лаблари беихтиёр пичирлади. Афтидан, нотайин, ваҳимали ўй-фикрлар ҳушини ўғирлаганди. «Ҳаммаси гижжага айланса-я? — унинг важоҳати баҳор ҳавосидай баттар бузилиб борар эди. — Юз эллик гижжа! Жигарга ўтиб кетса, нақ ёрвонади!»

Шерали икки ўт ўртасида қолган дўстининг кўнглини кўтариш ниятида оғиз жуфтлади. Лекин журъати етмади. Ҳозир тутишга қанчалик уринмасин, асаби тордек тараангланишиб, қўллари қалтиради. «Нима бўляяпти ўзи! Қўрқаяпман! Қўрқаяпман! Бўлганим шу экан-да! Ҳа, мен шунақаман, Субутсизман! Бир ишни тузуккина бошлайман, кейин дарров меъдамга тегади. Чала ташлаб қўяман... Эҳ, кўзимни чирт юмсан-да, бу дунёга қўл силтаворсан!»

У даҳшатли оғриқдан азоб чеккандай, тишлигини бир-бирига босиб, стаканни аста лабларига яқинлаштириди. Зиёхон ҳам шошиб, лабларини стакан қиррасига тегизди, кўзларини чирт юмиб, лойқа сувни шимириди. Сув томоғидан қулт-қулт ўтар, деб ҳар ютинганда кўзларини очиб-юмарди.

Шерали ҳамон ўша ҳолатда ўй сурарди, Зиёхонинг асабий ютинини кулгисини қистатди. Юзини ўғириб, Дилбарга кўзи тушдида, маъюс жилмайди. Дилбар ҳам «Бардам бўлинг!» дегандай бошини иргаб, табассум қилди. У нафас олмаётгандек, пешонасини тириштириди. Стаканни бўшатиб, эси оғандай шалвираб қолган Зиёхонга паришон тикилди,

бадани чатнаб кетган эди. «Ичимга ўт тушдими нима бало? — ўйлади у. — Энди... Қизиқ! Нима бўлса бўлар! Шу Карима Музаффаровнаям ғалати-да! Ужарми-ей, инжиқми-ей! Тушуниб бўлмайди. Ҳамма унга кулоқ солса, ҳамма чизигидан юрса... Яхши эмас-да. Нима мен.... Тавба, министрликнинг руҳсатномасини тан олмай шунча даҳмаза қилди. Ужар аёл...»

Изтиробдан чатнаб ёрилган лаблари сувга тегиб, эти жимирлашди. Мана, заҳарли сувга оғзини тўлдирди, муздай бир нарса баданига ёйилди, бир зумда миясигача югуриб борди. Аввалига мияси караҳт бўлиб қолгандек туюлди, кейин аста-секин тасаввuri ёришида. Ҳудди шу кез хаёлида осмонга туташиб кетган кенгликлар. қадрдон шаҳарнинг сершовқин кўчалари, кўнглига яқин бўлиб қолган ёдгорликларнинг ажиб бўёқлари жонланди. У гёё шарпага ўхшаб шаҳар устида учиб юради, тепадан ҳамма нарсани — қинғир-қийшиқ торгина йўлкалардан турли тарафга шошилаётган одамлар устидаги кийимлар рангини, сонсаноқсиз симёочларга учеб-қўнаётган кабутарларни, дарахт шоҳларидан узилиб тушаётган ҳазин япроқлар, хиёбонларда чопқиллаб юрган болалар кўзларида акс этган қувончгача — ҳамма-ҳаммасини кўриш мумкин эди. Афсуски у узоқ учолмади, толиққан қанотлари ҳолсизланиб пастга шўнгиди.

Шундан кейин ҳеч нарса кўринмай қолди. Жонсиз панжаларида лойқа юқи ўтирган бўш стакан қалтириб турарди...

* * *

Шерали қизиқиши ва ҳаяжон ичида орзу қилган кун ана шундай изтиробли, ғалва ва

кўнгилсизлик билан ўтди. У рухсатномани қўлга киритганимдан кейин қолгани силлиққина бўлар деб ўйлаганди. Бироқ воқеалар у хаёл қилгандек эмас, бошқача кечди.

Ўша кундан Шералининг ҳам, Зиёхоннинг ҳам юриши-туриши, иш тутумида ҳандайдир ўзгариш содир бўлди. Зиёхон анча талтайиб кетди, баъзи жойларда ўзини роса қўйворар, босиқлик ва жиддийлик билан мақтаниб қўярди. Шерали эса олди-қочди гапларни майдалаб, кунбўйи эзгиланиб ўтирадиганлар даврасидан ўзини четга олиб қочарди, ўзи ёки синов ҳақида ҳеч кимга гапирмас, вақти жуда зерикарли ўтар, кундалик ташвишлар билан зўрга овнарди. Шерали теварагидагилар кўзига фойибдан келган, гапи оғзидан тушиб кетадиган чапани, олимлик кўчасига бир умр киромайдиган одам бўлиб кўринарди. У эса ўзини ҳаётнинг ҳеч ким бош суқмаган қоронфи гўшасига кириб қолгандек ҳис этарди.

У нимагадир мунтазир эди, чамаси танасида сирли бир ўзгариш юз беришини кутарди. Буяга руҳан тайёргарлик кўриб қўйганди, қачонки одам руҳий ҳозирликни бошидан кечиракан, эртанги кунда бошланадиган машиқатлар азобидан чўчимайди, аксинча, ўзи билмаган ҳолда ҳар қандай азоб билан сўнгги нафасигача олишади.

Тўғри, Шерали ҳозирча буларни билмасди. Синовнинг дастлабки кунларидаги нохушликлардан, тўйиб ичган одамдек, маст-аласт юарди. У ҳали аскарида тухумлари захматини тоза татиб кўрмаганди...

—Қоп кетдингиз, Шерали aka!

Аскаридалар ҳақидаги хаёллардан чеки-

ниб бирдан ўзига келди. Ажаб, атрофини бутунлай бошқа—оддий ранглардан иборат ҳақиқий олам қуршаб олганди. Мана, зиналар, деворлар, обидалар... Қаршисида Дилбар бир оз хавотирланиб, паришон жилмайиб турибди. Унинг серкиприк, мулоим кўзларидаги таскин берувчи ишонч ифодаси Шералининг ҳорғин, толиққан руҳига хийла енгиллик багишлади.

—Ҳозир, Дилбар, ҳозир... Ўн етти...

Дилбар унинг докадай оқарган юзига термулиб, дилида аллақандай ҳароратли ўкинч сезди. Шу топда Шералининг дардларини тингламаётгани, дардига малҳам, белига қувват бўлолмаётганини ўйлаб кетди.

Шерали ўз хаёлларидан юпанч изларди. Аммо хаёллар уни фақат шиддатли гирдоб қўйнига ташларди. У нотинч ўйлар сиртмоғидан атиги бир дақиқагина қутулиб, Дилбарга етиб олиш учун жон-жаҳди билан юқорига талпинди. Лекин ҳаёл ўтмай, яна орқада қола бошлади.

—Қўлингизни беринг.

Шерали бошини кўтарди. Иссиқда оқиши юзи ширмой кулчадай қизарган Галя кулимсираб, унга оппоқ қўлини узатиб турарди. Шерали унинг илтифотини қайтармай юмшоқ кафтига қўлини қўйди.

—Раҳмат! Ўн тўққиз... ўн тўққиз...

—Чиқмасангиз бўларкан.

—Ҳечқиси йўқ.

—Ўзингизни уринтириб қўйдингиз. — Галянинг мовий кўзлари хотиржам чақнарди. Уйда қолсангиз... Диссертациянгизни давом эттирадингиз.

«Диссертация! — ўйлади Шерали ва гўё

бирдан томогини бирор кучли панжалари билан ғиппа бўғди.—Ҳамма диссертацияга шама қилади. Диссертация учун жонимни жабборга бераётганим йўқ-ку! Тавба, келиб-келиб манави малласоч қиз ҳам томдан тараша тушгандай қилиб шу гапни айтса!»

—Галя, биласизми?—Шерали паст, мулоим овозда гапирди. Диссертация мени тирноқчаям қизиқтирилмайди. Ишонасизми?

Галя ажабланиб елкасини қисди.

—Одам ўзини ўзи алдамаслиги керак.

Шералининг ғаши келди, орқа-олдига аланглаб олиб галдаги зинопояга ўтириди. «Йигирма...»

—Эҳтимол сиз ҳақдирсиз, Галя,—деди кейин у.—Мен ўзимни ўзим лаққиллатаётгандирман. Ҳар қалай мен диссертация деганда жуда катта янгиликни тушунаман. У одамлар тақдири билан боғланиб, ҳаётнинг ажралмас қисмига айланиб кетиши керак. Уч кун ўтмаёқ тишга тошдай тегадиган ёки эсадан чиқариб юбориладиган думбул нарсалар кимгаям керак?!

—Жаҳлингиз чиқдими?—Галя кулимсиради.—Кечирасиз мен..

—Ҳар ҳолда сиз диссертацияни модага айлантираётгандар билан оғиз бурун ўпишмасиз?—Шерали жиддийлашди.

—Нималар деяпсан ўзи?

—Масалан, сиз диссертация ёқламоқчисиз дейлил. Агар ишингиз заррача бўлса ҳам одамларга наф келтиришига ишонсангиз, бу мутлақо бошқа гап...

—Хе-е!—Галя лабини бурди.—Қачонлар ёқлашим мумкин эди. Дадам ВАҚ аъзоси бўл-

са... Ўзим шошмаяпман. Шошиб нима ҳам қилдим?

—Шунаقا денг?

—Шунаقا. Ким сизга ўхшаб ўзини дўзахга солади.

—Қўйсангиз-чи, Галя!

—Тўғриси-да.

—Менам шошиб қаерга бораман? Шундомам номзодлик учун ўлиб-тирилаётгандар жуда кўп.

—Қизиқ экансиз! Турамизми?

—Турамиз. Йигирма бир... Сиз мени тушунмадингиз. Йигирма бир...

—Тушундим, тушундим. Ҳалигида... — Галя лабини бурди.—Номзодлар ҳақида гапирайпсиз.

—Табиатимиз шунақа, Галя. Йигирма икки... Толе одамини баъзан кутилмаганидан кўра ортиқроқ сийлади. Бундан талтайиб кетамиз. Гоҳида... Йигирма уч...

«Гоҳида... Йўқ, ўёғини тилга олиш оғир.. Одамзод учун азоб ҳам, ўлим ҳам арзимас бир гап. Лекин тириклигингда устингдан босиб ўтишларига чидаш осонмас!»

У мана шунга чидай олмади. Сираси, чидай олмайди!

Аслида ҳаммасига осонгина қўл силтаб қўяқолиши, оғирнинг устидан, енгилнинг остидан ўтиб юравериш мумкин эди. Аммо бунга ўзини мажбур қилолмади. Баланд охурдан сув ичиди ўрганиб қолган одамларнинг муздай совуқ нигоҳлари таъқиб қилавериб жонидан тўйдиргандага ҳам фикридан қайтмади. У ноўринг инжиқлиқ, ҳазил аралаш пичингларга кўнинкан, буларга аҳамият бермай қўйганди.

Унга бўш омбордан дон ҳам ваъда қили-

шарди. Шунда Шерали мийигида кулимсираб қўя қоларди. Ахир, ҳали ишидан хурсанд эмасди, диссертацияси чала ётарди. Кўпчилик унга мугомбirona боқиб: «Худонинг куни кўп! Диссертация бўлса қочмайди, ёзилади!» деб пичинг отарди.

Иши юришавермаса одам бошини қайси тошга уришини билмай, гарансираб қоларкан. Кундан кун Шералининг қўли орқага кетар, олди-қочди гаплар зифир ёғидек кўнглига урганди. Фақат Дилбарнинг ёнида кундалик машмашаларни унутар, кўнгли чироқ ёқсандек ёришарди.

Дард устига чипқон, деганларидек, Вали ака ҳадеганда касалхонадан чиқавермади. Лабораториянинг барча икир-чикирию бордикелдисидан тортиб қоғоз ишларигача Шералининг елкасига ағдарилди. Қунбўйи Зиёхоннинг қораси кўринмас, қайда, қандай юмуш билан юрганини ҳеч ким билмасди. Фақат Дилбар қўлтиғига кирав, унга кунбўйи ёрдамлашарди. Бирга ишлашган кунлари вақт қандай ўтиб кетганини сезмай қолишарди.

Шералини маъмурият ташвишларига ҳам торта бошлишди. Карима опа ҳам унга ҳар хил топшириқлар берадиган одат чиқарди. Энди у лабораторияда камдан-кам кўринар, ўпкасини қўлтиқлаб гоҳ у идора, гоҳ бу идорага етиб-югурав, ишларига қўли тегмас, бироқ опага эътиroz билдиrolмасди.

Илмий кенгаш учун сариқ чақалик аҳамияти бўлмаган расмий ҳужжатларни қоралайвериб, охири жонидан тўйди. Бу орада институтнинг ўн ойлик ҳисоботини қўлтиқлаб Тошкентга ҳам бориб келди.

Тошкентдан қайтиб, ҳали нафасини рост-

лашга улгурмасдан, яна Карима опа уни йўқлатди. Опа бу гал уни хушмуомалалик билан қабул қилди. Тошкентнинг об-ҳавосини, йўлда қийналган-қийналмаганини, кимларни кўргани, кимлар салом айтганини бир бошдан бафуржа суриштириди.

—Министрликдагилар ҳеч нарса дейишмадими?—сўради у ниҳоят суҳбатга якун ясамоқчи бўлиб.

—Ҳеч нарса,—жавоб қилди Шерали.

—Янгилик бор,—деди опа жилмайиб.

Шерали опанинг зимдан кузатди.

—Эртага яна Тошкентга жўнайисиз.

—Нега?

—Сизни кўтараյпмиз. Бухородаги филиалимизга раҳбарликка.

Шерали ҳанг-манг бўлиб қолди. «Бир оғиз ўзимдан сўрамасдан-а?»

—Опа, мен ҳали... лойиқ эмасман...

—Камтарлик қилмай қўя қолинг. Сизни лойиқ топдик. Министрлик тасдиқлайди.

—Тажриба нима бўлади? Министрликдагилар билишарди-ку.

—Нимаси?—деди опа қуруққина.—Ҳеч гап йўқ-ку, чофи Министрга рапорт ёзиб юборувдим.

—Нима деб?

—Тажриба натижা бермади деб...

—Йўғ-е!—Шерали кафтларини столга тираб, ўрнидан турди. Ахир... Нега?

—Шошилинч сўраб қолишиб.

—Маслаҳатлашсангиз бўлмасмиди?

—Билмабмиз шуну!—пичинг қилди опа.

Шерали, ҳаво етишмаётгандек бўғилиб, ташқарига отилди. «Тамом!—ўйлади у энтикиб.—Расво бўлиби. Қизиқ экан опа. Олим

киши шундай қилиб ўтиrsa... Қимлар билан-дир алоқа ўрнатмоқчи бўлувди... Ҳаммаси қуруқ сафсата экан-да! Курашиш учун эътиқод керак, ишонч керак! Нега ёздийкин рапортни? Шошилинч сўраб қолишганмиш... Фирт ёлғонлиги шундоқ сезилиб турибди!»

Шерали икки ўт ўртасида бодроқдай қоврила бошлади. Наҳотки шунча уринишлари сувга оқиб кетса? Бирор чорасини топиш керак! Ҳали унинг ишончи сўнмаган эди, тажриба натижасини умидворлик билан кутарди. Опа ҳар қанча жигибийрон бўлмасин, Тошкентга бормасликка қасд қилди, жуда катта ишонч билан рухсатнома берган, елкасига қўлини қўйиб эшиккача кузатиб чиқкан оққунгил министрга бу аҳволда рўбарў бўлиш ўлим билан баравар эди. Тўғри, аввалига министрга ўйлиқиб, ундан яна ёрдам сўрамоқчи, рапорт ўйдирмалигини сездирмоқчи бўлди, бироқ Қарима опанинг тунд қиёфасини кўз олдига келтириб, елкаси тиришди. фикридан қайтиб, бўлган воқеаларни Камол Нурбоевга оқизмайтомизмай ёзиб юборди.

Орадан уч кун ўтди. Шерали ишдан мутлақо совиган, институтга гоҳ келар, гоҳ келмасди. Қарима опа билан ўзи ўртасида бўлиб ўтган суҳбатни Диљбардан яширади. Диљбар эса унинг ўзгариб қолгани сабабини тушунмас, бунчалик совуқкон ва ҳафсаласиз бўлиб қолганилигидан ажабланарди.

Министрикдан қўнғироқ қилишгач, сир ошкор бўлиб қолди. Қарима опа шу куниёқ Шералини ёнига чақириди.

—Нонқўрлик қиласяпсиз!—деди у жизга-нак бўлиб.—Бу қандай гап? Ахир, министрликда кутишашалти-я, сизни!

—Опа, мен айтим-ку, ахир...

—Менам бор гапни айтувдим. Эртагача муҳлат. Ўйлаб кўринг.

—Опа, мен бари бир ҳеч қаёққа боролмайман.

—Демак, бўйин товляяпсиз. Унда ариза ёзинг.

Шералининг қўл-оёғи бўшашиб кетди. Вујуди бўм-бўш бўлиб қолди.

—Майли, ёзаман,—деди у ниҳоят ютиниб.

—Эртагача ўйлаб кўришингиз мумкин.

Шерали чиқиб кетди. Қечгача мақсадсиз шаҳар айланди. Қуёш ботди, кўчаларда одам сийраклашди. Лекин у уйига қайтишини хаёлига келтирмасди.

Шаҳар ўртасидаги ресторонга кириб, бир чеккада якка ўзи шошилмай овқатланди. Залда деярли ёшлар ўтиришар, уларнинг узуқ-юлуқ гапларидан ҳеч нарсани англаб бўлмас, овозлар бир-бирига қоришиб кетганди. Шерали қулоқни қоматга келтирувчи музикада жазаваси тутиб танца тушаётганларни узоқ томоша қилиб ўтириди. Мана шу бегам ҳаёт ҳавасини келтирди, лекин ҳеч қаҷон уларга аралаша олмаслигини ҳис этиб, кўнгли ғашланди. Ҳафсаласи пир бўлиб ташқарига йўл олди.

Нимқоронги хиёбондан одимларкан, ҳамон қулоқлари остида қувноқ музика янгряди. У соат ўн бирда уйига кириб келди. Шоша-пиша ечиниб, батамом ҳолдан тойган одамдай, ўзини каравотга ташлади. Бошини кўрпага буркаб, ухлашга уринди, ҳадеганда кўзи илинавермади.

Қаҷон ухлаб қолганини билмайди. Ярим кечада чўчиб ўйғонди. Туш кўрибди. Тушида одам юрса оёғи, қуш учса қаноти куядиган

дашти биёбонда ёлғиз кезиб юрганмиш. Қайси томонга боришини билмасмиш. Қейин аллақандай махлуқларга рўпара келибди. Махлуқлар Шералига ташланибди. Бақирмоқчи бўлармиш, овози чиқмасмиш..

Шерали каравот четида тошдай қотиб узоқ ўтириди. Соатига қаради. Тўрт... Юраги безовталаниб ёнбошлади. Аста-секин кўзи илинди. Ҳаял ўтмай яна босинқираб, тишларини ғижирлата бошлади.

Эрталаб турганда оғзи тахир бўлиб кетган кўзлари олди жимиirlар, томоғи қичишиб, қайт қилгиси келарди. «Нима бўляяпти ўзи?»—ўйлади Шерали ва бафуржা кийиниб кўчага чиқди.

У бу гал институт ҳовлисига бегона одамга ўхшаб ётсираб қадам босди. Ҳамма орқасидан фийбат қиласётгандек туюлар, буни ўйлагани сайин юрагидаги оғриқ кучаярди. Ишдан бўшатишларини сўраб ёзилган аризани котиба қизга қолдириб, лабораторияга кирди. Тўрда қўлларини қовуштириб турган Зиёхон халат кияётган Дилбарга ниманидир уқтиради.

—Сизга нима бўлди?—тортиниброқ сўради Дилбар.

—Мазам қочиброқ турибди,—деди Шерали ва Зиёхонга назар ташлади. Унинг икки юзи қип-қизил эди. Шерали ўзига тасалли берди. «Ўтиб кетар...»

Аммо дард ўтиб кетмади. Аҳволи баттар оғирлашиб. Зиёхон хайрлашиб чиқиб кетгач, Дилбар уни уйигача олиб бориб қўймоқчи бўлди. Шерали розилик берди. Ярим соатдан сўнг улар кўп қаватли ғиштин иморат биқинида машинадан тушишди. Дилбар Шералини қўтиқлаб олди.

—Қаерингиз оғрияпти?

—Ҳайронман. Баданим бўшашиб кетаяпти Тўртинги қаватга кўтарилишди. Шералининг квартирасига биринчи бор кирган Дилбар ҳайратланди. Икки хонали уй ҳувиллаб ётарди. У ошхонага мўралади. Газ плитасини ёғ босган, бурчакдаги қозон-товоқ ювилмаганди, сабзи-пиёз картошга сочилиб ётарди, ҳамма жойда суварак ивирсийди.

У қаршидаги хонага кирди. Диванинг чойшаби тушиб кетибди, дастурхон йиғиширилмаган, дераза пардаси ғижим, пол чанг эди. Бу ерга кўпдан бўён одам оёғи тегмаганга ўхшайди. «Эркакларнинг ҳаммаси шу,—ўйлади Дилбар.—Буларга кўчада юриш, ичиш бўлса...

—Айбга буюрмайсиз,—деди Шерали хижлатдан қизариб.—Тўзиб ётибди.

—Бу, бирорта қиз...

—Қанақа қиз?—Шерали мириқиб кулди.

—Бу аҳволда сиз...

—Жазонгизни тортасиз демоқчимисиз?

—Ундаймас-у...

—Парво қилманг. Кўникиб кетганмиз бунақасига.

—Жиндай қарашиб юборсам майлими?

—Қанақасига қарашарканисиз? Қани, ўтиринг. Мен ҳозир сизни бир боллаб меҳмон қиласи.

—Ҳозирмас. Қейин.

Дилбар енг шимариб ишга киришди. Ярим соатда ошхонани ҳам, икки хонани ҳам ёғ томса ялагудек ярқиратиб қўйди. Шерали диванга жимгина суюниб ўтирас, унинг жозибали, қувноқ чеҳрасидан кўз узмасди.

Дилбар ўйига ҳорғин қайтди. Машина ру-

лини қандай бошқарib келганини ҳам унча яхши эслолмади...

Уша кечаси умрида илк дафъа ухломади, мих устида ётгандек тўлғаниб чиқди. Тартибсиз, юпун ва совуқ хоналар, озгин чеҳра, гезарган қақроқ лаблар кўз ғолдидан нари кетмасди. «Нега у ёлғиз? Нега? Нега?»—деган савол юрагига тинчлик бермай қўйди.

Дилбар кўпдан буён ўз ҳаётида аллақандай ўзгариш бўлишини кутарди. Чамаси, у ҳозир ўзи кутган, аммо бутунлай бегона бўлган оқимга тушиб қолгандай эди. Юрагини чулғаган ўт гўё аъзойи баданига ёйила бошлиди. Кунбўйи толиқадиган асабларига доимо роҳат берадиган тун бу гал жуда узоқ ва мазмунесиз туюлди. Эрталаб ойнага қараб ўзини зўрга таниди. Юзи алланечук рангсиз, бодом қовоқлари сезилар-сезилмас салқиган, узун қиприклари паришон пирпиради. Тўзғиган соchlарини узоқ таради, қиприкларига яна сурма тортди. Бари бир кўнгли тўлмади. У бутунлай бошқа, ҳуснда тенгсиз бир қизга айлангиси келарди... Балки шунда унга ёқади, унинг юрагига кириб боради?!

Ойнадаги аксига тикилиб бошқатдан таранди.—Йирик-йирик кўзлари гўдак кўзларидай мъясум боқар, тубсиз қорачиқларида юракни ўртовчи ададсиз бир нур яширинганди. У шу лаҳзада ўз ҳуснidan ўзи ҳайратланган малакка ўхшарди. Аммо буни тан олгиси келмади. «Бари бир Шерали акага ёқмайман!»

Дилбар айвон билан ҳовлини супуриб-сидирди. Нонушта тайёрлаб онасини кутди. Карима опа ҷарчагани сабабли одатдагидан кечроқ турди. Боши сирқираб оғрир, юрагига қил ҳам сиғмасди.

Она-бола жимгина нонушта қила бошлади. Карима опа қизи қиёфасидаги маъюсликни хонага кирган заҳоти пайқаганди. Дилбар ҳар эрта нонушта устида чеҳраси очилиб ўтирас, онасиға гап бермасди. Бугун эса оғзига толқон солиб олгандек, паришон бир ҳолда жимгина ўтирибди.

—Тобинг йўқми?— деди ниҳоят Карима опа секин.

Дилбар бошни эгди.

—Яхшиман,—деди ердан кўзини узмай.

—Мунча қовоғинг осилган бўлмаса? Агар мазанг бўлмаса ишга чиқмай қўя қол.

—Ишга чиқмасам бўлмайди. Вали ака касалхонада. Зиёхон ака изини кўрсатмайди кунбўйи...

—Айтмоқчи, Шералиям ариза ёзибди.

—Нимага?—Дилбар онасиға ажабланиб тикилди.

—Кетмоқчиймиш чоғи.

—Унақада... ҳалиги иши нима бўлади?

—Ким билади, қизим. У билан нон-қатиқ ичишган бўлмасам. Аммо мен ҳаммасини билиб турибман. Боланинг омади юришмади. Аллақандай тухум топдим деб бутун институтга жар солса-я!—Карима опа гулдор рўмолчаси билан кўзларининг милкларини шошилмай артди.—Подадан олдин чанг чиқармаслик керак-да!

Дилбар Шералининг ғамгин, илтижоли боқувчи кўзларини хотирлади. «Мана, гап қаёқда экан!—кўнглидан ўтказди.—Нега бунча азобланаётгани, ўзгариб қолганининг сирини энди тушунди. Ҳа, омадсизлик одамни эзиб ташлайди, ўйлдан адаштиради, ниятларини чилпарчин қилади...»

Она-бона жонуштадан сўнг машинага жим-гина ўтиришди. Кўп ўтмай, сутранг «Жигули» оққушдай сузиб келиб, институт ҳовлисининг ўнг қанотида, катта шохи синган шафтоли тагида тўхтади.

Улар сўзсиз икки томонга ажralиши. Лабораторияда Зиёхондан бўлак ҳеч ким йўқ эди. У ҳар замонда қўлларини оғзига тутиб эснар, «Здоровье» журналини варақларди. Дилбар кириши билан журнални узатди.

—Манави мақолани ўқидингизми?
—Йўқ!—деди Дилбар журнални кузатиб.
—Ўқинг. Юрак операцияси ҳақида ёзишибди.

Дилбар жойига ўтириди-да, мақолани ўқий бошлади. Ўнда киевлик бир профессор сунъий юрак ўрнатиш проблемаларининг жуда нозик, шу пайтгача ҳал этиш қийин бўлаётган қирралари хусусида фикр юритганди. Мақолада сунъий юрак келажакда инсониятни энг даҳшатли дарддан халос қилувчи умидбахш восита сифатида таърифланганди.

«Бу йигит нимга ишора қиласяпти»—ўйлади Дилбар.

—Кизиқ,—деди кейин овоз чиқариб.
—Кизиқ бўлганда қандай.
—Лекин мен унча тушунмадим.
—Нимасига? Зиёхон Дилбарга менсимай тикилди.—Қасал юракни кесиб олишиб, ўрнига...

—Ўша одам аввалгидай ҳис қилаверармикин?

—Э-э, Дилбархон, Дилбархон! Ҳис, туйғу...
Булар жуда арзимас, майдагап-ку!

—Тўғри айтасиз. Медицина буларни тан олмайди. Медицина моддийликни тан олади.
—Албатта моддийлик! Агар туйғуга асос-

лансанак, кўп нарсани барбод берган бўлардик. Колаверса, туйғу ҳам бош мия фаолиятнинг меваси. Шунаقا экан, ҳис-туйғу фақат юрак билан алоқадор эмас. Бу масалада ташвишланмасангиз ҳам бўлади.

Дилбар касалманд Шералини кўз олдига келтириб, жим бўлиб қолди. Қачонлардир, илк танишган пайтларида у юрак оғрифидан шикоят қилганини эслади. «Шерали ака юрагини алмаштирса-я,—ўйлади бирдан, кейин ваҳимага тушди.—Аввалидек туйғулар билан яшармижин?»

—Бугун Шералига нима бўлди!—ўртадаги оғир жимликини Зиёхон бўлди.—Ишга келмаяпти.

Дилбар унга ялт этиб қаради-ю, ҳеч нарса демади. Юрагига чўғ босилгандек, сесканниб кетди. «Наҳотки эпди келмаса?»

У кунбўйи кўзи тўрт бўлиб йўл қаради. Эшик тиқ этса, юраги «шиғ» этарди. Аммо Шералидан дарак бўлмади. Энг ёмони, вақт жуда имиллаб ўтарди. Охири умидини узиб, кеч киришини тоқатсиз кута бошлади.

Соат олтига яқин онаси олдига кирди. Қарима опа меҳмон кутаётгани, яқин орада қайтолмаслигини айтди. Дилбар изига бурилиб машинасига ўтириди-да, газни босди.

Гавжум қўчалар худди кундузгидек ойдин, сон-саноқсиз чироқлар кўзни қамаштиради. Хиёбон ва йўлакларда илғаш қийин бўлган ажиб жўшқинлик ҳукм сурарди. Дилбар мана шу жўшқинликка мафтун бўлса-да, шаҳарнинг толғин қиёфасига унча эътибор бермасди. Қўчаларга эса руҳий яқинлик билан боягланиб қолганди, адоги кўринмайдига асфалт

лента доим уни олис бир манзилга етаклаб бо-
раётгандай тюларди...

«Жигули» катта йўлдан ўнгга бурилиб,
баланд кўк дарвоза қаршисида тўхтади. Дил-
бар кабинадан тушмай бир лаҳза ўйга чўмди.
«У ҳозир нима қиласяптийкин? Борди-ю уйда
бўлмаса-чи?..

Дилбар машинани ҳовлига киритиб, ша-
ҳарга пиёда чиқиб кетди. Одамлар оқимиға
қўшилиб ярим соатча юргач, ўртаси айланга
гулзор қилинган чорраҳа қаршисидан чиқди.
Йўл четида гугурт қутисидек қатор тизилган
кўп қаватли гишт иморатлар қад кўтариб ту-
рар, ёш чинор дараҳтлари кечки шабадада
оҳиста шовулларди. Дилбар чап томондаги беш
қаватли оқ иморатга яқинлашди. Иморат пеш-
тоқидаги мисга ўйиб ишланган лавҳага бир
дақиқа тикилиб қолди. Лавҳада узун бўйли,
нигоҳлари тошни тешгудек, ўткир йигит билан
қиз тасвирланган бўлиб, улар уфқдан кўтари-
лаётган қуёшга қуҷоқ очишганди. У бу лав-
хани кўп кузатган, ҳар гал ундан кўнглига
яқин нимадир топарди. Шунда беихтиёр ха-
ёлига эрк бериб, ўзини лавҳадаги ўткир ни-
гоҳли қиз ўрнида кўради...

Дилбар шаҳарнинг марказий боғигача
троллейбусда борди. Боғнинг кун чиқар то-
монида кўкка бўй чўзган ўн бир қаватли «Ин-
турист» меҳмонхонасининг шундоққина би-
қинида троллейбусдан тушиб, Регистонгача
яна пиёда кетди. Турли-туман қушлар сотила-
диган зоология магазинидан ўтгач, Шерали
туродиган уй қаршисида тўхтади.

У ҳаяжонланар, юраги дук-дук уради.
Остонада бирпас иккиланиб турди-да, қўнги-
роқ тугмачасини босди. Ҳаял ўтмай йўлак

чироғи ёниб, эшик очилди ва Шералининг
боши кўринди.

—Дилбар!—Шералининг кўзлари чақнаб
кетди.—Киринг, киринг! Нега қараб турибсиз?

—Безовта қилдим; кечирасиз.

—Нега ундан дейсиз? Қон бўлиб ўтирув-
дим-а...

—Пиёда келдим...

—Раҳмат, Дилбар!

—Тузукмисиз?

—Тузук. Лекин томоқ қичишини қўймаяп-
ти, савил.

Ҳануз ҳаяжонини босолмаётган Дилбар
диванга оҳиста ўтириб, Шералига ғамгин на-
зар ташлади. Шералининг кўз гавҳари кичра-
йиб қолганга ўшар, пастки лаби ёрилган, бўй-
нинг томирлари бўртиб турарди.

—Шерали ака, сиздан бир нарсани сўрасам
майлимни?

—Бемалол.

—Халиги... Топилган тухумлар натижага бер-
магани ростми?

—Бу ҳақда ҳали бирор нарса деб бўлмай-
ди,—деди Шерали ўйчан.—Тўғрисини айтсам,
олдин умидим чирт узилувди. Лекин энди ҳақ
эканимга ишондим.

—Ундан бўлса... Нега натижани кутмасдан
ариза ёзиб юрибсиз?

Шерали ерга қаради.

—Қанақа ариза?

—Бугун эрталаб онамдан ҳаммасини эшил-
дим.

—Шунақами?

—Ишдан бўшатишларини сўраганмишсиз?

Тушунмай қолдим.

—Мени мажбур қилишди!—деди Шерали.

—Ким?

—Мендан хафа бўлманг... Дилбар!—Шерали тутилиб қолди.—Ойингиз мени Бухорога юбормоқчилар. Мен шу тажрибани деб рози бўлмадим. Кейин... Шу...

—Шунақами?

—Ҳа!—Шерали бошини эгди.

—Мен ойим билан гаплашаман.

—Керакмас!—Шерали қўлини силтади.—
Нима бўлса, бўлар!

—Ундай бўлса, Вали акага айтсак-чи! У
киши...

—Йўқ. Вали ака ҳам тарози палласига
қараган одам. Бу гал ёрдам бермайди. Нега-
ки...

Шерали яна қўл силтади. Унинг қўй кўз-
лари сокин жовдирар, безовта қалбини ўқинч,
пушаймон чўлғаганди. Ҳа, у ҳозир пушаймон
чекарди. Истаса-истамаса шу аччиқ дардга
мубтало бўлганди. Қўпроқ ёлғизлик, ўз-ўзи
билан дардлашув уни эзиб ташлаганди. Назар-
ида, қўллари калта бўлиб қолди, кўчадан,
институт ҳаётидан ажралди. Энди диққина-
фас хонасида чувалчанг мисоли ғивирлаб, кун-
ларини бекор, мазмунсиз ўтказади. Одам
мажбур бўлганда, нималар қўлмайди. Аммо у
чидаши керак. Тўғри, энди ҳаммасини уну-
тади. Шу пайтгача юрагига нимаики далда
берган бўлса, ҳаммасини унутади. Уни ҳам
одамлар унутсин. Керак бўлса, ундан нафрат-
ланишсин. Ана шунда ҳеч кимнинг кўзига кў-
ринмаслик учун бирор ёқса бош олиб кетади.

Шерали ўкинарди. Унга қачондир бир кун
қувонч, ҳеч нарсага алиштириб бўлмайдиган
ширин туйғулар келтириши мумкин бўлган
фурсалари беҳуда ўтаётганига ўкинарди. Ҳ

ўқинч фойдасизлигини биларди, фақат кўнг-
лидаги ниятларини хиралаштиришини ҳам анг-
ларди. Аммо ўзи хоҳламаган ҳолда мавҳум,
айни пайтда совуқ туйғулар исканжасига ту-
шиб қоларди.

Улар узоқ суҳбатлашиб ўтиришиди. Вақт
ағламаҳал бўлиб қолганди. Баъзи деразалар
чироғи ўчиб, кўчаларда шовқин тинди. Дил-
бар ўрнидан турди.

—Мен борай энди...

Туз сепгандек, Шералининг кўкси ачиши. У
Дилбарнинг кетишини истамасди, яна ёл-
ғиз қолишни истамасди. Узундан-узоқ, зери-
карли тунги ёлғизлик юрагини олиб қўйганди.

Улар ташқарига чиқишиди. Оппоқ тун сал-
қин, шаҳар устида юлдузлар жимиirlар, баъ-
зилари миноралар учига тегиб турганга ўх-
шарди. Регистон бекати жимжит, ҳеч ким кў-
ринмасди. Узоқ кутишиди. Соат ўн бирдан
ошганда судралиб троллейбус келди.

Дилбар Шералига қўл узатди. Алланечук
маъюс, айтилмай қолган дардлар, яънирган
кўзлар тўқнашди. «Хайр!»—деди нигоҳлар
бир-бирига...

Троллейбус секин жилди. Дилбар ойнадан
ташқарига кўз ташлади. Катта майдонда Ше-
рали якка қотиб туради. У қўл силкиди. Бу
вақтда троллейбус муюлишга, баланд дараҳт-
лар панасига ўтган, Шерали кўринмай қолган
эди.

* * *

Икки кундан бўён Дилбар онаси билан ёзи-
либ гаплашмайди. Эрталаб қовоғидан қор ёғи-
либ чиқиб кетади, ишдан худди ўша ҳолатда
қайтади, лом-мим демасдан хонасига кириб
олиб, оч-наҳор ухлади.

Ташвишлардан боши чиқмай, опа дастлағы қизига унча эътибор бермади. Икки-уч кун ичиде Дилбар ранги сомондек сарғайиб, ўзгарди. Бу ҳол қизини жонидан ортиқ кўрадиган она назаридан четда қолиши мумкин эмасди.

—Дилбар,—деди опа бир кун,—сен мендан ниманидир яширяпсан....

—Сиздан нимани яширадим, ойи?—Дилбар лабини тишлаб қолди.

—Йўқ, яшираяпсан! Ё биронта одам хафа қилдими?

Дилбар паришон бир ҳолда бошини ирради.

—Ҳеч ким хафа қилган эмас, ойи!—у онасига жиддий термилди.—Сиздан бир нарсани сўрасам майлими?

—Айта қол, қизим! Нима гап?

—Эшитишмча, Шерали aka аризани ўзи ёзмаган экан...

—Буни сенга нима қизиги бор? Шунга хафа бўлиб юрибсанми?

—Сиз менга бошқача тушунтирган эдингиз-ку!

—Тушунмай қолдим, сен бу масалага нимага аралашаяпсан?

—Мени кечиринг, ойи! Ахир, бироннинг тақдирини бунақа осонгина ҳал қилиш... Бу...

—Ишингни бил, Дилбар! Фалсафангни қўй. Давлат ишидан бош тортганинг жазоси шу! Ўн икки кун ишлаб берсин-у, туёғини шикиллатсин.

—Менга бари бир, ойи. Лекин одамлар гап қилмасмикан?

—Кимми?

—Сизни...

Дилбар кўнглидагини гапиришга гапирди-ю, кейин пушаймон бўлди. Онасининг ранги қув учди. Юпқа лаблари хиёл титради. Карима опа қизи олдида ҳеч қачон бунчалик нокулай ҳолга тушмаганди. Қолаверса, ундан бунақа совуқ гап ҳам эшитмаганди. У қизини қаттиқ севарди, уни бирор марта ранжитмаган, гард юқтирумай, еру кўкка ишонмай катта қилганди.

Она ичидан зил кетиб, жиғибијрон бўлди. Не хаёлларга бориб, уришиб ташлаш учун оғиз жуфтлади. Аммо тилини тишлади. Унинг юраги ниманидир сезганди. Ахир, шамолсиз дараҳтнинг учи қимирламайди. Дилбар бекорга Шералининг ёнини олмаяпти. Бир гап борга ўхшайди. Она қизини Шерали билан кўчада, институт боғида, машинада бирга кўп кўрган, лекин аҳамият бермаганди. Ҳаммасининг тагига мана энди етаяпти.

Хонага зилдай жимлик чўкди. Она-бона бир-бираига бошқа гап қотишга журъат этолмади. Иккиласининг ҳам юраги безиллаб турар, арзимаган бир гапдан ўт чиқиб кетиши ҳеч гап эмасди. Карима опа қизининг важоҳатига қараб буни чуқур ҳис килди. Ўз хонасига ўтиб кийинди-да, индамай чиқиб кетди.

Карима опа, хизмат машинаси бўлишига қарарамай, ҳар куни Дилбарнинг ёндида ўтириб, «Жигули»да институтга борарди. Бугун тиқилинч автобусда келди. Йўлда гоҳ Дилбар, гоҳ Шералини ўйлади, ўйлагани сайин фикрлари калавадекчуваланиб борарди. «Наҳотки, қизим...—Бирдан миасига ғалати шубҳа келди.—Наҳотки... Йўқ, йўқ!.. Ишқилиб, бахтини берсин-да!»

Қабулхонада уч-тўрт киши гурунглашиб турарди. Улар орасида Зиёхон ҳам бор эди. Карима опа котиба узатган бир даста хатни оларкан, ҳеч кимни қабул қилолмаслигини, зарур ишлари бошидан ошиб ётганлигини айтиб, кабинетига кирди. Аслида, ҳеч қандай зарур юмуши йўқ эди, кайфияти бўзуқлигидан кўнглига қил сиғмасди.

Юмшоқ креслосида узоқ хаёл суриб ўтириди. Енгил уф тортиб ўридан турди ва деразага яқинлашди. Дарвозага яқин жойда оқ «Жигули» турарди. «Дилбар келибди»,— ўйлади у ва ўгирилиб дераза токчаснга суняди.

У ўзини қаерга қўйишини билмасди. Юраги безовта уриб, иссиғи кўтарилиди. Котиба қизни чақириб кўк чой буюрди ва сўнгра стол бурчида турган хатларни кўздан кечириб чиқди. Улардан бири Ленинграддан—кандидатлик ишига оппонентлик қилган Камол Нурбоевдан келган эди. Хатни ҳаяжонланиб очди:

«Хурматли Карима Музаффаровна! Салом! Соғлиғингиз қандай? Докторликни нега чўзаяпсиз?

Бу мактубни олгач, ажабланишингизни биламан. Сиздан бир нарса илтимос қилмоқчи-ман. Биласиз, илтимосчиларни ўзим жинимдан баттар ёмон кўраман. Лекин бирор учун илтимос қилиш мумкин.

Гап Шерали ҳақида бораяпти. У ҳаммасини ёзибди. Аҳволингизни тушуниб турибман. Ўзим ҳам изтиробдаман. Ахир, мен ўша илмий ишингизга оппонентлик қилувдим. Тан олавериш керак, олдинги ҳамкасларимиз қатори биз ҳам жиндай шошганга ўхшаймиз. Энди хатомизни кимдир тузатмоқчи экан, сиз

биз унга фақат ёрдам қўлимизни чўзи-
миз зарур.

Тажриба натижаларидан хабардор қилиб турсангиз бошимиз кўкка етарди. Шералининг хати ва баъзи мулоҳазалари кафедрамиз олимларини қизиқтириб қўйди...»

Опа оғир, жуда оғир хўрсинди. Ахир, шу пайтгача атрофига қарамасликка ўзини мажбур қилиб келаётган эди. Бирдан энди, оёғи кўйган товуқдек, типирчилаб қолди. Хат даҳшатли бир зарб билан томоғидан хиппа бўғди-ю, нафас олишга имкон бермай қўйди. Хатни тортмага ташлади. Қаттиқ довулдан сўнг ўрмонда оғир сукунат чўккани каби қалби бўм-бўш бўлиб қолди. Неча кундан бери юрагини кемириб, асабларини тинимсиз эговлаётган безоваталик бир лаҳза ичилади борлигини тарк этганга ўхшарди. «Топибди!—у бошини чанглалади.—Йўлини топибди!»

Карима опа хона ўртасида симёғочдай қотиб қолди. Котиба қиз столга чойнак-пиёла қўйиб кетганини ҳам пайқамади. Бир оздан сўнг ҳушини йифиб, чойни қайтараркан, Нурбоевнинг жиддий қиёфаси, бақувват гавдасини кўз олдига келтирди. Ленинградда каттавақе ва обрўга эга бўлган бу одам дўпписи тор келганда ундан яхшилигини аямаган, бир неча марта оғир ахвоздан қутқазганди.

Карима опа илмий ишни Ленинградда ҳимоя қилди. Аскарида тухумларининг яшовчанлиги ва аскаридоз касаллигининг баъзи хусусиятлари ҳақидаги фикрлари кўп олимлар қаршилигига учради. Ўшанда Нурбоев ёш олиманинг қарашибарини, айниқса, дадиллигини қўллаб-қувватлади, бу ҳол етакчи олимларнинг

фикрини ўзгартириб юборди. Натижада, ҳимояда диссертация яхши овоз олди. Шу-шу Карима опа Нурбоевни пинҳона ҳурматлар, кўпинча унинг йўл-йўриқлари билан иш тутарди. Шерали бу одамнинг шогирди эканлигини назардан қочирганлиги жуда алам қилиб кетди. У ич-ичидан эзила бошлади. Энди бошқача йўл тутиши керак. Сих ҳам, кабоб ҳам куймасин...

Ниҳоят, фикрларини бир жойга жамлаб, тортмадан оқ қофоз олди. Эшик очилиб, Зиёхон кириб келди.

—Опа кечаринг... Бир минутгина...

Карима опа «сенга кўзим учиб турувди» дегандай томоқ қирди, унга ғижиниб, еб қўйгудай тикилди. Зиёхон таклиф кутмай, туюқушдай лапанглаб келиб, қаршидаги стулга чўқди. У худди узоқдан югуриб келаётгандай, ҳансираб тез-тез нафас олар, қисиқ кўзлари шишадай ифодасиз эди.

—Карима Музafferовна,—у тавозе билан мурожаат қилди.—Сизга бир илтимос чиқиб қолди.

Опа дунёни сув босса тўлиғига чиқмайдиган бу йигитни унчалик ёқтирмасди. Зиёхон ўзи учун кўпроқ елиб-югуради, ёз фойдасига бўладиган иш учун томдан ташлашга ҳам тайёр эди, каттароқ лавозимдагиларнинг соясига ўлиб-тирилиб кўрпача соларди. Унинг совуқ қилиқлари опанинг елкасини тириштиради. Ҳозир Зиёхоннинг гаплари қулоқларига кирмади.

—Оппонентим тўнини тескари кийиб опти, опа,—у хўрсиниб гапида давом этди.—Ишимни қайтариворибди.

—Нима қилай?—Карима опа ўқрайди.—Қайта кўрасиз-да, бўлмаса.

—Э-э, шу...—Зиёхон чайналди.—Сиз Левиевни яхши танийсиз-ку, опа. Бир оғиз гапнгиз...

—Илтимос қилиш қочмайди,—опа юзини ўгирди.—Қайта кўриб чиқинг. Сиз паразитлар ҳақида фақат умумий гаплар айтгансиз, назаримда... Буни муҳокамадаёқ айтишим керак эди-ю...

—Опа, уч йилдан бери миямни қатиги чиқиб кетди-ку!

—Зиёхон! Жуда чарчаганман...

У сувга тушган латтадек шалвираб ўрнидан турди. Бир оздан сўнг эшик секин очилиб ёпилди. Карима опа ёлғиз қолгач, енгил нафас олди. Кўп ўтмай, яна оғир хаёлга чўмди. Қадрини йўқотган диссертацияси, Шералининг қизиққонлиги, қонсиз юзи, лаблари... Нурбоевнинг ўйчан чеҳраси, ўсиқ қошлари остидан бокувчи ўткир кўзлари хаёлидан ўта бошлади. Анчадан сўнг қалам олиб, ёзиша тутинди.

«Қадрли Қамол Нурбоевич! Ташвишланманг. Тажриба яхши бораяпти. Ўзим назорат қилиб турибман...»

Карима опа жотибига хатни ҳозироқ почта қутисига ташлашни тайинлаб, ташқарига чиқди. Елкасидан оғир юқ тушгандай бир оз енгил тортди.

Дилбар ҳовлида уни кутиб турарди. Она бола жимгина машинага ўтиришди. Сутранг «Жигули» таниш кўчадан ғизиллаб юриб кетди. Улар ҳамон сўзсиз боришаради. Карима опа ҳар замонда қизига қараб қўяр, унинг жозибали юзида ўзининг ёшлигини кўриб, кўнгли фууруга тўларди. Қизи ҳадемай йигирма еттига тўлади. Айни ўт-олов, ўйнаб-куладиган дав-

ри сувдай оқиб кетаяпти. Бахти очила қолсайди. Вақт етиб, катта ҳовлида сўплайиб ёлғиз қолишини ўйлаб, юраги эзилди. Нима чораси бор, қиз бола палахмон тоши... Хаёли бўлинди. Дилбардан нимадир сўрамоқчи бўлиб оғиз жуфтлади-ю, лекин анчагача юраги дов бермади.

—Дилбар,—деди у нихоят ҳадик билан.— Сен... уни яхши кўрасанми?

Қиз, ток ўргандек, қалтираб кетди. Вужуди бўшашиб, тормозни босганини ҳам сезмади.

—Кимни айтаяпсиз, ойи?

—Уни-да!

Дилбарнинг юраги жигиллаб, ранги девордай оқариб кетди. Оёғини тормоздан олиб, газни кучайтирди. «Жигули» олдиндаги машиналарни бирма-бир қувиб ўта бошлади.

* * *

—Йигирма тўрт...—Шерали уфф тортди.

У ўз овозидан чўчигандек, теварагига аланглади. Обидалар ранги тағин ҳам тиниқлашгандай кўринарди. Шундоққина тепага келган қуёш илиқ нур сочар, баланд гумбазлар осмон бўёғига белангандай, нилий тусда жилоланаарди.

—Шерали ака, кеч бўўп кетди, ахир!

—Шошманг, Дилбар!.. Йигирма беш...

—Халиям санаяпсизми?

Шерали жавоб бермади. Қўз олдида унга кўпдан буён таниш бўлиб қолган оқ тангачалар жимиirlади. У қалин, чеки кўринмайдиган оппоқ туман ичиди юриб бораётганга ўхшарди. Бир пайт жуда олисадан қўзни қамаштирадиган қуюқ алвон нур бостириб кела бошлади, кейин борлиққа зулмат чўккандай,

ҳамма нарса кўринмай қолди. Энди атрофни сукунат қоплаган, икки томони ажриқзор ва тўқайдан иборат нимқоронги, торгина сўқмоқдан якка ўзи одимлаб бораарди.

Шералининг тоқати тоқ бўлиб кетди. Ичиди нимадир портламоқчига ўхшарди. Алам билан кўзларини ишқалади. «Тавба; одам оёқ устида ҳам туш кўраркан-да?!—ўйлади у.—Йигирма олти...»

Шерали безовта тасавурларга ишонмай қўйди, шунинг учун ҳам уларни миясидан қувишига уринди. «Чарчаб қолдими? Латтадайман-а! Ахир, ҳали олдинда кўп ташвишлар турибди-ку!»

Шерали қалбига бўрондай бостириб кирган дард билан яккама-якка олишув азобларини ўйлаб кўрмаганди. У вақтини қизғанар, кўп вақтини бой берәётганига ачинар, шу боис баъзи майда-чўйда нарсаларни босиб-янчиб кетаверарди. Шунчалик жаҳлга мингган эдики, ҳеч кимга умид боғламай қўйди, бирор тасодиф бўлишини ҳам истамасди. Назарида, одамини одамлар билан боғловчи муносабатларда мазмун қолмаганди. Энди фақат кўршапалакдай беркиниб ётиши керак, холос. Янгича ҳаётти мана шундай бошланаяпти. Сокин, зерикарли бир ҳаёт...

Жимжит хонада юлдуз санаб ётавериш жонига тегди. Кўршапалакка айланиб бўлмас экан! Қалб нуқул ёруғликка интилади. Нима қилиш керак? Ёлғизлик чангали томоғидан фиппа бўғиб олганга ўхшарди. Ундан қутулиш осон эмасди. Агар ҳозир ёнида бирор ҳамдарди бўлганда, кўнглиниг чигили бир оз ёзилармиди?

Кўксидан отилиб чиққудек бўлиб гурсил-

лаб ураётган юраги кимнидир қўмсарди. Бе-
ихтиёр Дилбарнинг мунис, дилгир сиймоси
хаёлида гавдаланди.

У олдиндаги ташвишлардан чўчимасди, ўт-
мишга назар ташлашдан қўрқарди. Одатда,
пешонаси қашқа темиртироқ одамлар шуна-
қа бўладилар. Ўтга, сувга ўзларини урадилар,
оқибатини ўйлаб ўтирумайдилар, қафонки кўз-
лари мoshдай очилгандан кейин кечаги кунни
саҳисоб қилишга оғринадилар. Шерали маз-
мунсиз, сокин ўтмишини ўйлаганда ўзидан
нафратланарди, худди шу нафрат устидан ғо-
либ чиқиш учун ҳар ишга тайёр эди.

Шерали бўғини қотмай қўзи пишгани учун
кўп қийинчиликларга кўникди. Фақат бир нар-
сага—ёлғизлика ўргана олмади. Йўқ, аслида
бунга ҳам мослашиб, тақдирга тан берганди.
У умр бўйи сўққабош кун кечириб, бошқача
ҳаётни тамоман унутган эди. Дилбарни учрат-
гандан кейин эса бағрига учқун тушиб, яна
ороми бузилди, ҳувиллаган уйига кирганда
тағин юраги безиллайдиган бўлди. Аммо унинг
аҳволини ким тушунарди? Дилбарга кўнглини
ёришга тайёр эмасди, аниқроғи, дардини очиши-
га ўзида куч сезмасди. Дилбар ҳам ҳали ун-
дан бегонасираб юарди. У умри кўчада, одам-
лар орасида ўтаётган бўлса ҳам, бирор тузур-
роқ дўст ортируммаганини англади. Ойлаб,
баъзан ўйлаб уйига бирор кимса қадам бос-
масди. Онда-сонда Зиёхон келар, у ҳам кўп
ўтирас, гоҳида Шерали билан ади-бади ай-
тишиб, фикри бир жойдан чиқмай, аразлаб
кетиб қоларди.

Хуллас, Шерали истаса-истамаса кўп вақ-
тини каталакдай уйида зерикиш билан ўтка-
зарди. Институтдан кавуши тўғриланғанлиги

ва касал ётганлиги ҳақида ҳар хил узун қу-
лоқ гаплар тарқалганда аҳволи айниқса танг
бўлди, бирорга дардини ёролмай, ўз ёғига ўзи
коврилиб ётаверди. Уйдан бир қадам жилмай
қўйди, овқат емасди, бирор нарса пиширишга
эринарди. Гўё азобланишдан роҳат топган,
деч нарса қондиролмаган ташналигини азоб
зардоби билан қондирмоқчи бўлган одамга
ўхшарди.

Институтда эса гап устига гап тўқишаради.
Қарима опа паттасини қўлига тутқазгани,
арбоб билан ҳазиллашишнинг оқибати шуна-
қа ёмон бўлишини ҳар жойда қизишиб, даҳ-
маза билан сўзлашар, ҳар ким аравани ис-
таган томонига тортарди. Нима учундир сўнг-
ги вақтларда ўзини анча енгил сезган Зиёхон
айниқса кўпроқ оғиз кўпиртиради. У Шера-
лининг аврашларига учмаганидан мамнун эди.
Буни ҳар жойда керилиб сўзлар, орқаварот-
дан Шералининг гўрига фишт қаларди. Дил-
бар унинг гапларини эшитишни истамасди,
аммо Зиёхон бузук пластинкага ўхшаб нуқул
бир хил гапни унинг қулоғи тагида минғил-
лайверарди.

—Мениям сал бўлмаса шайтон йўлдан оз-
дирувди-я, Дилбархон!—дерди у бошини ли-
киллатиб.—Ойингизди қарфишига қоларкан-
ман-а...

Дилбар нафратини сездириб қўймаслик
учун юзини тескари ўгиради. Кўпинча сабр
косаси тўлиб, хонадан чиқиб кетар, нима қи-
лишини билмасдан ивирсиб юар ғоти соатлаб
машинасини юварди. Ишдан кейин кўпинча
онасига сездирмасдан Шералинига кетарди.

Бу орада Вали ака ишга чиқди. Шерали
ҳақидаги гапларни эшитгач, тепа сочи тикка

бўлиб, фифони фалакка қўтарили. Уни ишга ўзи олиб келганини ўйлаб, баттар хуноби ошиди. У ови юришса ҳам дови юришмайдиган Шералига гоҳ ачинар, гоҳ ўзича мингирилаб: «Ажаб бўпти! Беҳуда чиранганинг қовурғаси синади!» дерди. Қасалхонадалиги ишнинг белига тепди-да, эҳтимол, шу ерда бўлганда бу бебошвоқ болани йўлдан қайтариб қолармиди?! Ҳар қалай уни бу аҳволга солиб қўймасди, ё яхши, ё ёмон гап билан жиловлаб қўярди. Энди опага кўринишга юраги қандай ботинади. Опа бари бир юзига солади. «Хўтиқ семирса эгасини тепади дегани мана шу, сени сўзингни ерда қолдирмай уни ишга олганим учун оғзи-бурним қон бўлди», дейди. Ишқилиб тузук бўлмади, шайтон бола юзини ерга қаратди. Агар бунақалигини билганда, отаси айтганда ҳам уни деб опанинг олдида бетини сарғайтирмасди...

Боши-кети кўринмайдиган гаплар қозонда минг оҳангда қайнаётган бир маҳалда ғалати воқеа юз берди. Буни ҳеч ким кутмаганди. Ўша куни эрталаб Карима опанинг шофёри чўғдек безатилган мовий ранг хизмат машинасида Шералини ўтқизиб олиб келди. Буни кўрганлар ҳеч нарсага тушунмай елка учирди. Шерали машинадан тушиб, ён-верига қарамай, опанинг кабинети сари йўналди.

Шерали кутилмаган иззат-икромнинг фаҳмига ҳайрон эди. Кўнгли ҳижил бўлиб, йўл-йўлакай юрагини ҳовучлаб келди. Ўйлаги етолмасди. «Нега чақирдийкин? Ундан нима истайди? Ёки министрлик кучи билан Бухорога мажбурлаб юбормоқчими?»

У опага ўзини бамайлихотир кўрсатишга тиришди, кўзлари сокин чақнаб турар, қора-

мағиз юзидаги безовталикини бир қарашда илғаш қийин эди. Опа уни хуррамлик билан кутиб олди. Ўрнидан енгил туриб кўришида, қаршисидаги юмшоқ креслодан жой кўрсатди. Шерали опани бунақа кайфиятда сира кўрмаганди. У, ходимлар олдида доимо қовоғидан қор ёғилиб ўтирад, ҳеч ким унинг билан очилиб-ёзилиб сўзлашолмасди. Ҳатто баъзилар «Опа билан ҳасратлашувга бир қоп юрак керак!» дейишарди. Суҳбат чоғида опа бирор масалада фикрини очиқ айтмас, суҳбатдошининг сўзини охиригача эшишишга тоқати етмасди. «Бўлди, тушунарли!—дерди у гапи-рувчини шартта тўхтатиб.—Ҳал бўлади...»

Опа бугун ўзини бошқача тутаётганди, чехраси очиқ, бўялган лабларидан табассум аримасди. Борлиғидан ёғилиб турган муруват ва дилкашлиқ уни бошқача, ҳа, бутунлай бошқача аёлга айлантирган эди. «Бугун кун қаёқдан чиқди?—ўйлади Шерали лабларини қимтиб.—Ишқилиб охири бахайр бўлсин!...»

—Хўш?—опа унга хайрат билан тикилди.—Тобингиз йўқлигини нега маълум қилмадингиз?

—Ишдан кетганман-ку! Қандай келай?

Шералининг сўзларидаги ўқинч оҳангига опанинг кўксига наштардай санчилди. У бир зум сукутга толди.

— Ўн икки кун муҳлат берувдим-ку!—деди у ниҳоят.

—Юзим бўлмади.

—Сизни қаранг-у! Ўзингиз билган колектив бўлса... Ҳай, майли, нима гап?! Қани, очиқроқ гапиринг, ука.

—Нимани гапирай. Маълум-ку!

— Шошманг, шошманг! — опа ўрнидан туриб келиб, Шералининг юзига диққат билан тикилди, пешанасини ушлаб кўрди. — Сиз чинакамга касалсиз-ку. Йиссигингиз жуда баланд. Одам шунчалик бепарво бўла-дими?

— Унчамас-е опа! — деди Шерали уялиб.

— Кўйинг-е! — деди опа ранжиб. — Бу ахволда ётаверсангиз нима бўлади? Қаранг-а,вой тавба... Уша ўн йиллик тухумлар сизни шу ахволга солдими-а? Бекор ичдингиз-да, бекор ичдингиз! Айтмовдимми, итдами, бошқасида-ми деб...

Шерали ҳайрон бўлиб елкасини қисди. Опа ачиниш билан бошини лиқиллатиб, қўн-гироқ тумачасини босди. Котиба кирди.

— Лаборатория мудирларини чақиринг.

Бир чойнак чой ичилгунчалик вақт ўтмай, директор кабинетида институтнинг кўзинга кўринган олимлари тўпланишди. Улар Шералига етти ёт бегонадай бепарво қараб қўйишар, баъзилар худди биринчи марта кўраётгандай совуққина сўрашарди. Фақат Вали ака у билан қўл бериб кўришди. Кейин, чўққа теккандай, кўлинни тезгина тортиб олиб, кўнироқ-қа бориб ўтиrdi.

Хонада пашша учса эшитиларди. Оғир жимликини бузишга ҳеч ким журъат этмади. Ҳамма «нима гап ўзи?» дегандай зидан опага боқади. Опа институтнинг иссиқ-совуғи, оғир-енгилига кўпдан бери бирдай чидаб келлаётган бу кишиларнинг сокин, ифодасиз ба-шараларига лоқайдгина тикиларкан, гапни нимадан бошлашни чамаларди. Шубҳасиз, булар тўпланиш боисини ўзларича нимага-дир йўяр, кўнгилларида кимларгадир кафан

бичиб, кимларнидир кўккларга кўтарар эди-лар...

— Вали Тиллаевич, — деди кутимаганди, — Шерали Тошпўлатовичнинг тажрибаси ҳа-қида нималарни биласиз?

У ўтирган жойида оёғи куйган төвукдек тинирчилиб қолди. Қарғаникдек олазарак кўзларини Шералига тикди. «Мениям адо-қилдинг, бола!»

— Зигирчаям нарса билмайман, Карима Му-заффаровна! — деди кейин. — Бу кишининг ўл-човлари ҳеч нимага тўғри келмай қолган.

— Бу қандай гап? — опа бирдан овозини кўтарди. — Лабораториянгизда бунаقا гап... Сиз ўзингизни тарозига солиб, панараб юриб-сиз!

— Опа, мен унга айтувдим... Унча тушун-маяпман. Керакмасиди шу ўзи.

— Ўтиринг! — Карима опа асабийлашди. — Ҳеч ким ҳеч нарса билмайди. Ҳамманинг кўзи-ни мой босган. Янгиликни кўриш деган гап ўйқ бизда...

Олимлар қовоқларини солишиди. Улар ка-рахт бўлиб қолгандай, миқ этишмас, оғиз очишга ботинишмасди. Опанинг гапларидаги оҳанг уларнинг тасаввурини чархпалак мисо-ли бошқа томонга айлантириб юборганди. Вали ака эса ҳайратини яширолмай, ўзича куйинар, ичиди «Тавба! Астоғфирилло!» деб қўярди.

Карима опа олимларда бўлган совуқ ўз-гариши кўриб, бағри нафратга тўлди. У, дунё ташвишларини биринчи марта хис эта-ётгандек, бир оз гангигб қолганидан ўзидан ҳам нафратланиб кетди. У бунаقا туйгуни ҳеч қаҷон туймаган эди. Орага тушган қисқа

жимлик хаёлини беихтиёр институт филиалинг торгина лабораториясига етаклаб кетди. Сокин ва диққинафас хона унга энди мудҳиш туюлди. Ўшанда Шерали қандай ахволда эди. Йиғлашини ҳам, кулишини ҳам билмасди. У мададга муҳтоҷ бўлса ҳам сир бермади, опа эса унинг ўзинигина эмас, истаклари ни ҳам босиб ўтмоқчи бўлди. Юракка малҳам бўлувчи икки оғиз юмшоқ сўзини аяб, эшикни тарс ёпиб чиқиб кетди. Шерали етим қўзи-чоқдай бўзлаб қолаверди.

Опа хушини йигиб олганди нигоҳи Шералига қадалганди, негадир, ўзидан-ўзи қизаринқиради, ўнгайсизланиб мажбуран жилмайди.

—Шерали уч кундан бери уйида дам олаетганди,—жимликни яна опанинг товуши бузди.—Тажриба учун ичилган тухумлар касаллик чақиғанини эшитиб, бугун орқасидан одам юбордим. Муҳим янгилик!

—Ха, муҳим янгилик!—деди опанинг ўнг тарафида ўтирган Саттор Муқимович.

Шерали тишини зирақ қилганини сезмай қолди, у директор ўринбосарининг тепакал бошига ижирғаниб қараб қўйди. Беихтиёр, ўша куни ўзини қандай тутгани кўз ўнгига гавдаланди, қулоқлари остида жуда эҳтиёткорлик билан айтилган сўзлари жаранглади: «Жонни қийнамаслик керак!»

— Институтимиз обрўси бу билсангизлар... Унга ёрдам беришимиз керак.

Карима опа кейинги жумлани баланд товушда лўнда қилиб гапирди-да, секин жойига чўқди. Бошқалар ҳали гапнинг тагига тўла етишмаганди. Уларнинг аёз ургандек нурсиз башараларидан «Нима бўляяпти ўзи? Буёғи

энди қанчага тушади?» деган маънени тушубниб олиш қийин эмасди.

Бўлиб ўтган гапларнинг мағзини Шерали ҳам чақолмай турарди. У қулоқларига ишонмай опанинг ҳароратсиз юзига тикилиб қолди. Бу ҳархи тошни ёрадиган ўша қаттиқўл опами? Нега ойим супургидек мулоимлашиб қолдийкин? Жонга тегадиган инжиқлеклари қайга кетди. Ёки бирор ишқал чиқарармикин?

Иўқ, унақага ўхшамайди, опанинг бугунги қарашлари бутунлай бошқача эди: йирик-йирик чиройли кўзлари ҳаётнинг ҳақиқий маъносини, рангин ташвишларини ифодалаб, беғубор, сокин куларди. Бу ҳолат Шералига чигал туюлди. Синов куни бўлган кўнгилсизликларни эслаганда, бирдан руҳи тушиб, қовоғи солинди. Ҳа ўшанда опа тўнини бутунлай тескари кийиб олганди. Аллақандай тутуриқсиз гапларни исботлашга уриниб, Шералининг бошини айлантирди. Опа қанчалик ўраб-чирмамасин, Шерали унинг асл муддаосидан хабардор эди. Бироқ у ҳам ўжарлик қилиб, ушлаган жойимдан кесаман, деб оёғини тираб туриб олди. Шундай кейин жаҳли доим бурнининг учидаги юрадиган Саттор Муқимович орқа-олдига қарамай, уни фирибгарга чиқарди. Энди ҳеч нарсани билмагандек, сурбетлик билан илжайиб ўтиришини қаранг! Дарров опанинг гапини қуватлаяпти. Муҳим янгилик эмиш! Кўзи илгари қаёқда эди?!

Шерали одамнинг жумбоқлиги ҳақида ўйлаб кетди. Устози Қамол Нурабоевнинг ҳикматини эслади. Устози баъзиларни булатга ўхшатарди. Булатда қўним бўлмаганидек, дерди у, бунақаларнинг на ўзида, на фикрида қўним бўлади. Улар мустақил иш қилолмай-

дилар, ҳатто қадамларини санаб ташлайдилар, оқибатда, бошқаларнинг соясига айланадилар. Энди ўйлаб қараса, устози беҳуда гапирмас экан.

Шерали ҳақиқатнинг тагига етгандай бир оз хотиржам бўлди, аммо синчков боқишиларида ҳайрат ҳам, гумон ҳам, довдираш туфайли пайдо бўладиган беором норозилик ҳам мужассамлашган эди, гўё тоқатсизлик билан сабр чегарасида гангиг турарди. Ҳайҳот, кўзга кўринмайдиган чегара уни қайларга олиб бориб, олиб келмади, иродасини ҳам, қарашларини ҳам сезидирмай, синовдан ўтказди. Афусски, на Карима опа, на лоқайд нигоҳларини унга миҳдай қадаган манови кишилар уч-тўрт кун ичиди у бошидан ўтказган фурсатлар даҳшатини билишади.

Шерали ҳамон опадан кўз узмай турарди. Унинг кўзлари кўнглига чироқ ёқсан эди, аммо кўп ўтмай хушёр тортди-ю, милтиллаб ёнган чироқ аста-секин ўчиб қолди.

У оғиз очиб опага ҳеч нарса дея олмади, тили танглайига ёпишгандай, айланмайди. Опа эса бирор ширин гапдан умидвор эди. Шералининг нафаси чиқмагач, ниманидир жиркангандай, бурнини жийирди.

Хонада шивир-шивир кучайди. Бир маҳал Вали ака ўрнидан туриб келиб, Шералининг хиёл чўккан елкасига қўлини ташлади. Унинг серажин, қотма юзида, ости халтачадай осилган қўнғир кўзларида ноаниқ бир ифода ёнарди. Бошқалар ҳам аридай ёпирилиб уни ўраб олишди, ширин сўзлар билан ҳамдардлик билдиришди, кўнглини кўтаришди. Шерали ҳеч кимнинг кўзига қарамас, тўғрироғи, қарашни истамасди.

Шерали намланган кўзларини яшириш учун секин қўзғалди. Опага ҳам, бошқаларга ҳам бирор оғиз сўз қотмай, эшикка йўналди. Вали ака, яна кимдир қўлтиғига кирди. Ўзини жуда ёмон ҳис қилди, кўнгли беҳузур бўлиб, томоғига аччиқ бир нарса игнадек қадалиб олди. Қани шу тобда борлигини ўртаётган дардга тасалли топса! Балки нафрат қалбини совутар? Йўқ, нафрат таскин бўлмайди, нафрат иложсизликда тутаётган аламни ўт олдиради, холос.

Булар унга нега чакамуғдек ёпишиб олишиди? У ҳеч нарсани тушунмас, маст одамдек гандирақларди.

Шералини лабораторияга олиб киришди Хонада Дилбардан бошқа киши йўқ эди. У Шералини кўпчилик қуршовида кўриб ажабланди, ўрнидан қўзғалиб, паришон бир ҳолда туриб қолди.

Шерали ўзига эргашиб келаётганларни унутиб, шошилмай, кулимсириб Дилбарга яқинлашди. Иккаласининг ҳам юраги нотинч тепарди, қарашларида нозик бир ўпкаланиш, ёшликтининг беғубор ниятлари яширинганди. Шерали қизнинг тийрак кўзларидан юрагидаги гапларни уқиб олмоқсидай, унга термилди. Дилбар билинар-билинмас қизариб, нигоҳини олиб қочди, узун кипприклари худди елпифичдай эгилди. Шерали нимадир демоқчи бўлди, аммо тортинди, ўзини зимдан кузататётганларга сир бой бергиси келмади.

Ярим соатлардан сўнг, олимлар маслаҳатлашиб, Шералидан қон, сўлак олишди, кейин уни рентгенга солишди, терапевт чақиртириб текширтиришди. Нимаики зарур бўлса, ҳам масини ўринлатишиди. Терапевт унинг юрагига

Қулоқ тутиб кўргач, «Анча қийналасиз! Аскаридоз сизда оғир кечади!» деди. У бу гапга парво қилмай, елкасини қисиб қўя қолди. Дилбар Шералининг кўзларида қатъият учқуни чақнаганини кўрди. Сирли учқун унинг кўзларига шиддатли куч бағишлади. Уни ҳар ким ҳам сезавермасди. Дилбар эса бу кучни у билан илк учрашган дақиқалардаёқ илғаган, унинг нигоҳидаги сеҳрга боғланиб қолганди.

Дилбар Шералининг атрофида гирдикапалак бўлишаётгани боисини ҳатто суриштирмади. Бунинг ҳожати ҳам йўқ эди. Онаси кабинетида бўлган гапларни чала-чулла эшигач, беихтиёр энсаси қотди. У одамлар бунақа тез пўст ташлай олишларини тушунмасди. Ҳатто Шерали ҳам кўз ўнгида ҳар хил қиёфага киради. Айниқса, институтдаги кейинги воқеаларни ўйласа, ўзини тутолмай бармоғини тишларди.

Синовнинг мashaққатли, серташвиш кунлари бошланган эди. Бош қашлашга Шералининг қўли тегмас, ҳар куни бир хилда тақорланадиган кузатувлар меъдасига уриб кетарди. Лекин ҳеч кимга ҳасрат қилмас, елкасидан худди тегирмон тошидек босган дардини ичга ютарди. Гоҳ Дилбаргагина юрагини ёрар, сўнгра анча вақт қушдай енгил бўлиб ютарди.

Улар бир-бирларига ҳамдард бўлиб қолган эдилар, ҳар қандай вазиятда бир-бирларини осон тушунардилар. Оғир кечадиган зерикарли дақиқалар, муштарак армонлар ва ниҳоят, синов баҳонасида бошланган узунданузоқ илмий тадқиқотлар уларни бир-бирларига кундан кунга яқинлаштиради.

Дилбар Шералига тақдирнинг кутилмаган тухфаси эди...

* * *

—Иигирма ети... Рост, сени менга ҳаётнинг ўзи топиб берди, Дилбар!

У сокин, айни чоқда теран қониқиши билан кулими сиради. Дилбарнинг лўппи ёноқлари, баҳмал кўзлари, қалин, жингалак соchlарини хаёлида жонлантираркан, кўнгли фахрга тўлиб, енгил тортди.

—Иигирма саккиз...

—Кун оғиб қолди, Шерали ака!—Дилбар ҳазиллашди.—Ўзимиз ҳалиги...

—Ҳа, Дилбар ҳамроҳликка ярамай қопман!

—Қўлтиғингизга кирайликми?

Қизлар кулиб юбориши.

—Қўйсаларинг-чи!

—Сизга яшаш оғир!—деди Дилбар дабурустдан.

—Нега?

—Сиз шахсиятпарастсиз.

—Тушунмадим!—деди Шерали ва яна ўйга толди.

Ажаб нега шахсиятпараст бўларкан? У ўз қобиғига ўралиб яшайдиган, фақат ўз қайғусини чекиб юрадиган; узатган оёғини ўйғомайдиган одамларни ўлгудек ёмон кўрарди. Нахот, у ҳам ўз қобиғига ўралиб олган бўлса?

Шерали қаттиқ ўқинди. Шу лаҳзада ҳамма нарсани унугтишни истарди. Афсуски, бу мумкин эмас...

—Нега ундей дедингиз, Дилбар?

—Ҳайронман. Кўзларингиз айтиб тургандай.

—Кўздан нимани билиб бўлади?

—Қўнгилдан нимаики кечса, ҳаммасини...

—Ҳе-е... Ўттиз...

Дилбарнинг ҳақлигини ичидаги тан олди. Қалбни кўз ошкор қиласди. Лекин кўзлар ҳар хил бўлади. Сўнк ва ҳароратсиз қарашлардан нимани ҳам уқиб оласан? Улар доим алдайди. Бунақалар ичидағини ҳеч маҳал сиртига чиқармайди. Шерали мана шу жумбоқни ечишга қийналарди. Аслида, ечишининг нима қизиги бор? Ахир, буларсиз ҳам ташвишлари бошидан ошиб ётибди-ку!

Ҳаётнинг ўзи саракни саракка, пучакни пучакка ажратиб ташлайди. Унинг ҳукмидан ҳеч ким, бирор пашша ҳам қочиб қутулолмайди.

Баъзилар оёғи билан эмас, оғзи билан юрган ўша қунларда кўп нарсанинг тагига етди. Чарчаб, ҳолдан тойиб, дунё кўзига қоронги кўринганда олисдаги бир умид кўнглини кўтариб тасалли берар, дардини енгиллаштиради.

Аслида, лабораториядан олинаётган натижалар кўпчиликнинг тепасочини тикка қиласди. Хулосаларни таҳлил қилган киши беихтиёр сесканар, Шералига сездирмай хўрсиниб қараб қўярди. Аммо Шерали ҳаммасини кўриб-билиб туарар, ўзига ачиниш билан қарангандардан нафратланарди. Гоҳи ёлғиз чоқларидагина ваҳимага тушиб, ўзи билан ўзи овора бўлиб қолар, дунёни унutarди. Текинхўр қуртлар хуружи эса кун сайн кучайиб, ошқозони бутунлай шилиниб кетгандек, қаттиқ оғрирди.

Шундоқ ҳам қўнимсиз, тартибсиз бўлган ҳаёти тамоман издан чиқаёзди. Аммо бунга заррача парво қилмасди. Чамаси ҳаловат нималигини унтиб қўйганига ўхшарди. У яшайдиган уй Регистон майдонининг кунчи-

қар тарафида бўлиб, ости ойнаванд магазин, эрталабдан кечгача арининг уясидай гувилларди. Одамлар ола-ғовурига машиналарнинг узлуксиз гувиллаши қўшилиб кетар, Регистон устида уззукун қулоқни қоматга келтирувчи шовқин тинмасди.

Шерали бугун жуда кеч турди. Эринибгина керишиб, деразага яқинлашди. Оқ пардани секин тортиб, чўғ босилгандай ачишаётган қорники силади. Бир неча кундан бери ивирсиб ётган хонасига кўз югуртирас экан, «Ит ётиш, мирза туришдан қачон қутиларканман?» деган маънода қаҳр билан гижинди. Кўзига ҳамма нарса бемаъни ва ортиқча бўлиб кўринди. Хона совуқ эди, гижимланган парда, стол устида сочилиб ётган китоблар, ювилмаган, чанг босган пол ғашини келтирди. Ошхонага ўтиб таъби баттар хира бўлди. Қозонтовоқлар ҳам ювилмаган, чойнак шамаси мөгорлаб қолганди.

Қўлларини белига тираб, ошхона ўртасида бирпас таёқдай қотиб тургач, айвонга чиқди. Тоза ҳаводан ҳузур қилиб чуқур нафас олди, бироқ томогига алланарса тиқилганга ўхшарди. Қўлларини олдинга чўзиб, шашт билан ўтириб-турди. Кўнгли беҳузур бўлиб кетди, кўзи тиниб, айвон панжарасига авайлаб суюнди. «Тоза мазамни қочиради шекилли, булаънати қуртлар!»

Ун минутлардан сўнг сал ўзига келди. Қорни ҳамон ачишиб оғрир, вужуди беҳол эди. Заҳиллашган юзини кўрган киши дард енгигиб қўйибди, деб ўйларди. Кўзлари ичига тортган, кенг пешонасини икки қатор чуқур ажин кесиб ўтганди, ингичка бўйнининг томирлари бармоқдай бўртиб турарди. У оч бў-

ридай ютоққанини ювениб бўлгандан кейин билди. Ичини нимадир гўё ёввойи мушук каби таталарди. Холодильник эшигини очиб, колбаса олди, тўғрашга тоқати етмай, кесилган томонини «гарч» тишлади, қолганини шошилмай кесиб майдалади. Пок-покиза туширди, тўймади. Истар-истамас кийиниб, тор ва ним-қоронги йўлакдан шошилмай тушди. Ҳовли жимжит, асфальт йўлак четидаги чинорларнинг шапалоқ-шапалоқ барглари шитирлаб тўкиларди. Галстук таққан уч-тўрт бола югуриб, қийқиришиб, Шералининг ёнидан ўтиб кетишиди. Шерали болалар ортидан тикиларкан, беғубор болалиги шу шумтакалардек тез ўтиб кетганлиги, уни ҳатто пайқамай қолганлигини ўкинч билан хотирлади. Энди у кунларга қайтиб бўлмайди, аксинча, узоқлашаверади. Туғилиш, гўдаклигу улғайишдан тортиб турмуш икир-чикирлари ва чексиз орзуларгача бўлган масофа—кексалик учун бо силган зиналардир...

Қўёш истиқболига саноқсиз тангачалар сочиб ташлади. Улар адоги қўринмайдиган мовий пардага қадалган зарли ҳошияларга ўхшарди. Қўли билан қўёшни тўди, тангачалар ҳам, парда ҳам қўли ортида қолди.

Йўлак Шералини катта кўча тротуарига олиб чиқди. Светафор лип этиб яшил ёнди. У йўлнинг иккинчи бетига шошиб ўтди ва Шердор мадрасасининг орқасидаги серқатнов бекатда троллейбус кута бошлади.

Ишга шошайтган одамлар бесаранжомлик билан турли томонга юришади. Кимдир бекат четидаги киоскага суюниб газета ўқиуди, кимдир шеригининг пинжига суқилиб, валақлаб гап сотади. Узум тўла челяк кўтарган семиз

бири аёл Шералининг ёнгинасида пишиллаб зўрға нафас олади, баъзан тер босган қора юзини рўмоли учи билан артиб қўяди. Орқа томонда қиз боланинг қўнғироқдай кулгиси янгради, сал нарироқда эса гўдак йифиси эшитилди. «Жим! Жим!—деди хушбичим аёл боясини авайлаб силкитиб.

Троллейбус тормозининг беҳад ингичка чи йиллаши миясига нақ тифдай урилди. Боши лўқиллаб кетди. «Асабим туршакдай қақшаб қопти», қўнглидан ўтказди.

Шерали орқа салонга чиқди. Салон хозиргина нон узилган тандирдай дим эди. Йиностут бекатига етгунча нафаси оғзига тиқилиб, қора терга тушиб кетди. Қамқатнов, сердараҳт кўча четига жойлашган институтнинг яшил рангга бўялган катта темир дарвозасиланг очиқ, ҳовлига, ўртадаги энсиз бетон йўлакка ҳафсала билан сув сепилганди. Қенг ва салқин ҳовлининг сокинлиги кечга яқин толиқиб қоладиган юракларга озми-кўпми ўзгача бир кайфият берар, бироқ бунга ҳар ким ҳам эътибор қиласвермасди. Доим шошиб, хаёлчан юрадиган тадқиқотчilar нигоҳи камдан-кам тушадиган тўрдаги хилват хиёбон жимжит ва оромбахш эди.

Троллейбусдаги тиқилинчдан таъби хира тортган Шерали саранжом-саришта ҳовлига қадам қўйиши билан роҳатланди. Атрофга шошилинч кўз югуртириб, ўнг томонга қараб жадал юриб кетди. Томи ва деразасига шафтотининг эгри-буғри қуриган шохлари эгилган бино эшигини тортиниброқ очди.

Хонада лаборатория мудири Вали акадан бўйлак одам қўринмасди. У кўзойнагини қирра бурни учига омонат қўндириб қадрдон столи-

да одатдагидай қўнишиб ўтиради. У ўсиқ қошларини чимириб, кўзойнаги устидан Шералига қаради.

—Ҳимм... Қани?

У ҳолатини ўзгартирмай, кўзойнаги устидан Шералига ҳамон тикилиб туради. Шерали оstonада бир тўхтаб, сўнг салом бериб, этакдаги кичик стол ёнига ўтди.

—Аҳвол қалай?

—Бир нави.

Шерали Вали аканинг бесёнақай гавдасига, мойлангандай йилтиллаётган бақбақали юзига кўз югуртириди. Мудир кўкрак чўнтагидан қопқоғи темир авторучкасини шошилмай олди ва стол четидаги тахлоқлик варақлардан бирини олдига тортиб, ёзишга кириди.

—Бир нави денг?—Вали ака анчадан кейин қоғоздан бош кўтарди.—Гап шундай бўлмас... Анализларни топшириб, кейин дам олинг.

Шерали жавоб қилмади. Вали ака яна ёза бошлади. У ёзув-чизув ишларини яхши кўрарди. Ҳозиржавоб, расмиятчиликка ўч одам бўлиб, топшириқларни қойилмақом қилиб бажарди. Шунинг учун ҳам доим омади келар, иши сира орқага кетмасди. У босиқ, вазмин одам эди, шошқалоқликни ёмон кўрар, ҳатто уйига ўт кетса, пинагини бузмайдиганлар хилидан эди. Яхши от кейин чопади, деган гапни тез-тез такрорлар, кўпинча ўзи ҳам шу қабилда иш тутарди. Каналар тарқатувчи сперехестоз касаллиги устидаги узоқ ишлади, курсдошлидан беш-олти йил кейин фан номзоди бўлди. Номзодликдан сўнг Вали ака ўзини баланд чўққида кўрди. Бироқ, қисқа вақт ичida бу чўққи ҳафсаласини бамисоли муздай

совутди-қуйди. Чўққидан пастга тушиб, мусиҷадек беозор ва тинч яшай бошлади.

Вали ака одамлар кўнглини қабартиришини юваб бўлмайдиган гуноҳ деб биларди. Шу сабабли институтда бирорта ҳам ёмон кўрадиган кишиси бўлмай, ҳамма дўсти, маслакдоши эди. Бирор масалада баҳслариши эса сира ёқтирилас, ҳатто шаккоклик деб атарди. Институтда бўладиган баҳсларда жиддийроқ қатнашгани, борортани мулзам қилгани ёки ўзи бош эгиб қолганини ҳеч ким эслолмайди.

Шерали бу юмшоқ супургининг акси эди. Шу боис кўпинча гаплари бир жойдан чиқмасди, бири боғдан келса, иккинчиси тоғдан келарди. Вали ака гоҳида томоқ қириб Шералини жеркир, насиҳатлар қилас, унинг кўнглидаги «дағаллик булути»ни тарқатмоқчи бўларди.

—Малол бўлмаса,—деди Вали ака хаёлга чўмган Шералига назар ташлаб,—тажрибангизнинг илмий жиҳатларини қоғозга тушириб берсангиз. Үн ойлик ҳисоботга тиркаб қўйсам.

—Майли. Лекин бу ҳақда илмий кенгашларда кўп гапирилган. Кейин... Брошиора тайёрлайпман. Ўша...

—Зарари йўқ, зарари йўқ! Қўшимча бир ҳужжат папкада турса, оғирлик қилмайди. Броширангиз ўз йўлига.

Вали ака қўзғалди ва стол устидаги қоғозларни тартибига солиш учун узоқ ивирисиди. Кейин қаппайган қора чарм папкасини қўлтиқлаб чиқиб кетди.

Шерали нима қилишини билмай, узоқ қоғоз титкилади, тўғрироғи, ишлашга ҳафсаласи йўқ эди. Дераза олдида қўлларини орқасига

қилиб, ташқарига қўз ташлади. Дараҳт шоҳлари орасида чап қанотдаги кичик-кичик оқ бинолар—институт лабораториялари кўринарди. Уларнинг ташқи ва ички томонлари оҳакланган, деразаларига оҳори тўкилмаган оппоқ пардалар тутилган, стуллар филофи, столларга ёпилган чойшабгача оппоқ эди, илмий ходимлар, лаборантлар, хизматчилар ҳам оппоқ кийинишарди. Покизалик белгиси бўлган оқ ранг институтнинг кундалик ҳаётига шунчалик сингиб кетгандики, бу ерда бошқача рангни ҳеч ким хаёлига келтирмасди.

Товуқ катагидай тор лабораториядан дори ва спирт ҳиди анқирди. Тўрдаги кўп қаватли тахта токчада катта-кичик шиша колбалар, найчалар, резина ичак ва қўлқоплар, сўнгги қаватда тўртта микроскоп, бир нечта лупа бўлиб, оқ пардали дераза ёнидаги оддий жавонда паразитология ва гельминтологияга доир китоблар, деворда одам ичидаги яшаб, ҳар хил касалликка чалинтирувчи текинхўр қуртларларнинг катталаштирилган суратлари турарди.

Чет киши бу хона паразитология лабораторияси эканлигига сира ишонмасди. Аслида институт олимларининг кўпчилиги шу кўримсиз даргоҳдан катта йўлга чиқиб олган эдинлар.

Лабораторияни жиҳозлаш олимларни қизиқтирилди. Улар бу ерга фақат тўқай, бот-қоқликлар, хилват жарликлару чуқурликлар, сернам зоналар, тоғлиқ жойларда тўплаган далилларини хулосалаш, баъзи чалкашликлар устида бир-бирлари билан фикрлашиш мақсадидагина йигилардилар. Паразитология фанининг беором заҳматкаши Леонид Михайлович Исаев ҳам бир вақтлар серёғин ёки

жазирама кунларда аччиқчакдай чўзилиб кетадиган илмий сафарлардан кейин мана шундай тор, зерикарли хонада ҳафталақ қамалиб оларди.

Шерали хона ўртасига қараб одимларкан, кескин тўхтади. Ўнинг эътиборини аскариодоз касаллигини чақирувчи аскарида тухуми ҳамда ундан ўсиб чиқувчи қурт тасвиrlанган плакат тортди. «Қанчалик жирканч!»—Беихтиёр сесканди, баданига қиздирилган темир босилгандай, афти буришди, кўнгли айниб, томогига аччиқ нарса урилди.

Деразадан ҳовлига сигнал бериб кириб келган оқ «Жигули»га кўзи тушиб, ташқарига отилиб чиқди. «Дилбар!—ўйлади у.—Бу аҳволда унга қандай кўринаман?»—Ўч-тўрт қадам юриб, ўзини шафтоли панасига олди. Бир зум каловланиб, охири ҳовли тўрига қараб юрди.

Хазон тўкилган энсизгина тахта курсига ўтириб, лўқиллаб оғриётган бошини иссиқ кафталари орасига олиб сиқди. У беҳад очиққанди, мадори қуриб борарди.

Енгилгина оёқ шарпаси эшитилди. Ёки хаёлида шундай туюлдими? Назариди, гўё жуда-жуда олислардан кимdir ёнига яқинлашарди. Йўқ, бу тасаввурлар эди...

Кутилмаганда бошини кўтарди ва зўриқиб ёшланган, қонталаш кўзларини аранг очди. Очди-ю, тепасида тошдай қотиб турган Дилбарни кўрди.

—Шерали ака?—Қизнинг чеҳрасида меҳр шуълаланди.—Бу ерда нима қилиб ўтирибсиз?

Шерали зўраки жилмайиб, елкасини учирди. У шамол эгган ниҳолдек буқчайиб қолган эди, бир оз қаддини ростлаб, Дилбарнинг ол-

поқ юзига разм солди. Қизнинг охуникига ўхшаш кўзлари безовта парларди, кўп ўтмай бу безовталик ўрнини сокин бир қатъият эгалади.

—Туринг!—деди Дилбар секингина ва Шералининг қўлтигидан олди.

Улар лабораторияга киришди. Шерали дарҳол стулга чўкди. Юзи бўзек оқариб кетган эди. Юраги фижимлаб оғриб турарди.

—Тезроқ кетмасам... —Шерали қақраган лабини тишлади.—Мендан қон олинг.

Дилбар паришион ҳолда бирпас нима қилишини билмай турди, кейин токчадан оғзи катта узун шиша — колба олди. Колбанинг ицида уч-тўртта ингичка шиша найча бор эди. Дилбар Шералининг томирини ушлаб кўрди, ингичка панжалари сезилар-сезилмас қалтираётганини пайқади. Чимчилоғига спирт суртди, кўзларини чирт юмиб, игна санчди.

Хонани спирт ҳиди тутиб кетганди. Шу пайт эшик шаҳд билан очилиб, семиз портфель кўтарган Зиёхон кириб келди. Унинг думалоқ юзи қип-қизил, беканбарди ва жингалак сочи пешонаси билан қулоқларини ёпиб турарди. Киприклари қалта, қисиқ кўзлари жонсараклик билан жовдирарди, тарвуз пўчогидай кўкимтири туслаги қалин лабларидан доимо совуқ табассум аримасди.

Зиёхон йўғон гавдасини салгина эгиб, қўлини кўксига қўйиб, баланд овозда салом берди. Шерали ўтирган жойида бир тўлғаниб, уни зимдан кузатди, саломини жавобсиз қолдирди. Дилбар истамайгина алик олди, бошини кўтартмай ишини давом эттиради.

Хонага оғир жимлик чўкди. Зиёхон бир дақиқа ноқулай аҳволга тушиб қолди, нима-

Дилбар чўчиниқирагандай теварагига оланглади. Кейин портфелини бир чеккага қўйиб, Шералига яқинлашиди.

—Қалайсиз, ошна?

—Тузук!—Шерали минғиллади. —Ўзингизчи. Зиёхон?

—Ҳа-а, бизам...

Суҳбат узилди. Дилбар қон сўрдирилган охиригни найчани колбага солиб, Шералининг чимчилоғига спиртли пахта босди.

—Мунча қовоғингиздан қор ёғмаса?

—Феълим шунақа!

—Ҳо-о!—Зиёхон мийифида кулди.—Илгари бунақамасдингизку?

—Ҳа, одам ўзгараркан.

—Тўғри, ҳозир сизга қийин.

—Раҳмингиз келаяпти, чоғи? Раҳмдилликни жиним ёқтирамайди. Айниқса сизнинг...

Шерали сапчиб ўринидан турди, Зиёхон тумшугига қамчи тушган отдек, орқага тисарилди, бўшашиб стулга ўтириб қолди. Калин лабларигача оқариб кетди. «Бечора, ўзини -ўзи еб қўйибди-ку!»—хаёлидан ўтказди у.

—Сиркангиз сув кўтармай қопти, ошна!—Зиёхон оёқларини чалиштириди.—Тезроқ доридармон қилинг.

Раҳмдилликни ёқтирамайман, дедим-ку!

—Дўст дўстга ачинади-да!

—Шунақами? Унда нега...

Шерали гапини охиригача етказмаган бўлса-да, нима демоқчи бўлганлигини Зиёхон англади. Тили калимага келмай қолди. Оламдан бўзариб, фифони фалакка кўтарилиди. Аммо сир бой бермади, Шералидан кўзларини олиб қочди.

—Мен сизга ўхшаб шуҳрат кетидан қувмадим, ошна!—деди анчадан кейин.

—Майли, мен қувган бўлай,—деди Шерали ғижиниб,—сиз қувмадингиз. Лекин хиёнат қилдингиз!

—Кимга?—Зиёхон илжайди.—Сизгами?

—Фанга, одамларга!..

—Оҳ-ҳо-о! Сиз тушиб кетган жарга...

—Бас!—Шерали бақириб юборганини сезмай қолди.—Сизни тушуниш қийин!

—Қўйинглар! Қизишманглар!—Дилбар гапга аралашиди.—Одамлар эшишиб қолса нима дейишади?!

Шерали «Сиз аралашманг!» дегандай, Дилбарга қаради. Панжалари билан сийрак сочини тараб, Зиёхонга ўгирилди. Зиёхон карахт одамдай стулга қапишиб қолган, қисиқ кўзларини юмиб олганга ўхшарди.

—Сизни тушуниш осонми?—деди у ҳолатини ўзгартирмай.

Шерали нима қилишни билмай, лабини қаттиқ тишлиди, томоғига бир нарса тиқилгандай «қилт» этиб ютинди. Жовдираётган кўзларидан бирор маъно уқиб олиш қийин эди.

—Мунча жизғанак бўлмасангиз,—деди бирпастдан кейин Зиёхон овозини мулойимлаштириб.—Бу аҳволда лой босиб юраверасиз. Одамлар ўтирган жойида кандидат бўляяпти. Менам сиздан олдинроқ кандидат бўламан!

Шерали кулиб юборди. Сўнгра мунозараға жимгина қулоқ солиб турган Дилбарга томон бурилди.

—Эшийтдингизми, Дилбар?—деди у ва сукутга толди, қўлларини жуфтлаб хона айлана бошлиди. Бир пайт Зиёхоннинг қаршисида тўхтади ва:—Мен бир умр кандидат бўлмасман!—деди.—Бунга қизиқаётганим ҳам йўқ!

—Жа, ўзиям!

Зиёхон лабини бурди. Шерали унга еб қўйгудек тикилди-да, эшик сари қадам ташлади. Дилбар бир оз тарафдудланиб, Шералининг ортидан эргашди.

* * *

Ховлидаги дарахтлар бир меъерда шовилларди. Эшик олдидаги шафтоли шафақдай қизарган япроқларни тепасидан тўка бошлиган, яланғоч новдаларида мезон оқариб қўринарди. Боғ ичкарисида майналар чуғурлашади, қанотларини бир-бирларига уриб ўйнашади. Тунука том устидан бир гала чумчук ўқдек учиб ўтди.

Шерали остонада ўёқдан-буёққа тентираб юрарди. Юзи ифодасиз, хозиргина бўлган сұхбатдан нафратланаётганини ҳам, ғазабланаётганини ҳам билиб бўлмасди. У Дилбар келганини сезмади.

—Обириб қўяйми?—деди Дилбар унинг қўлидан ушлаб.

—Йўқ!—деди Шерали кескин.—Рентгендан ўтишим керак.

—Кейин-чи?

—Кейин майли.

Шерали рентген кабинетида ўн минутча тутилди. Оқ ҳалат ва қалпоқ кийган истараси иссиққина рентгенолог қиз Шералининг кўкрак қафасини диққат билан кузатди. «Касаллик тарихи» дафтарига хulosаларини ёзар экан, шошилмай кийинаётган Шералига қараб хўрсинди.

Шерали қайтиб келгандага Дилбар радиони баландлатиб, машинанинг очиқ эшигидан оёқларини солинтириб ўтиради. Шерали яқинлашгач, радиони пасайтириди.

—Нима дейишиди?

—Чатоқ,—Шерали орқа ўриндиққа ўтириди.—Ўпкадаги доғлар кўпайганмиш. Ўзимам шундай фикрдайдим. Йўталдан безор бўлдим.

Машина енгил силтаниб қўзгалди, ҳовлидан чиқиб, катта йўлга тушгач, елиб кетди. Ойнаси тушириб қўйилган деразадан муздай шамол ёпирилиб кириб, Шералининг сийрак қўнир соchlарини тўзитарди. У бошини ўриндиққа ташлаб, кўзларини гоҳ юмар, гоҳ очарди. Ўйлар, симёочлар, япроқлари тўкилиб, чўлтоқ супургига ўхшаб қолган дараҳтлар назарида чархпалакдай айланар, қўзини юмгандада эса асли ҳолига қайтар эди. Кейин бирдан тасаввuri ўзгарар, миясида нотайин раngлар, сўниқ нурлар, аллақандай беўхшов чизиқлару шарсимон қабариқ шакллар пайдо бўларди. Ана шу тартибсиз нарсалар ичидаги ўзининг беҳол, қутсиз башарасини кўради.

У чўчиб бошини кўтарди. «Жигули» қора тасмадек силлиқ асфальтда физиллаб учиб борарди.

Дилбар кичиккина тўрт бурчак ойначага қараб. Шералининг заъфарон юзини кўрди. У кўзларини юмиб олган, қора қошлиари ўртасидаги тутун чуқурлашгандай туюларди.

—Ухляйсизми?—Дилбар ҳазиллашди. Шерали кўзини очиб, гавдасини кўтарди:—Қаҷонгача шунаقا қиб юрасиз?

—Оз қолди,—шивирлади Шерали,—оз қолди.

—Шифохонага ётинг.

—Хали чаласи бор-да!

Оғизларига талқон солингандек, узоқ сукут сақлашди. Шерали яна ўриндиққа суняниб, кўзларини юмди. Шаҳар ўртасига, бозор қар-

шисидаги гавжум чорраҳага келганларида сметофорнинг қизил чироги ёнди. Дилбар шошиб тормозни босди, ўқдай учиб келаётган машина қулоқни қоматга келтириб чийиллаганча пиёдалар ўтадиган йўлакда тўхтади.

—Бугун эрталаб ойим сизни сўровдилар.

—Нимага?

—Билмадим. Бир учрашаркансиз.

Шерали жимгина машиналарни, одамлар оқимини кузатди. «Оқим бир лаҳза тинмайди,—ўйлади у.—Эртага ҳам... Йндик ҳам... Лекин мен... Мен нима бўламан?»

У ўзини қаршисидаги катта ҳаёт оғушида кўрди. Бу ҳаёт кўзни қамаштирадиган даражада ёруғ, айни пайтда туманли ҳам эди. Нега буни илгари сезмаган экан? Мана энди кўп нарсаларнинг мағзини чақаяпти. Мабодо гўззаликни кеч таниган бўлса гуноҳи нима? Ахир ҳаёт уни эркалатиб юборган эмас, гоҳ ўтга, гоҳ сувга солган... Икки ёшида ота-онасидан ажралди. Етимлар уйининг ҳам ғамгин, ҳам бегубор ҳаёти нималарга ўргатмади. Ўзи ҳам билмаган ҳолда эгри кўчаларга кўп марталаб бош суқди, аччиқ-чучукни татиб, кўзлари мoshдай очилди.

Тақдир гирдоби қирғоқдан қирғоққа урди, пешонаси қашқа бўла-бўла, ниҳоят, осойишта туюладиган, аслида беҳаловат кунлардан иборат бўлган ҳаёт йўлига чиқди. Кейин бирдан китоб уни оғушига олди.

Зерикарли узун тунларда китобга мукка тушар, кўзлари қизариб, қум тўлгандек ачиша бошлагандаги ҳам ундан ажрала олмасди. Кўлига тушган ҳар қандай китобни ҳаш-паш дегунча «ямлаб» ташлар, шаҳардаги барча кутубхоначига отнинг қашқасидай танилиб қол-

ганди. Шерали қанча кўп ўқимасин, ўзига ишонмас, ўқишга киришга унча умид боғла-маганди. Аммо кутилмагандан толе унга қулиб боқди. Имтиҳонлардан яхши баҳолар билан ўтиб, медицина институтига кириб олди. Бу-ёғига иши юришиб кетди. Ёмон ўқимади, дом-лаларининг назарига тушди. Етти йил дўппи-ни бир айлантириб қўйгунча ўтди-кетди. Ше-рали юрагига анча яқин бўлиб қолган устози Вали аканинг маслаҳати билан Ленинградга—аспирантурага жўнади.

Вали ака Нурбоев билан бир кўрпада теп-килашиб ўсган, ёшлиқда ўрталарида боғлан-ган дўстлик иплари узилмаган эди. У Ленин-градга борганда албатта уникига тушарди. Домла Шералини ҳам туғишган укасидай ку-тиб олди, ўзбекча таомил билан меҳмон қили-ди. Ленинграднинг паст-баланди билан та-ништириди, йўл-йўриқ кўрсатди, маслаҳатини аямади, хуллас, аспирантура конкурсидан ўт-гунча қанотидан айрмади. Кейин ундаги истеъодни кўргач, илмий ишига раҳбарлик қилишни бўйнига олди.

Домла асли Самарқанднинг Кўкмачит ма-ҳалласидан эди. Ун етти ёшида кўнгилли бў-либ фронтга кетди. Урушнинг оғир йилларида Ленинградда хизмат қилиб, қаттиқ яраланди. Уни шаҳар четидаги хилват ўрмонда жойлаш-ган госпиталга чалажон ҳолда келтиришди. Валя исмли қиз қонсираб қолган Қамолга қон берди. Шу баҳона улар топишиб қолишиди.

Самарқандда унинг қариндош-уруғи деяр-ли йўқ эди, ота-онасидан ёшлигига дәқ ажра-ган... Уруш тугагач, Қамол Ленинградда қо-либ кетди. Валя билан турмуш қурди, бир-биридан дўмбоқ уч фарзанд кўришиди...

Баъзан Нурбоевнинг тўнгичи Сафар (онаси уни Саша дерди) Шералини меҳмондорчилик-ка айтиб кетарди. У келганда домла сабрези-лик билан эшикка термилиб ўтирган бўларди. Уни кўрган заҳоти сийрак ажин босган, Ле-нинград ҳавоси оқартирган ясси юзига табас-сум ёйиларди.

—Қани, Шурик!—дерди у кўзларни чақна-тиб.—Ўзинг бир ўзбекча палов дамла! Жу-даям соғиниб кетдим-да!

Валентина Ивановна ҳам, болалар ҳам ошни яхши кўришарди. Бутун оила қизиқиш билан Шералига қарашарди. Валентина Ива-новна эса ҳар гал Шералига «Менга ҳам па-лов пиширишни ўргат!» деб ялинар, лекин Шерали қанча тушунтирмасин, бари бир, эп-лаштиромасди. Димоқни қитиқлайдиган хуш-бўй палов тайёр бўлгач, улар дастурхон атрофида тўпланишарди. Шералини албатта тўрга ўтқазишарди. Домла буфетдан арақ ёки конъяк олиб очарди-да, Шералига кўз қисарди.

—Валенка, бизни уришмайсан. Ҳозир биз Самарқандни эслашиб ичамиз.

Хотинининг сариқдан келган думалоқ юзи-ни маъюслик қопларди. Болалар худди жў-жалардай кўзларни жавдиратишиб, отасидан кўз узишмас, беғубор бир ҳаяжон билан сукут сақлашарди.

—Валя! Сен Самарқандни билмайсан-да!—У қадаҳларни тўлдиарди.—Кўп аломат ша-ҳар! Бунақаси ер юзидан топилмайди. Агар қанотим бўлганда учиб кетардим.

—Учиб бора қолинг, ўша аломат шаҳрин-гизга!—Валентина Ивановна қиз боладай юп-қа лабларини чўччайтиарди.—Ёшлидаги

бирортаси эсингизга тушдими, нима бало?!

Уям энди қарип қолгандир...

— Қани олдик! — Домла хотинининг гапларини эшитмаганга соларди.—Самарқанд учун!

Шерали Ленинграддай шаҳарда жуда катта обрўга эга бўлган, бекаму кўст, осойиншта яшаётган бу одамнинг юрагида ҳам армон борлигига ишонгиси келмасди. Домла қиттай отиб олгандан сўнг, ёшлигига ёдлаган ўзбекча бир мунгли қўшиқни паст товушда хиргойн қила бошларди. Хотини билан болалари эса сездирмай қўшни хонага ўтиб кетишарди.

— Мен борсам иш топилармикин Самарқандда?—деди у бир кун ёлғиз қолишганда.—Жуда зўр бўларди-да.

— Сизга топилмаса кимга топилади?— Шерали унга зимдан қаради. Домланинг сокин қорачиқларида ўтли бир дард ифодасини кўрди.

— Жуда кетгим кеп кетади-да, баъзан... Ёш ўтган сайин билинаяпти. Киндик қоним томган-а, Самарқандда!

У Самарқандни катта эътиқод билан севар, бир кунмас бир кун она шаҳрига қанот қоқиб учиб кетишини хотинидан ҳам, болаларидан ҳам яширмасди. Домла Шералини кўрганда доим ундан Самарқанднинг исини олгандай бўлар, унинг ёлқинли кўзларида ўзининг ёшлигини кўрарди. Улар ўзлари сезмаган ҳолда бир-бирлари билан улфат сирдош бўлиб қолган эдилар. Шерали аспирантурани битириб Самарқандга қайтганда домла узоқ вақт қимматбаҳо нарсасини йўқотган одамга ўхшаб паришен юрди. Шерали ҳам меҳрибон ота бағридан узилиб чиқсан фарзанддай соғинчдан дили ўртанарди. Бир-бирларига тез-тез

хат ёзишарди, аммо хатлар иккаласини ҳам овунтирмасди.

Домла Шералининг ишлари илгари сийжимаётганига хафа бўларди. Ўзининг узоқдаглиги, вақтида ёрдамлаша олмаётгани ҳам унинг омадсизлигига сабаб бўлаётганини ўйлаб, вижданан қийналарди. Ниҳоят, Шералининг сўнгги хатини олгач, қалби ларзага тушди. У шогирди қалтис ийлни танлаганини хат мазмуниданоқ англаган эди.

Камол Нурбоев Қарима Музafferовна билан баравар Шералига ҳам хат жўнатганди. уни Шерали икки ўт ўртасида тўлғанаётган бир пайтда олди. Устози одатдагидай кўнглидаги гапларни содда, лўнда ифодалаган эди.

— Шерали!

Шунақа одамлар бўладини, фақат катта ташвишлар учун туғијлган бўлади. Сен ҳам ўзингни тоғдай бир ишга чоғлабсан. Аммо сени кўкларга кўтариб мақтамоқчи эмасман. Шундоқ ҳам мендан мақтовни кўп эшитгансан!

Хозир негадир сен хақингда ўйлаб ўтирибман. Сен ҳали ҳам ўша-ўшамисан ёки ўзгариб кетдингми? Сезиб турибман, энди бошқача одамсан!

Мен фақат бир нарсага—сен диссертация деган нарсага ўта совуққонлик билан қарашингга ҳайратланардим. Бугун сен шу пайтгача руҳий бир тайёргарликни ўтаганингни пайқаб турибман. Майли, ҳаётда шунақаси ҳам бўлади. Қулай фурсатни кутишга тўғри келади. Вақтинчалик муваффақиятдан вақтинчалик муваффақиятсизлик авлодир!

Энг муҳими, бошлаган ишга—шионч! Агар

шу ишонч мустаҳкам бўлса, ютқизмайсан...»

«Ишонч!»—Шерали хаёлан шу сўзни тақрорлади ва устозининг зийраклиқ, донолик балқиб турадиган кўзларини эслади...

—Келдик, Шерали ака!

Дилбарнинг ингичка овози хаёлини бўлди. Машина Регистон майдонининг чеккароғида тўхтади. Шерали гавдасини силкиб, ўнгланди ва кўзларини ишқалади.

—Раҳмат сизга?

Дилбар руль чамбарагидан кўлларини олмай ўгирилди. Шерали унинг кўзларига бирлаҳза термилиб қолди, кейин шошилмай машинадан тушди. Йўл четидаги ариқчадан ҳатлаб ўтиб, орқасига қараганда «Жигули» аллақачон жойидан жилган, сон-саноқсиз машиналар оқимига қўшилиб кетганди.

* * *

—Хе-е, қизлари тушмагур! Ўттиз икки... Мунча шошмаса булар!

Дилбар олди супачали, пештоқининг гуллари сал-пал кўчган кичикроқ мақбарамининг деворига суюниб турарди. Обидаларга қадалган кўзлари чўғдек ёнарди. Бўёклар, чамаси, унинг ҳам дилини банд этган, боқишлирида ногаҳоний ўйчанлик акс этганди.

—Хозир етиб оламан, Дилбар! Ўттиз уч... Хозир!

—Сиз қайта қолинг бўлмаса, Шерали ака! —деди. Дилбар.—Пастда кутиб турарсиз.

—Нега энди? Тавба!

У Дилбарга гина оҳангига қаради. Кўнглида тотли, аммо ўтдек куйдирувчи ўқинч ўйғонди. Ахир, манзилга етай-етай дегаида ортига қайтса, нима деган одам бўлади?

Шерали юрагига азоб берәётган ўқинчни ҳам, оғриқни ҳам унутишга тиришиб, олдинга талпинди,

—Ўттиз тўрт...

Ҳа, оёқларидан мадор, кўзларидан нур кетиб, йиқилса йиқилиб қоладики, бир қадам ҳам чекинмайди. Манави шаддот қизлар жиғига тегса тегаверсин! Неча пуллик иши бор? Йўқ, Дилбар уни яхши тушунади. Неча кундан бери ёнидан жилмай, дардига шериклик қиласиди. Оҳ урса оҳ тортади, кулса кулади...

Дилбар бир вақтлар орзу қилган дунёсини топиб олгандай, Шералининг ёнида ўзини эркин ҳис этарди. Шералининг ташвишлари беихтиёр унинг ҳам ташвишларига айланганди. Иккалови кунбўйи институтда бўлишарди. Ҳар замонда Карима опа лабораторияга бош сукуб уларнинг аҳволидан хабар олиб кетарди. Опа келганда Шерали ўзини нокулай сизар, деярли гапирмас, саволларига фақат ҳаёки йўқ деб жавоб қайтарарди.

Кузатувчилар тобора чуқурлашиб, муракаблашиб борарди. Шерали силласи қуриб, чўпдек озиб кетди. Томоғи қичишиб, кунбўйи йўталарди.

Шерали танасидаги ҳар бир ўзгаришни муттасил қайд этиши, кейин уларни даволовчи врачларнинг хulosалари билан солиштириши керак эди. Унинг соғлиғи ҳақида врачлар қайгу билан гапиришарди. Аҳвол шу тарзда давом этса, Шерали бутунлай кўрпа-тўшак қилиб ётиб олиши ҳеч гап эмасди. Агар ҳозир даволанишни бошлаб қўйса, тажриба чала қолиб, шунча қилинган иш ҳавога кулдек совириларди. Шунинг учун тишини тишига

Қўйинб, врачларининг гапига қулоқ осмай даволаниши орқага сурарди.

Кунлар жуда сокин, зерикарли ўтарди. Шерали Диљбар билан биргаликда торгина хонада текшириш натижаларини таҳлил қиласарди. Баъзи олимларнинг чалкаш фикрлари, қўл учидаги қилинган ишлари вақтими кўп ўтиларди. Ҳатто кўпинча улар билан тортишиб қолишга ҳам тўғри келарди.

Бир ҳафтадан кейин Шерали ўз қарашларини асосан жамлаб бўлди. Унинг фикрлари паразитология учун батамом янгилик бўлиб, кўпгина олимларнинг пайтавасига қурт тушириди. Карима опа эса тинчиб қолганди. Шералининг елиб-югуришини зимдан кузатиб, бепарво юрар, унинг фикрлари билан ҳисоблашишга ўзида мажбурият сезарди. Опа бир вақтлар куйиб-пишиб ёпишган, эртанги кунда юзи қанчалик ёруғ бўлиш-бўлмаслиги билан боғлиқ ташвишларидан қутилмагандага юз ўтирган эди. Аввалги қизиққонлиги ўринини алтақандай лоқайдлик эгаллаган, юрагига караҳт қилувчи совуқ ҳаловатсизлик сездирмай кириб борарди. Негадир опа кейинги вақтларда ўзини-ўзи ёмон кўриб қолди. Бунинг сабабини унчалик тушунмас, фақат турмуш ташвишлари чарчатаётганини сезиб турар, буни қанчалик чуқур билгани сайин ўзидан нафратланарди. «Эрта қарибман!—деб ўйларди баъзан алам билан. — Қарилик билан ожизлик даҳшати мени адойи тамом қилмоқда. Бунаقا вақтда одамга ҳеч нарса ёқмайди. На ташвиш, на беғамлик. Аммо мен нимадан чўчийман? Нимадан? Худди бугун давлатидан ажralиб қолаётган очкўз одамга ўхшаб, нега ўзимни ҳар томонга ташлайман?»

Опа тинчини бузиб, асабларини тордек таранглаштирган жамики нарсалардан қўлини ювига қўлтиғига уришга аҳд қилди. Энди уни фақат қизининг тақдиди ташвишлантариради, холос. Якка-ёлғиз фарзандининг пешонаси очилмаётганини ўйлаб узун тунларни бедор ўтиказар, ҳатто баъзан кўзёши тўкиб, юрагини бўшатиб ҳам оларди. Мабода шу дақиқаларда эри ёдига тушса, ўксиниб баттар эзиларди. Кейинги вақтларда қизи Шералига кўнгил боғлаганини оналарга хос сезгирилик билан пайқаб, бир оз таскин топди. Диљбарнинг ҳатти-ҳаракатлари бошқача бўлиб қолганлиги, кундан-кун очилиб бораётганини онани севинтиради, «ишқилиб баҳт қушини учириб юбормасин!» деб худога ёлворарди. Аммо опанинг қувончлари жуда тез сўнди, аксинча, кейинчалик ғашлиги баттар кучайиб, кечалари бутунлай ухломайдиган бўлиб қолди. Ахир, Шерали инжиқ, ўжар йигит, қолаверса, касалманд, айниқса ҳозир тақдиди қил устида турибди, ҳар хил гавғо билан боши қотган. Қизининг интилишларини тушунармикан? Аёл учун энг муҳими мана шу! Унақа ўжар одамлар фақат бошқаларнинг истаклари устидан ҳукмронлик қилмоқчи бўлишади, ишқмуҳаббатни кўр-кўрана тан олишмайди.

Карима опа ўзини гўлликка солиб, шубҳаларини Диљбарга юқтиришга уринди. Онасининг изтиробли гаплари ҳар гал Диљбарни ёғдек эритар, бироқ сир бой бермас, ҳеч нарса билмагандек, лом-мим демай кўзларини сувизиб ўтираверарди.

Аслида у бир неча ойдан бўён гоҳ тушкунликка берилиб, гоҳ нимагадир умид боғлаб бесаранжом яшарди. Юрагини ўртаб, омбур-

дек исканжага олган дард нималигини билмас, ёлғиз қолганда қафасдаги кийик боласидек типирчилар, бир ҳамдард қўмсар, ўшанга интилар, бош-адоги кўринмайдиган хаёлларгина ташна вужудига юпанч берарди. Ажиб, орзиқтирувчи шундай юпанчни Шералининг кўзларидан ҳам топарди, унинг фавқулодда кескин боқишилари вужудининг номаълум жойидаги ўткир оғриқа малҳамдай ёқарди. Кўпинча Шерали билан танҳо қолгиси, кунбўйи унинг суҳбатига қулоқ солиб, кўзларига термилиб ўтиргиси келарди. Бундай дақиқаларни Шерали ҳам орзу қиласарди. Дилбарнинг боқишилари унга тақдирнинг битмас-туганмас эҳсонидай туюларди.

Бир куни лабораторияда ёлғиз суҳбатлашиб ўтиришарди. Тажриба мashaққатлари, Зиёхоннинг қилиқлари ҳақида ярим соатча талашиб-тортишишди. Дилбар Зиёхоннинг қўрқоқлигини айбламаслик керак, бола-чақаси ғамида тўғри йўл тутган, деб уни оқлади. Шерали бу гапга афтини буриштируди.

—У олдин тўғрисини тан олганда бошқа гапиди,—деди Шерали ғазабини яширмай.—Алдашга уринмаслик керак...

—Сиз қўрқмадингизми-я, ўшанда?—деди Дилбар кутилмаганда қариб шивирлаб.

—Нега қўрқай?—Шерали ҳам шивирлаб, унинг оппоқ қўлларини кафтлари орасига олди.—Ёнимда сиз бор эдингиз. Сиз... Дилбар! — Қўйворинг!

—Шу пайт эшик очилиб, Карима опа кирди. Улар ялт этиб эшикка қарашди. Шерали опани кўрди, Дилбарнинг қўлини қўйиб юбориб, орқасига тисарилди. Шошиб қолган Дилбар дув қизарип, яқинидаги стулга бўшашиб

ўтируди. Опа ҳеч нарса билмагандек, бепарвозлик билан Вали Тиллаевични сўради.

—Хозиргина чиқувдилар! — деди Шерали.

—Ҳай майли!—опа ноўнғай ҳолатдан тезроқ қутулиш учун эшик дастасига қўл узатди.—Кейин чақирираман. Комиссия келаётганмиш... Айтгаңча, ўзингиз қандай Шерали?

—Ёмонмас!—Шерали зўрма-зўраки жилмайди.—Лекин... Бўш қопга ўхтайман-да!

—Баданингиз латтадай. Шундайми?

—Ҳа-ҳа.

Аскаридознинг оғир формаси. Аттанг. Сизда ёмон асорат қолдириши мумкин-да.

—Опа, менда бир фикр туғилувди.

—Қани?

—Леонид Михайловичнинг қундалигини давом эттирамсан...

Хулосаларини қайта-қайта кўриб чиқсан Шерали бу ҳақда анчадан буён бош қотирап, Леонид Михайловичнинг қўли теккан дафтарга фикрларини туширишни ўйлаганда қаттиқ ҳаяжонланарди. Назарида бу кутилмаган жуда катта ишдек туюларди. Аммо опа гаптарини бепарво тинглаганини, лоқайдлик билан «иҳтиёргингиз» дея шошиб чиқиб кетганини кўриб, ҳафсали пир бўлди. Кейин бу гапни опага айтганига пушаймон чекди. Дилбар эса шунчалик тўлқинланган эдики, анордай қипқизарган юзи ловиллаб ёнарди.

—Ахир!..—у гапини йўқотиб қўйғанди.—Леонид Михайловичнинг қундалиги-я!

—Ҳа, ўша. Унтилган қундалик. Нимадан бошлишни билмай каллам қотаяпти. Онангиздан маслаҳат сўрамоқчидим.

—Биласизми, нима? Ҳалиги... Тасодиф бўлганидан бошлиш керак.

—Тасодиф? Қизиқ!—Шерали бир лаҳза ўйга толди.—Топдим! «Тасодиф ҳәёттүй заруратдир!» деб бошлайман. Ана кўрасиз! Тасодифга тан бермаса бўлмайди. Ҳозир ҳам тасодиф юз бермадими?

—Қандай?

—Қарима Музаффаровнани кутмаган эдикку.

—Сиз-да!—деди Дилбар хумор кўзларни сузиб.—Одамни уялтиридингиз.

—Гуноҳкорман! — Шерали бошини қўйи эгди.—Лекин... унча ёмонам бўлмади. Ахир, ойингиз билса ёмонми?

—Нимани?

Шерали чайналди, ер остидан Дилбарга қарапкан, унинг қиёфасида ҳароратли бир куч жамланганини кўрди. У аслида мана шу кучга асир бўлмаганми? Қачонлардан бери вужудини ёндириб, кўнглида умид туғдирган, ҳәёттинг ҳар қадамда оёққа илашадиган майда-чуйда ташвишларидан қўл силташга ун DAGАН ҳам шу куч эмасми, ахир! «Ҳа, Дилбар, сенда тушуниш қийин бўлган бир куч бор!—Шерали унинг кўзларига тоб беролмай, деразага ўгирилди-да, ўйлаб кетди.—У мени адойи тамом қилаёди. Мен гирдобга тушиб қолган пўкакка ўхшайман. Ихтиёrim сенда, Дилбар! Наҳотки буни сезмасанг? Бунчалик тошбагир бўлмагин! Узун кечаларда сени ўйлайман. Қийноқларга тўла оғир дақиқаларда сени ўйлайман. Сизнинг хаёлинг мени ҳар қандай азобдан қутқаради. Бунга фақат сен қодирсан...»

Дилбар Шералининг сўнгги вақтларда кичрайиб қолгандек туюладиган қотма гавдасидан кўз узмас, ўпкаси тўлишиб унга ачинар, кўнгли тоғ ёришиб, тоғ хуфтон бўлиб кетарди.

«Мени билмайсиз, Шерали ака! Дағимни ёролмайман! Мен ожизман. Сизнинг олдинингизда шунчалик ожизманки, йўлида учратсан нарсаларни вайрон қилиб юборадиган бўрнига йўлиққан капалакка ўхшайман. Бўронда қолган капалакни ҳоли нима кечади? Ё ҳәётидан ажралади, ёки...»

—Шерали ака!—Дилбар унинг ёнига борди.—Ўзингизни бунча қийнаманг.

—Сиз мени ҳали ҳам тушунмас экансиз.

—Балки... Йўғ-е, ундеймас.

—Мен фақат сизнинг олдингизда ёлғизлик азобидан қутуламан. Сиз эса менга ишонмайсиз.

—Ишонаман!—Дилбар бу сўзни аллақандай қатъият билан айтди-ю, тартибсиз квартирасини хотирлади. Ҳа, ёлғизлик унинг оёғига кишан бўлаётганини яхши билади. Аммо иложи қанча? Тақдир кишанини синдириш қўлидан келмайди. Шералининг имлоқли гапларига тузоққа тушган қушдай типирчилаб қолди, қаттиқ ҳаяжонланганидан лаблари қуруқшаб кетди. У ердан кўз узмасди. Гўё борлиқдаги ҳамма нарса бир нуқтага жамлангану фақат ана шу нуқтанигина кўрарди...

Соат олтига занг урганда котиба Дилбарни Карима Музаффаровна чақираётганини хабар қилди. Улар сухбат чала қолганига афсусланниб, бир-бирларидан кўнгил узолмай хайрлашдилар.

Ҳар қалай, Шерали бир оз сингил тортганди. У кўпдан бўён юрагида оғир тошдек ўрнашган гапнинг учини чиқаргани учун терисига сиғмай севинарди. Аммо салдан сўнг Дилбарга очиғини айтмай латта чайнарлик қилганига ўкиниб кетди. Лаборатория эшигини

қулфлаб, ҳовлига чиққанда ҳам аччиқ ўкинч уни тарк этмаганди. Бекатга етгунча ҳолдан тойиб, қадам босолмай қолди. Кечки салқинда бадани увишиди, кўп ўтмай тиззаларига титроқ кирди. «Тавба, кундан кунга ҳилвиллаб бораяпман! — Кечикиб келган автобусга чиқиб, энг орқадаги ўриндиққа қўнишиб ўтираркан, ўйга чўмди.—Сал шамолда бандидан узилаёзган баргдай қалтирайман. Мунақада нима бўлади? Лекин одам боласи қизиқ-да! На иссиққа, на совуққа чидайди. Фалвани ўзимга ўзим сотиб олиб, энди боши янчилган илондай типирчилайман. Менга раҳми келганларинг ҳам, мендан нафратланганларнинг ҳам баридан юз ўғирдим. Нима бўпти? Ҳаётдан эҳсон кутиб яшашнинг янгилиги қолмаган. Баъзи одатлар одамни расво қилиб ташлайди... Бари бир мен ҳаётдан ҳеч нарса таъма қилмайман... Лекин ўз ҳолимга қўйишмайди. Чувалчангга ўҳшаб беозор яшасам, ишларим юришиб кетармиди. Осойишта кун кечиришининг савобига нима етсин? Бир йўлини қилиб бадавлатроқ онланинг қизига уйланиб оласанда, ҳаммаси жойига тушади. Теварагингда сендан ўтадигани бўлмай қолади. Тутуруқсиз гапларингни ҳамма бош иргаб маъқуллайди, оғзинг очилар-очилмас нечаси хизматингга шай туради, керак бўлса бурнига найза билан тезак етказиб бўлмайдиган казо-казолар ҳам сенга таъзим қилганини ўзлари сезмай қолишади. Шунақа... Э-э, мулла Шерали, шуларни биларкансан-у, эсинг борида этагингни йиғиб олмаган экансан-да!»

Шерали жимжит бекатда автобусдан тушиб қолди.

Бўм-бўш квартираси одатдагидай ҳўмра-

йиб кутиб олди. Юракни сирқиратадиган бу ҳолга кўп вақтлардан бери биринчи марта аҳамият бермади. Боягина алғов-далғов бўтиб турган руҳияти, худди бўрондан кейинги денгиздек, тинчиб қолганди. Ҳозир унинг ҳолатини кўрган киши ундан қатъият ёки ирова борлигига сира шионмасди. Вужуди сувга тушган латтадек бўшашган, ҳаракатлари ҳорғин, кўзлари ҳозиргина ўчиб учи қизариб турган чироқ пилигидек, зўрга миљиарди. Оёқда боши қатаролмаслигини пайқаб, шалвираган қоматини диванга ташлади. Шифтга тикилиб, яrim соатча ётди, кейин нимадир ёдига тушиб, инқиллаб-синқиллаб ўрнидан турди.

Шерали китоб жавонининг пастки қаватидан гирди сарғайган, қорамтир муқовали эски дафтарни олди. Йўқотган қимматбаҳо нарса-сини топиб олгандек унга узоқ тикилди. шошилмай варақтай бошлади, сўнгра беш-олти бетини синчиклаб ўқиб чиқди. Шунда у бир нарсани Леонид Михайловичнинг қалби ҳаётдаги кўпгина нарсага шубҳа билан қараганини, шу билан бирга, икир-чикирларга эътибор беравермаганини пайқаб олди. Олим фикрларини шу қадар тифиз ва ўрни билан жойлаштиргандики, бирорта ортиқча сўз учрамасди. Дафтарга ўз дардларни ҳам туширишни орзу қилиб юрган Шерали иккиланиб қолди. Бунинг иложи йўқ эди! Агар шундай қилганда олимнинг руҳи, шубҳасиз, унинг устидан кулган бўларди.

У дафтарнинг бўш жойини очиб қўйди. Узоқ ўйлагандан сўнг варақнинг юқорисига ийрик-ийрик ҳарфлар билан шу сўзларни битди: «Сиҳатинг яхши бўлса—баҳтлисан!» Шерали ўзича кулимсиради, вужудчини илиқ бир

сокинлик эгаллаганди. Энди у ҳаяжонланмас, қўллари титрамасди. Ранги ўчиб, баъзи жойлари қорайган вараққа дастлабки сатрларни ёзди:

«Гасодиф ҳаётий заруратдир!

Эҳтимол, мана шу дафтар топилмаганда, аскаридалар ўн йил ва унда ҳам ортиқ яшави ҳеч кимнинг хаёлига келмасди. Ўн йиллик тирик аскарида касаллик чақирадими? Унда одам танасида қанақа ўзгаришлар юз беради? Биз ўзимизда ўтказётган синовдан мақсад шу саволларга жавоб топишдан иборат».

Шерали ручканинг учини лабига босиб, хаёлга толди. Назарида кундаликни асосий гапдан бошламаганди. Дафтарнинг янги сифасини очиб, ёзишда давом этди:

«Биринчи саволга жавоб топилди.

Очиқда ўн йил яшаган аскарида одам учун хавфли бўлиб қолавериши мумкин экан. Менимча, Леонид Михайлович Исаев буни фараз қўлган.

Мен ичган тухумлар (хозирча Зиёхон тўғрисида бир нарса дейнишга ожизман) ошқозондан ичакка ўтганлиги аниқланди. Улар ошқозонда яшави учун ҳар хил кислоталар имкон бермайди.

Олимлар касалликнинг дастлабки босқичини қўйнадигича шарҳлашмоқда: ичак деворларига бемалол ўрнашиб олган тухумлар личинкалар ажратди. Лиchinкалар эса зудлик билан қонга ўтди. Бу асосий хавфнинг бошланниши эди.

Личинкалар қон билан айланиб, ўпка пардаларига кириб олди.

Ўпкада доғлар пайдо қилди. Оқибатда, сурункали йўтал бошланди...

Жониворлар ўпкамда неча кун «мехмон» бўлиши ҳозирча номаълум.

Ҳароратим ўтиз тўқиз даража. Баъзан тушади, баъзан ошади. 1968 йил 5 октябрь».

Шерали дафтарни ёпди. Беҳаловат кўнгли бир оз таскин топиб, диванга чўзилди. Боши худди пармалаётгандай зирқираб оғрир, ични гўё қандайдир махлуқ панжалари билан таларди. Бу оғриқа кўпдан бери эътибор бермай қўйганди. Ичида нималар бўлаётганини беш панжадай биларди. Эҳтимол, шу боис дард оғир кечайтган бўлса ажаб эмас. Дардсиз одамгина тинч ва парвосиз юради. Қаерингни қандай касаллик кемираётганини билиб турсанг, ўзингни ўзинг шамдай адойи та мом қилиб қўйишинг мумкин. Текинхўр қуртлар унинг ичакларни шиляяпти, қонини сўраяпти, куч-куватини емираяпти. Ошқозонига нимаики тушса, зум ўтмай ямлаб қўяди. чоги, тез очиқади, томоғи қуруқшайди, игна ютган итдай озиб бораяпти.

У бу аҳволга кўничиш учун ҳам ўзидан имкон тополди. Юрагига ғулғула солган, тунлари уйқу бермаган ва фақатгина ўзи билган нуқтадан ўтиб олганди. Энди, ҳар қалай, озмикўпми иззат нафси қониб, қўлидан бирор иш келиши мумкинлигига ишонган эди.

Одатда, бунақа одамлар қийинчиликлар олдида ҳаётдан мурувват кутмайдилар, қўлларидан келса-келмаса, мурувватли бўлишга интиладилар...

* * *

Шерали эрталаб ўрнидан истар-истамас турди-ю, дарҳол кечаги ёзганларини ўқиб чиқ-

ди. Бугун кундаликин давом эттириш ниятида эди.

У кунбўйи уйдан жилмади. Аммо бир сатр ҳам ёзолмади. Ручкани олиб столга мук тушиши билан фикрлари айқаш-уйқаш бўлиб кетар, баъзан Карима опанинг гавдаси кўз олдида туриб олиб, энсасини қотиради.

Кундалик стол устида очиқ ҳолда ётарди.

Кун кеч бўлганини Шерали пайқамай қолди. Чироқни ёкиш учун ўрнидан қўзғалганда, эшик қўнғироғи устма-уст жиринглади. «Дилбар!»—ўйлади Шерали ширин туйғудан энтишиб. Чиндан янгишмабди. Дилбар келганди. Чехраси ёришиб, бир нафасда зерикиш азобини ҳам, борлиғидаги ланжлик ва оғриқни ҳам унудти.

—Келинг, Дилбар!

—Яхшимисиз?

—Ёмонмас.

—Бугун кўринмадингиз? Нима...

—Шундай ўзим. Пича ишламоқчийдим...
Айтганча, ойингизни тушунолмай турибман.
Гоҳ ундай, гоҳ бундай...

—Тўғриси, ойимни баъзан ўзимам тушунолмайман.

Дилбар оқиш плашчини ечиб, кийим илгичка осди, пешонасига тушган соч толаларини чеккасига қистириб, Шералинг ортидан эргашди. Улар диванга ёнма-ён ўтирилар.

—Биласизми?—Дилбар оғир хўрсинди.—
Тажрибангиз онамнинг кандидатлигини йўқقا чиқарди.

—Карима Музаффаровна ҳар қалай...—
Шерали қизаринқираб Дилбарга қаради.

—Докторлик ишларини қайта кўриб чиқмоқчи бўляяптилар. Қандай оғир...

— Ҳа, енгил эмас. Хайрнят, сиз мени тушундингиз. Юз ўғириб кетсангиз нима қиласдим?

Дилбарнинг юзига маъсум бир табассум югорди. У нимадир демоқчи бўлди-ю, журъати етмаётгандай гапини ютиб сукутга толди. «Сиздан қандай юз ўғирай, Шерали ака!»

— Докторликларини қайта ишларканларми?

—Ҳа. Баъзи хулосаларингиздан фойдаланиш ниятидалар.

—Гап бўёқда денг.

«Опанинг ёрдами бежиз эмасакан-да!—
Шерали ўрнидан туриб дераза томон юрди.—
Яна туширмоқчи. Ҳулосаларни ўзиники қилиб олмоқчи. Аммо бу гапни нега Дилбарга айтдийкин? Эҳ-хе, тушунарли! Дилбар буни менга етказишини билган. Кейин гап очиш осонроқ бўлади, деб ўйлаган!»

—Майли, Дилбар!—деди ўғирилиб.—Бу иш колективники. Ҳамма бирга қилаяпти. Карима Музаффаровна ҳам...

Шерали қорнини ғижимлади. Бирдан гавдасини букиб, жойига келиб ўтириди.

—Очга ўхшайсиз,—деди Дилбар.

—Мен доим очман, Дилбар. Мени ҳозир ҳеч ким тўйғазолмайди. Битта қўйни бир кунда кўрдим демайман.

—Бирор нарса пишириб берайми?

—Бирор нарсанинг ўзи йўқ.

Дилбар кула-кула ошхонага ўтди. Бирпасдан кейин унинг мамнун овози эшитилди.

—Картошка... Жиндай колбаса бор экан.

—Зўр-ку!

—Ҳозир... Ёғ билан пиёз топилса бўлди.
Шерали жавоб бермади. Дилбар ярим соат

ўтар-ўтмас картошка билан колбасани боллаб қовуриб, қизил гулли чинни лаганга солиб, дастурхонга келтириб қўйди. Шерали чиндан ҳам очиққанди. Буғланиб турган қипқизил қовурдоқни оч бўридай тушира бошлади. Дилбар унинг ҳаракатларини кузатиб маъюз жилмаяр, юраги ачишарди.

—Зап пазанда экансизми?—деди Шерали лаган яримлаганда.—Ошниям қотирсангиз керак.

—Унчамас.

—Камтарлик қилманг. Кўриниб турибди. Ёки ошни дадангиз пиширадими. Кўп хона-донда ошни эркак киши пиширади.

—Илгари онда-сонда пиширадилар,—Дилбарнинг овози синиқ эшитилди.

—Энди-чи?

—Энди у киши йўқ!

—А!—Шерали шошиб вилкани лаган қиррасига қўйди.

—Бултур баҳорда инфарк олиб кетди!—Дилбарнинг кўзлари намланди.

Шерали чала чайналган иссиқ картошкани аранг ютди. Ичакларини сидириб, ошқозонига тушганингача хис қилиб турди. Иккаласи ҳам мум тишлигандек жимиб қолди.

—Дадам университетда доцент эдилар,—Дилбар жимликни бузди.—Бирдан...

—Гарбда инфарктни «йигирманчи аср кўк-сига отилган ўқ» дейишади.

—Унданам баттар! Медицина бўлса ҳалиям ожиз.

—Унчалик ожизмас медицина. Бу одамларнинг ўзига боғлиқ.

—Тўғри. Кейин билсак дадам яшириб ичарканлар.

—Кўрдингизми? Ичкилик, чекиши... Жонга чиққан чипқон!

—Шерали ака, мен бир нарсани тушунмайман. Ичкилик билан чекиши қоралаймиз-у, яна магазинларни тўлғазиб ташлаймиз.

—Буни менам тушунмайман... Одамга иродা нимага берилган? Бир пайтлар менам жа отардим. Кўрдимки, ичкилик дегани одамни нақ оёқдан чаларкан...Чек қўйдим.

Ха, баъзилар буни тушунишмайди!

—Нега тушунишмас экан?—Шерали бир оз қизиши.—Тушунишади. Билиб-кўриб тескарисини қилишади. Шуниси ёмон. Ундан сўнг гипертония, инфаркт... Ўзи одам умри бир юлдузнинг ялт этиб сўнишидади гап.

—Шуни биларканисиз...—Дилбар тутилиб қолди.—Сизам ўзингизни ўтга уриб юрибсиз. Вақтни қайтариб бўлмайди-ку!

—Ха, қайтариб бўлмайди,— деди Шерали секингина.

—Сиз ўзингизни ҳечам ўйламайсиз.

—Мен фақат бир кишини ўйлайман.

—Ким экан ўша—Дилбарнинг овозида нозик бир титроқ бор эди.

—Менга ишонадиган бир киши бор.

—Сизга кўпчилик ишонади.

—У ҳаммадан кўпроқ ишонади.

—Шунақами?

—Ха! Ўша — сиз, Дилбар! Шералининг товуши ўзгарди.—Сиз менга ҳаммадан кўра кўпроқ ишонарканисиз, нега мен сизни севмай?!

Караҳт бўлгандек Дилбарнинг қулоқлари чиппа битиб қолди. Кутимаганда сувга йиқилиб, қирғоққа зўрға чиқиб олган боладай эсанкираб турар, оппоқ нозик бўйини мар-

варидсизмон майда тер қоплаганди. Унинг на-
зарига кўз очиб-юмгунчалик вақт ўтмай,
дунё ўзгариб қолгандай туюлди, хаёлида бир-
бирига ўхшамайдиган жуда кўп нарсалар
қоришиб кетди. Бир кун эмас, бир кун Шерали
ўзи ўзини фош қилишини биларди, аммо бу
шунчалик тез ва тўсатдан содир бўлишини
сира кутмаганди.

У бир неча дақиқа ўзига келолмади. Па-
ришон бир қиёфада Шералига тикилар, аммо
уни кўрмайтганга ўхшарди. Ниҳоят, ҳушини
йигиб олди-да, нигоҳини унинг чўғдек ёнаёт-
ган кўзларига қадаб турганини пайқаб, ву-
жуди алангага айланди.

—Мени умидсизлик кўп қийнарди,—деди
бир оздан сўнг беихтиёр.

—Мениям қийнарди!

Шерали ҳаёжон ичida дардли шинвирлади
ва кутимаганди Дилбарни оҳиста багрига
тортиб, қайноқ лабларидан ўпди.

—Ёманакансиз!—Дилбар қовоғини солди,
аммо қаршилик кўрсатгиси келмади.—Унақа-
да... Кемай қўяман.

Шерали унинг пирпираётган узун кипри-
ларини авайлаб силаб, жимгина кулимсиради.
Хоргин, бегубор кулгиси Дилбарнинг кўнгли-
га кучли далда берди. Энди у баҳтиёр эди,
борлигини илиқ сархушлик чулғаган, алла-
ловчи ажиб туйғудан энтикиб, кенг дунёга
сигмай бораётганга ўхшарди.

Улар ҳамма нарсани—чарвоқни, олдила-
ридаги ташвишлар ва машаққатларни уну-
тишганди. Ҳозир замин бутун борлиги билан
уларнинг ҳам сокин, ҳам ўтли нигоҳларида
яшарди.

Соат тўқизга яқинлашиб қолди. Дилбар

үйда онаси ёлғизлигини ҳамда уни хавотирла-
ниб кутаётган бўлиши мумкинлигини айтиб,
ўрнидан турди. Шерали уни бекатгача кузати-
б қайтди. Жимжит уйда яна танҳо қолди.
Ухлаш ниятида диванга чўзилди. Бўлмади
уйқуси қочиб, ўрнидан турди. Хаёлидан нуқул
Дилбарнинг узун киприклари, қирмизи юпқа
лаблари кетмасди.

Хонада совуқ бир сукунат ҳукм сурарди.
Шерали юраги сиқилиб наридан берига юрди.
Деразага яқинлашиб, пардани тортиди. Қечки
салқин оғушига кирган Регистон сокин ва ким-
сасиз эди. Чорраҳадаги светафор чироқлари
бир текисда ўчиб-ёниб туарарди. Анчадан сўнг
пишқириб кечки троллейбус ўтди.

Шерали деразадан узоқлашиб, хона ўрта-
сида туриб қолди. Ичида секин уфф тортиб
қўйди. Уйқуси тамоман йўқолди. Ноилож жа-
вондан «Паразитология» китобини олиб, стол-
га мук тушди-да, варақлай бошлади. Энди у
саҳаргача киприги илинмаслигини, фақат ки-
тоб билангина ўзини овутиши мумкинлигини
биларди...

* * *

Чиндан ҳам Шерали узундан узоқ кечани
гоҳ юриб, гоҳ хаёл суреб, гоҳ китоб ўқиб ўт-
казди. Тонгга яқин эса, одатдагидай, тошдай
қотиб ухлаб қолди.

У ўйгонгандага Регистон устига офтоб ёйни-
либ кетганди. Бугун институтда бир дунё иши
борлигини эслаб, шошиб турди-да, йўлга туш-
ди. Кўчаларда одам сийрак эди, эрталабки
изғирин шовуллаб тўқилаётган хазонларни
учириб юарарди. Шерали плашчига ўралиб

олиб, бекатда тақотсизланиб троллейбус кутди.

Соат саккиздан ошганда институтга етиб келди. Ланг очиқ зангори дарвозадан кириб бораркан, бетон йўлакчада Зиёхонга тўқнаш келди. Бу учрашувни кутмаган эди, бирдан нокулай аҳволга тушди. Гаши келганини сездирмаслик учун унга қарамай, ёнидан индамай ўтиб кетди.

Зиёхон туси ўзгариб йўлакда бирлас тўхтаб турди-да, охири югуриб Шералига етиб олди. Унинг қалин лабларидан қон қочган, япалоқ бурни учида тер ялтилларди. Шерали тўхташга мажбур бўлди. Дўстининг гўштдор юзи, тикиб қўйилгандек бақувват гавдасига разм соларкан, нима дейишини билмай ўзини мутлақо беҳол сезди.

—Шерали! — Зиёхон пешонасини артди.— Биламан, мени кечирмайсиз. Лекин мен сизга бир нарсани тушунтирмоқчидим.

— Керакмас,— деди Шерали бепарволик билан. Қўрқиб дори ичиб қўйганингизни айтмоқчимисиз?

— Мени тушунинг, Шерали! Бир майизни бўлишиб ердик-а...

— Тушуниб турибман.

— Мен ўзимдан эмас, бола-чақамдан қўрқувдим.

— Тўғри қилгансиз. Энди қулоғимният тинч қўйинг. Сизга ишонса бўларкан... Мабода сиздан нафратланиш керак бўлса... Йўқ, керакмас. Биласиз, мен кек сақламайман!

— Ҳар ҳолда мен...

— Ҳар ҳолда сиз ҳеч нарсани қадрламас экансиз.

Шерали дўстига бамайлихотир тикилиб,

рентген кабинети томон бурилди. Муз бўлиб кетган Зиёхон унинг ортидан анграйиб қараб қолди. Қейин шашит билан у ҳам ўз йўлига қетаркан, аламданми ёки юрагини ҳасадга ўхшаш бир нарса кемирганиданми, тишларини фижирлатди. «Шоху бутоғинг борми?—ўйлади у,—мунча кериласан?»

Таъби хуфтон бўлган Шерали Зиёхоннинг энсани қотирадиган совуқ башарасини кунбўйи эсдан чиқаролмади. Рентгенолог қиз кўкрак қафасини текшираётганда ҳам, терапевт юрагини эшитаётганда ҳам, анализ учун қон топшираётганда ҳам у ҳақда ўйлади. «Сувни лойқалатиб балиқ тутишга уста!—ўйларди Шерали.— Бўйинни ҳам қилишини қаранг!» Негадир уни бир оз бўлса-да оқлаш, шу билан ўтда қовурилаётган юрагига сув сепиш учун жуда кўп баҳона қидириб кўрди. Аммо уринишлари сувга оқиб кетди. Зиёхоннинг япалоқ бурнини кўз олдига келтириши биланоқ, нафрati қўзириди.

Сирасини айтганда, Зиёхоннинг кечирим сўраши тутаб турган ўтинга керосин сепгандай бўлган эди. «Энди кечирим сўрашнинг нима кераги бор?—тутоқарди Шерали.— Олдин кўра-била кўзингга чўп суқса-ю, кейин узр сўраса...»

Гашлик Шералининг вужудини тегирмон тошидек эзарди. Одатдаги ташвишлар билан ўзини чалғитиши, овутишга қанчалик уринмасин, бари бир, Зиёхоннинг совуқ кўзлари уни таъқиб этишдан қолмади. «Бу кўзлар алдайди!—Шерали ҳар қадамда таҳликали бир ҳолатда шивирларди.—Ишониб бўлмайди бу кўзларга...»

У нотинч, паришон хаёлларини миясидан

қувди. Ҳорғин қалби осойишта дақиқаларни қўмсай бошлаган эди.

* * *

Тушликдан сўнг Шерали ўзини бир оз енгил сезди. Кўзларидаги нафрат учқунлари аста-секин сўниб, боқишилари осойишта бўлиб қолди. Институт буфетида Дилбар билан овқатланаркан, латифа айтиб уни кулдириб ўтириди. Кейин улар ҳовлига чиқиб, бир оз айланишиди. Ўз юмушлари билан банд бўлган илмий ходимлар ўёқдан-буёққа ўтиб туришарди. Ҳавога сийрак, ҳарир булат чиққан эди, анчадан кейин булутнинг бир қаноти қуюқлашиб, офтобни тўсди, енгилгина шабада эса бошлади. Боғ тўридан райхоннинг иси келди.

— Институтдагилардан бирортаси сизнинг ўрнингизда бўлишни истармиди?—деди Дилбар кутимаганда.

— Ким билади?!—Шерали кифтини учирди.—Аммо мен Зиёхоннинг ўрида бўлишни ҳечам хоҳламасдим.

— Унинг гапларини бир эшитсайдингиз...

Улар изларига қайтиб, лабораторияга киришди. Хона совуқ эди. Тўрдаги столда Вали Тиллаевич қўнишиб жим ўтирас, унинг қархисида тик туриб олган Зиёхон қўлларини пахса қилиб, нима ҳақидадир вайсади.

— Мен шуҳратга муҳтож эмасман...

Зиёхон эшикка ўгирилди. Шерали билан Дилбарни кўриб, гапини йўқотиб қўйди. Кўзлари совуқ порлаб, семиз юзи бўздек оқариб кетди. Шерали гап нима ҳақда бораётганини фаҳмлаган эди.

—Хўш! Шуҳратга ким муҳтож экан?— деди Шерали совуққонлик билан.

— Гапга билиб аралашсангиз бўларди,— деди Зиёхон қиёфасини ўзгартирмай.

— Мен сизга ачинаман! Лекин афсуски, ёрдам беролмайман...

— Қўйинглар, яхшимас!—Вали Тиллаевич шошиб турди.—Шерали, нима кераги бор? Яхиси, юринг. Опа чақирган.

Вали ака билан Шерали чиқиб кетишиди. Улар чўғдек безатилган кабинетга киришганда, опа чой қайтараётганди. У маъюс жилмайди, шошилмай ўридан туриб, аввал Вали ака, кейин Шерали билан кўришди.

— Аҳвол қалай?— деди Шералига.

— Тузук.

— Яшанг. Сизни бунчалик деб ўйломовдим. Паразитлар билан олишиш осонмас. Бу ёғигаям бўш келманг энди. Сиз ютиб чиқдингиз.

Шерали ердан нигоҳини узмай жим турарди. Унинг юзидағи вазминлик ва бепарволик опага бир оз нашъя қилди, аммо ранжиганини сездирмай, чиройли гаплар айтиб, чеҳраси очи-либ ўтириди. Бўялган лабларидан бир лаҳза ҳам табассум аримади.

Шу пайт эшик очилиб, тажриба кузатувлари билан шугулланаётган олимлар кириб келишди. Бир қарашда ҳамма бепарво кўринарди. Аммо тунд ва ўйчан чеҳраларидаги безовталикини уқиб олиш унчалик қийин эмасди. Фақат Карима опа одатдагидай лоқайд ўтирас, думалоқ юзи ифодасиз эди.

Шерали тажрибанинг сўнгги яқунлари ҳақида мулоҳазаларини ўртага ташлади. У бу мулоҳазалари бундан ўн йил муқаддам паразитологлар ишлаб чиққан назарий масалалар-

ни инкор этишни очиқ айтди. Шундан сўнг узундан-узоқ мунозара бошланиб кетди.

— Катта ютуқ! — деди Муқим Сатторович аввал Шералига, сўнгра опага кўз ташлаб,— Институтимизнинг обрўси...

— Ха, энди... фахрланамиз-да! — деди кимдир мулойим товуш билан.—Елкасида ёли боракан бу болани!

Шерали бошини кўтариб овоз келган томонга қаради. У ўша пакана одамнинг овози эди. Унинг пўстирмадек қалин лаблари ялтиллаб туради. Шерали юзини четга бурди. Шу топда эсига Зиёхон тушиб кетган эди.

— Биз ўзимизни тушуниб олсайдик! — деди у аллақандай ўксинган товушда.—Қолгани майли эди...

Ҳеч кимдан садо чиқмади. Оғзига талқон солгандек ҳамма сукутга толди. Кўзойнак таққан терапевт врачанинг ингичка товуши ноқулаги жимликни бузди.

— Ҳаммаси яхши... Лекин энди Шерали даволаниши керак!

— Тўғри айтасиз,—деди Қарима опа.

— Мен масалан, бошқа чидомлайман. Чидаш мумкин эмас, ахир! Кўз олдимизда-я!

— Қўйинг бу гапларни! — деди Шерали се-кингина.— Ҳали бошқа ташвишлар бор. Ё сизларга малол келаяптими?

— Кимга малол келаркан? — Карима опа оппоқ кафтини стол четига «тақ» эткизиб қўйди.—Кимга? Вали Тиллаевич, сиз хulosаларни умумлаштириб бораяпсизми?

— Ха, ҳа! — Вали ака ҳовлиқиб ўриндан турди.— Кунлигини кунлай ёзиб бораяпман.

— Яхши! — деди опа таскин топиб.—Демак

ишимиз ёмон эмас. Үйлайманки, бу ёгиям ёмон бормайди.

Бошқалар бош иргаб, унинг гапини маъкуллашди.

Ун минутлардан сўнг олимлар тарқалишиди. Шерали кабинетдан ҳаммадан кейин чиқди, боши худди арининг инидек ғувиллар, қулоқлари битиб қолганга ўхшарди. Тоза ҳаводан ўпкасини тўлдириб нафас олиб, дарвоза сари йўналди.

Иўлакда уни кўзойнакли врач кутиб турган экан. Улар барглари тўқилиб, ялангоч бўлиб қолган баланд шамшодлар тагидан оҳиста юриб кетишиди. Муюлишда ҳамроҳи гап очди.

— Сиз даҳшатли қурбон бераяпсиз, дўстим!

— Нега ундан дейсиз?

— Мен сизга бир гапни айтиб қўйай. Одам боласи ўз қобигидан чиқиб кетмагани маъкул...

— Эҳтимол! — Шерали елкасини учирди.

— Ҳозирги вақтда тинчгина яшашга нима етсин. Оч қорним, тинч қулоғим... Менам бир вақтлар романтик ҳаётни хаёл қилардим. Ҳаётнинг ўзи аста-секин одамни совутаркан.

— Мен ҳеч унақа хаёл қилмаганман.

Кўзойнакли врач афтини буриштириди. Кўча адогидаги бурилишга етгунча, мум тишлагандай индамай борди. Кўчанинг ўнг тарафига ўтаркан, Шерали истамайгина қўл узатди. Шерали хайрлашиб, йўлига кетди.

Кечқурун, одатдагидай хонасига қамалиб олди. Кундаликни давом эттириш керак эди. Лекин фикрларини бир жойга жамлашга қийналиб, уни қўлга олишга юраги бетламай турарди. У бугунги воқеаларни, терапевтнинг

тапларини хотирлади. «Фалати!—кўнглидан кечирди у.—Ҳар кимнинг ўз чўпи бўларканда!»—Шу лаҳзада кўнглига нималар келмади. Бирдан кўнгли юмшаб, илк дафъа ўзига ачинди. «Ўял!—деди кейин ўзига-ўзи.—Сен шафқат деган нарсани тан олмайсан-ку!»

Шерали оёқларини узатиб, қўлларини боши остига қўйиб, диванда узоқ ётди. Бироз чарчоғи ёзилгач, тарсагига суюниб ўринидан турди, кафтини оғзига тутиб эснади. Ўзини енгил ҳис қила бошлаганди, миясидаги губор тумандай тарқаган, таъби ойнадай равшан тортганди.

Стол устини ҳафсала билан тартибга солди, бир чеккада турган кундаликни яқинига сурди. Нимадандир шубҳалангандай лабларини қимтиб, бафуржা ёзишга киришди:

«Бугун институтда олимлар тажриба устидаги қаттиқ тортишишди. Ҳар ким ҳар хил фикр билдири.

Рентгенолог ўпкада ҳавли доғлар катталашаётгани, генетик жинсий орган заарланаётганини айтди. Генетик мулоҳазалари анча ташвишилдир. Личинкалар қуртга айлангач, ҳар бири кўплаб тухум чиқаради. Тухумлар эса токсин (заҳарли модда) ажратади. Бу модда жинсий аъзони огулаб, фаолиятини су сайтиради. Аскаридозга чалинган бола вақтида даволанмаса, бир умр ожиз бўлиб қолиши, яъни фарзандсиз ўтиши мумкин. Токсин қонга қўшилиб жигар, юрак, ўпка, марказий асад толаларини ҳам заҳарлайди.

Касалликнинг иккинчи босқичи қуйидагича кечди: тухумлардан ажралган личинкалар ўпкамда икки-уч кун яшагач, юқари нафас олиш аъзолари орқали оғиз бўшлиғига кўтарилди.

Жониворлар сўлак билан ошқозонга тушиб, кейин ичакка ўтди. У ерда озиқланиб, кутилмаган даражада тез ривожланди ва ҳар бири ўттиз-қирқ сантиметрли қуртга айланди.

Ҳозир ошқозонимда шундай қуртдан эллик беш-олтмиштаси яшаети. Медицина пазитининг ўн-ўн бештасини одам учун хафли ҳисоблайди.

Шерали шу ерга келганда беихтиёр сесканиб, ўзини стул суюнчигига ташлади. Анчадан кейин қўйидаги сўзларни қўшиб қўйди:

«Қизиғи шундаки, аскарида тухумлари касаллик чақириши учун албатта очиқ ҳавода, яъни тупроқда маълум муддатли эволюция даврини яшави керак. Гижжалардан ажралган тухумлар ахлат билан ерга тушиб, эволюция даврини ўтаб бўлгач, яна одамлар ва молларни заҳарлайди. Бу жараён тўхтовсиз давом этаверади. Бунинг олдини олиш муддати етмадимикин? Аммо қандай қилиб?»

«Одам танасида яшовчи текинхўрларни ўқотиш мумкинми ёки йўқми?» деган муаммо кўпдан буён унга тинчлик бермасди. Ҳозир тагин шу фикр миясини эгаллаб олди. Паразитлар узоқ давлардан бери одамларнинг илигини сўриб келаётганини ўйлаган сайин юраги увишар, аскаридоз чангалини бўғзида ҳис қилиб тургани учун ваҳимага тушарди.

Одамлар ерни севадилар, айни пайтда тупроқдан хавфсираб яшайдилар. Чунки, ундан ҳаёт шарбатини шимириш билан бирга, заҳарландилар. Демак, ер соғ бўлса, ҳаёт соғ бўлади. Бунга эришиш учун нима қилиш керак? Борди-ю, ернинг ўзида синов ўтказилса-чи? Эҳтимол, бирор натижа чиқар...

Шерали топган фаразидан қувониб кетди. Агар бу фараз ҳақиқатга айланса, умуман, профилактик ишларда бурилиш бўлиши мумкин эди. Айни чоқда Шерали шубҳа ичida қолди. Янги фикрни ўртага ташлашдан олдин обдон ўйлаб кўриши керак эди. Ерда тажриба ўтказишнинг ўзи бўлмайди. Унинг ҳам амалий, ҳам назарий томонларини пухта ишлаб чиқиш, ҳам кетадиган харажатни назардан қочирмаслик лозим. Томдан тараша тушгандек иш бошлаб, кейин ер чизиб қолишининг нима кераги бор?

Шерали ерда ўтказиладиган тажриба ҳақида кеча-кундуз бош қотирди, ҳатто операциянинг хомаки режасини тузди. Баъзи мулоҳазаларини Леонид Михайловичнинг кундлигига тушириб қўйди. Кейин ўзича тажрибанинг бошлангич даврида теабендазол ва карбатон препаратларини қўллаш керак, деган холосага келди.

Шерали ниятини кўнглида роса пишитгач, ҳаммасини Карима опага бир бошдан гапириб берди. Кабинетда иккаласидан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Орага шундай оғир жимлик чўқдики, Шералига ҳайратланиб тикилиб қолган опа узоқ вақт бу жимлини бузишга журъят қилмади. «Қизиқ бу йигит!—ўйлади у,—ўзи нима аҳволда-ю, бошига ғалва ортириб юрибди».

— Аввал тузалиб олинг.— Ола анчадан кейин тилга кирди.— Қолгани бир гап бўлар. Ҳали сиз билан кўп ишлашамиз. Кўп ишлар чала...

— Тўғри, чала,— у опага кўз қирини ташлади.— Агар буни кейинга қолдирсан, чала ишлар яна биттага ортади.

— Тушунаман, лекин сўз ҳозир бу ҳақда гапирадиган аҳволда эмассиз.

— Мен кўникиб қолдим, опа!

У кулимсиради. Карима опанинг ҳам лабларида табассум учқунлади. Қейин опа дарҳол қовоғини солди.

— Ука, дардга кўникиб бўлмайди!

— Эҳтимол.

— Занг темирини емирганидек....— опа бoshини қўйи солди.— Одам боласи қизифакан-да! Гулдан нозик, темирдан қаттиқ!

— Опа, одам иродаси ҳар қандай ўхшатишдан устун туради!

— Сиз ҳақсиз!..

Карима опа кўксисда жунбишга келган ҳароратли туйғудан энтиқди. Илгари ҳеч маҳал бундай ҳисни туймаган эди, ёноқларига қон югуриб, кўзлари чақнаб кетди. У Шералига ичидан тан берган эди. Кўнглига келган гапни айтиш учун оғиз жуфтлади-ю, негадир яна ўзини тутди.

— Нима қиласиз унда, ука?— опа кутилманда асосий гапга қайтди.

— Темирини иссиғида босиши керак!

— Бирор таклифингиз борми?

— Бор! — Шерали ҳовлиқиб, тушунтира бошлади.— Дастрлаб заарарланган зонага қайноқ сув сепиб кўрилса, деган хаёлга борувдим. Бу тўғри эмас чоғи. Қайноқ сув экинларни қовжиратиб ташшаркан. Теабендазол билан карбатонни аралаштириб ишлатиб кўрамиз.

— Ўҳ-ҳӯ, бу жуда қийматга тушади-ку!

— Биламан, жуда қиммат. Айниқса катта майдонларда ишлатиб бўлмайди. Лекин ило-

жини қилиш мумкинга ўхшайди. Арzonга тушидиган препарат ҳақида ўйлаяпман.

Карима опа қизарган ёноқларини силади, пешонасига тушган соч толаларини тузатган бўлди. Ҳайратини яшиrolмай, бошини чайқади. «Бу йигит тинчимайди! Қечаси билан ухламайдими, дейман!»

— Мен розиман! — деди опа ниҳоят. — Кўрамиз қани...

Шерали опа билан хайрлашиб чиқиб кетди. Тўғри лабораторияга борди-да, Вали aka билан Дилбарга ҳам бўлғуси операция ҳақида сўзлаб берди.

— Ерда синов? — Вали aka елкасини учирди. — Опа нима деркин бунга?

— Опа рози бўлдилар.

— Қизиқ... Умуман яхши бўлардику-я... Лекин назарий асосланмаган иш... қийин-да!

У шундай деб мингирилади-да, Шералига синчков назар ташлади. Унинг кўзларидағи қатъияти кўргач, индамай лабини тишлади. Қисқагина жимликтан сўнг Шерали хомаки режаларини ўртага ташлади. Улар анчагина асосли ва пухта ишланган бўлса ҳам, ҳамон бир фикрга келолмаётган Вали aka таскин бермади. У кўпчилик олдида майна бўлиб қолишдан чўчирди.

Ўша кундан бутун институт янги операция ташвиши билан нафас ола бошлади.

Ниҳоят, олимлар филиал боғида тўпланишди. Операцияга қизиқканларнинг деярли барчаси келганди. Карима опа ҳаммадан илгари келиб, ишнинг боришини ўзи кузатиб турди. Бошқалар кутилмаган гапларни топиб юрадиган Шералига қизиқсиниб тикилар, унинг маслаҳати билан иш тутарди.

Шерали билан Дилбар икки сотихча келадиган ерга аскарида аралаштирилган тупроқ сепишиди. Қейин Шерали тавсиясига кўра тайёрланган дори билан дезинфекция ўтказилди. Бирор сооатдан сўнг микроскоп ёрдамида тупроқ текширилгач, тухумлар билан қолмай қирилганлиги аён бўлди.

Жуда ҳаяжонли дақиқалар эди. Олимлар ўзларини тутолмай, лабораторияни бошларига қўтариб қий-чув солишиди. Шерали чеккароқда маъюс кулими сираб турарди. Шунда у ҳамкасларининг мамнун юзларига тикилиб, бир вақтлар мана шу кўримсиз хонада тирик аскарида излаб ўтказган кунларини хотиридан кечирди. Кўп ўтмай юзидағи маъюслик сўниб, қалбини шубҳа аралаш ҳаяжон қоплади. Ҳозир унинг севинчини сўз билан ифодалаш қийин эди. Қачонлардир ўн йиллик тирик тухум топганда ана шундай терисига сифмай қувонган эди. Олимлар Шералини табриклай бошлашди. Шерали тамоман довдираб қолган, сиртмоққа тушган тойчиқдек типирчилар, юз-кўзлари ловиллаб ёнарди. У ҳаяжон ва изтиробнинг зўридан ёнгинасида енгил хижолат чекиб, жилмайиб турган Дилбарнинг пешонасидан ва лабларидан ўпиб олди.

Карима опа Шерали қизини ўлганини кўриб, четга ўгирилди. Опанинг кўзларида ўш ялтиради.

— Ишонасизми, Дилбар! — деди сўнгра кўзларида сирли қатъият чақнаб. — Қелгусида аскаридалар бўлмайди. Улар одамларни безовта қилмайди... Шунга ишонасизми?

— Ишонаман!

— Дилбар шивирлади,

Улар бир-бирларига хушнуд тикилишди. Икковининг ҳам ўткир қарашидан битта маънени уқиш мумкин эди: «Омад чопган дақиқаларда дунё одамнинг кўзига фақат гўзал кўринади!»

* * *

— Қирқ... Эҳ, Дилбар, Дилбар! Сен бўлmasan ҳолим нима кечарди? Сени ўйласам, дардим енгиллашиб, кўксимдан тоғ ағдарилгандай бўлади. Ахир, менинг ҳақлигимни ҳаммадан аввал сен тушунган эдинг. Сен мени суяб қолдинг...

Шерали юрагида сирли бир ғурур уйғонганини сезди, кўзлари чақнаб оғриқ унуглангандай бўлди. Томирларига кўп соғинтирган, иниқ қилган ҳузур берувчи totli туйғу қуилди.

Ажаб, бу туйғу лаззатини кўпдан бери унугланмиди? Уни ҳис этиши билан кўнгли тоғдай кўтарилиб, гёё бирдан бошқача одамга айланди. Энди бу дақиқалар чўзишлишини, изтироблар гидробидан озгина бўлса ҳам чекиниши истарди. Ахир, одам баъзан чекиниши ҳам керак-да!

Шерали негадир дардларига ўлчов топишга уринди. Сўнгра бу ҳол ўзига ҳам кулгили туюлиб ўқинди. Бу ҳорғинлик аломати эди. Рост, у беҳад чарчади, дард илигигача сўриб олди, қотма жуссаси баттар кичрайиб бетининг суклари чиқиб қолди. Энди унга ором керак, токи жиндай ўзига келсин, нафасини ростласин...

У Дилбарнинг «Чолга ўхшайсиз!» деган гапларини эслаб, беихтиёр кулимсиради. Лекин бу килимсираш сўник, ҳароратсиз эди.

Ўзидан-ўзи уялиб кетди. Йўқ, бир вақтлар бунақа эмасди. Бутун вужуди билан тўлиб-тошиб кулларди. Ҳали ўша кулгилари яна тирилади, боқишилари ўз ҳолига қайтади, ҳаётни ҳақиқий соғлом кўз билан кўра бошлиайди. Белига қайтадан куч тўлади, томирларida қон кўпиради. Истаса илгаригидай худди кийик каби тоққа ҳам югуриб чиқади, истаса...

Фақат манови дарддан тезроқ қутулсайди!

— Қирқ икки... Эҳ, Дилбар! Сен билмайсан-да! Юрагимда қанча кўп дард борлигини сен билмайсан-да!.. Йўқ, айтганча, энди биласан. Энди сен кўп нарсаларни биласан. Энг муҳими, сен ҳақлигимни исботлай олганимни биласан. Шундай бўлмаганда мен ҳаётдан, қониқиб, тақдиримдан рози бўлармидим!..

У яна атиги бир лаҳзагина ўзини унуглиб кўйди. Шу бир лаҳза ичидан сўнгги илмий кенгашда Қарима опа айтган икки оғиз гапни хотиридан кечириди, холос. «Шерали ўзини танита олди, — деганда опа ўшанда кўпчиликнинг ичидан баланд овоз билан. — У пешонаси қашқа бўла-бўла ҳақлигига ишонтирди».

Уша куни Шерали Леонид Михайлович кундалигининг янги саҳифасига бор-йўғи иккита жумла ёзиб қўйди: «Ҳақлигимни тан олишди. Тажриба давом этмоқда».

— Қирқ икки...

Шерали қирқ иккинчи погонани чуқур хўрсини билан, мағрур ва дадил босиб ўтди. Кейин эса негадир кўнглигининг бир чети фашланиб, ортига бир қараб олди. Ажабо, у ҳозир ўз тақдирига хотима ясаган одамга ўхшарди.

Шерали тўзондай бостириб келган чалкаш тасаввурлардан қочмоқчи бўлгандай, қадамини тезлатди. Кеча устози Камол Нурбоевдан хат олганда шундай тетиклашиб, боши кўкка етганди. Устози сўзин аягандек, қисқагина ёзганди: «Шерали! «Медицина» газетасида босилган мақолангни ўқидим. Тажрибанг сўнгига йиллардаги катта янгилик бўлибди. Табриклаб, қўлингни қисиб қоламан».

Нафаси тиқилиб тез-тез ҳансиради, ўпкасини ҳавога тўлдириш учун чуқур энтикли, аммо ҳавога тўймади. Уч-тўрт қадам нарида Дилбар вазмин кулимсираб турарди. Унинг лўппи-лўппи ёноқларига қон тепган, узун киприклари соябон бўлган кўзларидан шафқат нури ёғиларди.

— Нечта экан, Шерали ака!

— Қирқ иккита! — деди Шерали иккиланмай.

— Мен қирқ битта санадим.

— Мен қирқ учта, — деди Гая малла сочларини силкитиб.

Улар кулишиб илгарилашди. Зиёратчилар сийраклашган, икки томонига нақшинкор ҳужралар, катта-кичик мақбаралар тизилган, тўрт бурчак пишиқ фишт терилган йўлак соқин эди. Меҳмонлар ғала-ғовури билан тез-тез алмашинувчи бу сукунат киши руҳини шундоққина банд қилиб оларди.

Шерали йўлак ичкарисига секин одимлаб энтиклиб кетди. Зангори бўёқларнинг мислсиз тиниқлиги безовта хаёлларини дарҳол тиндириди. Энди кўзлари бепарво боқарди, астасекин юраги осойишта тепа бошлади.

Осори-атиқалар силсиласида яна ярим

соатча қолиб кетишиди. Гаяля инсофга келис «Қайтамиз!» дегунча, рангларга маҳлиё бўлиб юраверишиди. Аслида бу жозибали гўшадан Гаялининг кетгиси келмаётганди. Қайтмасдан ҳам иложи йўқ эди. Вақти жуда тифиз, ҳали шаҳарнинг кўп жойини кўрган эмас. Ҳаммасига улгуриши керак.

Улар орқага қайтишиди.

Самарқанд куз қуёшида безовта мудрарди. Осмон зумраддай тиник, фақат шаҳар атрофини ўраган олисадаги тоглар учida ямоқсимон булутлар сокин сузуб юради. Ўша тогларга етганда худди осмон тугаб қолганга ўхшарди. Уфқ этаги қизгиш тусда товланар, чўққилар бошига шафақ ёйла бошлиганди.

Шаҳар кўчаларида кучсизгина изғирии эди. Изғирин баъзан кучайиб, қош-кўзларига оппоқ мезонларни ёпишитирар, кейин яна аста юлиб олиб, узоқларга учирив кетарди.

Улар гавжум тротуардан шошилмай одимлашарди. Совуқ шабада Шералининг суюксуягигача қақшатиб юборди, лаблари кўкариб кетди. Дилбар унинг рангпар юзига термилиб, сездирмай хўрсинди. Сиёб бозори яқинидаги бекатда дуч келган биринчи такси ни тўхтатди. Шерали олдинга, қизлар орқага ўтиришиди.

Такси Регистон сари секин юриб кетди.

1977-1978 йиллар.

Д 51

Дилмуродов, Асад.

Сирли зина. Ҳужжатли қисса.— Т.
«Ёш гвардия», 1981.— 144 б.

Дилмурадов Асад. Таинственные сту-
пеньки.

Уз2

На узбекском языке

АСАД ДИЛМУРАДОВ

ТАИНСТВЕННЫЕ СТУПЕНЬКИ

Ташкент, Издательство «Ёш гвардия», 1981

Редактор Э. Сидиков

Рассом Р. Камолитдинов

Расмлар редактори Э. Валиев

Корректор С. Сайдалимов

ИБ № 783

Теришга берилди 10.12.1980 й. Босишга рухсат этилди
10. 03. 1981 й. Р—08902. Формати 70×90 $\frac{1}{32}$. 1-босма қо-
ғозга «Литературная» гарнитурада юқори босма усулида
босилди. Босма листи 4,5. Шартли босма листи 5,26. Нашр
листи 5,127. Тиражи 15000. Буюртма № 37. Шартнома
№ 71—80. Баҳоси 35 т.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия» нашри-
ти. Тошкент — 700129, Навоий кӯчаси, 30.

Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси
ишилари Давлат Комитети Тошкент «Матбуот» полиграфия
ишилаб чиқариш бирлашмасининг 2-йосмаконаси. Янгийўл
шаҳар, Самарқанд кӯчаси, 44.